



*VI-с.*

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ  
ЯНГИ ҚОНУНЛАРИ**

**НОВЫЕ ЗАКОНЫ  
УЗБЕКИСТАНА**

**14**

«АДОЛАТ»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ  
ВАЗИРЛИГИ

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ  
ЯНГИ ҚОНУНЛАРИ**

**14**


Тошкент  
«Адолат»  
1997

Нашр учун масъул:

Б. Ш. МИРБОБОВ  
М. М. МИРСАМАДОВ

Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 14. — Т.: «Адолат», 1997.—332 б.  
Сарл олдида: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги.

ББК 67.99(5У)—3



■ 1203020000—005

(04)—97

97

© «Адолат», 1997

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ  
ОЛТИНЧИ СЕССИЯСИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН  
ҚОНУН ВА ҚАРОРЛАР**

1996 йил 29—30 август

**«БУЮК ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИНИ  
ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ**

1996 йил 29 август

**Қ О Н У Н И**

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 9-сон, 119-модда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қ а р о р қ и л а д и:

1. «Буюк хизматлари учун» ордени таъсис этилсин.
2. «Буюк хизматлари учун» ордени тўғрисидаги Низом тасдиқлансин (илова қилинади).
3. «Буюк хизматлари учун» орденининг тавсифи тасдиқлансин (илова қилинади).

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

# «БУЮК ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ ТЎҒРИСИДАГИ

## Н И З О М

1. «Буюк хизматлари учун» ордени билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда хорижий давлатларнинг фуқаролари фан ва техникани, иқтисодиёт ва маданиятни ривожлантиришдаги катта хизматлари, давлатларaro ҳамкорликни ривожлантиришга ҳамда Ўзбекистоннинг халқaro обрўсини оширишга қаратилган ички ва ташқи сиёсатни амалга ошириш ишига сезиларли ҳисса қўшганлиги учун тақдирланадилар.

2. «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотлашга тақдим этиш, мукофотлаш ва ордени топшириш «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунida назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

3. «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланган шахслар энг кам иш ҳақининг қирқ карраси миқдорida бир марта бериладиган пул мукофоти ёки шу суммага тенг эсдалик совғасини оладилар.

«Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланган шахслар қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган имтиёзлардан фойдаланадилар.

4. «Буюк хизматлари учун» ордени муҳайяр лентага биркитилиб, кўкракка тақиб юрилади.

5. «Буюк хизматлари учун» ордени билан вафотидан кейин мукофотланган тақдирда, мукофотлаш тўғрисидаги ҳужжат ва бир марта бериладиган пул тўлови мукофотланганнинг oilасига топширилади.

# «БУЮҚ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИНИНГ

## ТАВСИФИ

«Буюқ хизматлари учун» ордени 0,25 микроҥ қалинликдаги тилла қопланган 925- даражали (пробали) кумуш қотишмадан тайёрланади.

Орден саккиз бурчакли мусамман кўринишида бўлиб, унинг қирралари ёқутрангда тайёрлангандир. Мусамманнинг қарама-қарши жойлашган қирраларининг ораси 57 миллиметр.

Орден марказида доира жойлашган бўлиб, ундаги рамзий тарзда тасвирланган мовий рангдаги ер курраси фонида Ўзбекистон Республикаси харитаси тилларангда тасвирланган. Доиранинги ташқи чизиғи бўйича диаметри 35 миллиметр, ички чизиқ бўйича 24 миллиметрدير.

Доиранинги ташқи ва ички чизиқлари ўртасида оқ эмаль фонида, юқори қисмида зарҳал рангдаги «**BU-YUQ XIZMATLARI UCHUN**» ёзуви жойлашган. Ҳарфларнинг баландлиги 3 миллиметр.

Доира чизиқларининг ўртасида, пастки қисмда яшил рангдаги иккита бирлаштирилган дафна новдалари жойлаштирилган.

Орден оралиқ колодка ва халқалар ёрдамида қизил, ҳаво ранг, оқ ва яшил рангдаги йўл-йўл муҳайяр лентага биркитилади.

Орденнинг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг давлат герби тасвирланган. Пастки қисмида орденнинг рақами 1 миллиметр катталикидаги ботиқ шрифт билан ёзилган.

Орденнинг оғирлиги 65 грамм.

Орденнинг қалинлиги 7 миллиметр.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ «ДАВЛАТ  
МУКОФОТЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИГА  
ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР  
КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ**

1996 йил 29 август

**Қ О Н У Н И**

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 9-сон, 120-модда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қ а р о р  
қ и л а д и:

Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган «Давлат мукофотлари тўғрисида»-ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 266-модда; 1996 йил, № 5—6, 63-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

**11-модда.** «Амир Темур» ордени деган сўзлардан кейин «Буюк хизматлари учун» ордени» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**15 ва 16-моддалари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«15-модда. Давлат мукофотлари билан фуқаролар билан бир қаторда айрим ҳолларда корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, ижодий жамоалар ва ҳарбий бўлинмалар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бирликлари ҳам мукофотланиши мумкин.

**16-модда.** Давлат мукофотлари билан тақдирланган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ имтиёзлардан фойдаланадилар ҳамда бир марта бериладиган пул мукофоти ёки шу қийматдаги эсдалик совғасини оладилар».

Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти .

**И. ҚАРИМОВ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ  
КОНСУЛЛИК УСТАВИНИ ТАСДИҚЛАШ  
ТУҒРИСИДА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ**

**1996 йил 29 август**

**Қ О Н У Н И**

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1996 йил, 9-сон, 124-модда)**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қ а р о р  
қ и л а д и:**

**Ўзбекистон Республикасининг Консуллик устави  
тасдиқлансин (илова қилинади).**

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**



# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСУЛЛИК УСТАВИ

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСУЛЛИК МУАССАСАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТНИИ ТАШКИЛ ЭТИШ

#### I боб.

#### Умумий қоидалар

**1-модда.** Ушбу уставда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

«консуллик муассасаси» — Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхонасининг консуллик бўлими, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатда таъсис этиладиган бош консулхонаси, консулхонаси, вице-консулхонаси ва консуллик агентлиги;

«консул» — консуллик муассасасининг раҳбари бўлиши бош консул, консул, вице-консул ва консуллик агенти;

«консуллик мансабдор шахси» — консуллик вазифаларини бажариш иши топширилган ҳар қандай шахс, шу жумладан консуллик муассасасининг раҳбари, шунингдек дипломатик ваколатхона консуллик бўлимининг мудири;

«консуллик муассасасининг ходими» — консуллик муассасасига хизмат кўрсатиш юзасидан консуллик муассасасида маъмурий ёки техникавий вазифаларни бажариш билан шуғулланаётган ҳар қандай шахс;

«консуллик округи» — консуллик вазифаларини бажариш учун консуллик муассасаси ихтиёрига берилган ҳудуд;

«консуллик бинолари» — консуллик муассасаси эҳтиёжлари учун фойдаланилаётган бинолар ёки уларнинг бир қисми, шунингдек уларга қарашли ер майдонлари;

«кема» — Ўзбекистон Республикаси байроғи остида сузиб юрган ҳар қандай кема, ҳарбий кема бундан мустасно;

«ҳаво кемаси» — Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган ҳар қандай ҳаво кемаси, ҳарбий самолёт бундан мустасно.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси қайси давлат-

лар билан консуллик муносабатлари ўрнатилган бўлса, шу давлатларда консуллик муассасаларини таъсис этади.

Консуллик муносабатларини ўрнатишга оид битим бўлмаган тақдирда дипломатик муносабатларнинг ўрнатилиши консуллик муносабатларининг ҳам ўрнатилиши деб ҳисобланади. Бироқ дипломатик муносабатларнинг узилиши ўз-ўзидан консуллик муносабатларининг ҳам узилишини ва Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасасининг фаолияти тугатилишини англамайди.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасалари чет элларда Ўзбекистон Республикасининг, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахсларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилади.

Консуллик муассасалари консуллик жойлашган давлатлар билан Ўзбекистон Республикасининг дўстона муносабатлари ривожланишига ҳамда улар билан иқтисодий, савдо, илмий-техникавий, маданий ва бошқа алоқаларнинг кенгайишига кўмаклашади.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасалари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси ҳамда консуллик жойлашган давлат иштирокчи бўлган икки томонлама ва кўп томонлама шартномаларга, халқаро таомилларга, ушбу Уставга, Ўзбекистон Республикасининг қонуи ҳужжатларига амал қилади.

**5-модда.** Консуллик муассасалари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига бўйсунди ва консулхона жойлашган давлатдаги Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхонаси бошлиғининг умуий раҳбарлигида иш куради.

**6-модда.** Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналарининг консуллик бўлимлари консуллик бўлимларининг мудирлари томонидан бошқарилади. Бош консулхоналар, консулхоналар, вице-консулхоналар ва консуллик агентликлари тегишинча бош консуллар, консуллар, вице-консуллар ва консуллик агентлари томонидан бошқарилади.

**7-модда.** Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари бўлмаган давлатларда консулхона жойлашган давлатнинг розилиги билан консул зиммасига дипломатик вазифалар ҳам юклатилиши мумкин.

**8-модда.** Консуллик муассасасининг манзили, унинг

даражаси ва консуллик округи консулхона жойлашган давлат билан келишилган ҳолда белгиланади.

9-модда. Консуллик муассасаси Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири туширилган ҳамда консуллик муассасасининг номи Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида ёзилган муҳрга эга бўлади.

10-модда. Консуллик муассасаси ўзи эгаллаб турган бинога Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби туширилган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида ва консулхона жойлашган давлат тилида консуллик муассасасининг номи ёзилган нешлавҳа ўрнатиш ҳуқуқига эгадир.

11-модда. Консуллик муассасаси ўзи жойлашган бино устида Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғини ўрнатишга ҳақлидир.

Консул ўз қароргоҳига, шунингдек, ўз хизмат вазифаларини бажариш чоғида ўз транспорт воситаларида Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғини ўрнатишга ҳақлидир.

Ушбу моддада назарда тутилган ҳуқуқларни амалга ошириш чоғида консулхона жойлашган давлатнинг қонунлари, қоидалари ва таомиллари эътиборга олинмоғи лозим.

12-модда. Консуллик муассасаларининг мансабдор шахслари ва ходимлари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида давлат хизматида бўладилар.

13-модда. Фақат Ўзбекистон Республикасининг фуқаросигина консуллик мансабдор шахси бўлиши мумкин.

14-модда. Консул лавозимга тайинланаётганида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигидан унинг консуллик округи белгилаб берилган консуллик патентини олади.

15-модда. Консул консулхона жойлашган давлатнинг розилигини (экзекватурасини) олганидан кейин ўз вазифаларини бажаришга киришади. Унинг бу вазифага тайинланганлиги тўғрисида консулхона жойлашган давлат маъмурлари хабардор қилинади.

16-модда. Агар консул бирон сабабга кўра ўз вазифаларини бажара олмайдиган бўлса ёки унинг лавозими вақтинча бўш бўлса, консул вазифаларини бажариш ушбу консуллик муассасасининг ёки Ўзбекистон Республикасининг консулхона жойлашган давлат-

даги бошқа консуллик муассасасининг бошқа мансабдор шахси зиммасига ёхуд шу давлатдаги Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхонасининг дипломатия ходимларидан бири зиммасига юклатилади.

**17-модда.** Консул ушбу Уставда ҳамда Ўзбекистон Республикаси билан консулхона жойлашган давлат ўртасида имзоланган халқаро шартномаларда назарда тутилган вазифаларни бажаради.

Консул ушбу Уставда назарда тутилмаган бошқа вазифаларни, агар улар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ва консулхона жойлашган давлатнинг қонун ҳужжатларига зид бўлмаса, бажариши мумкин.

**18-модда.** Консул ўз зиммасига юклатилган вазифаларни шахсан бажаради ёки уларнинг бажарилишини консулхонанинг бошқа мансабдор шахсига топширади.

**19-модда.** Консул бошқа давлатнинг консуллик вазифаларини фақат Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг кўрсатмасига биноан ва консулхона жойлашган давлат розилиги билан бажариши мумкин.

**20-модда.** Консул ўзининг консуллик округи доирасида консуллик муассасасининг фаолияти билан боғлиқ барча масалалар юзасидан консулхона жойлашган давлат маъмурларига мурожаат этиши мумкин.

**21-модда.** Консул ҳар йили камида бир марта ўз консуллик округини айланиб чиқиши шарт.

**22-модда.** Консуллик мансабдор шахслари ҳамда консуллик муассасалари ходимларининг хатти-ҳаракатлари устидан қилинган шикоятлар бўйсиниш тартибида кўриб чиқилади.

## ИККИНЧИ БУЛИМ

### КОНСУЛЛИК ВАЗИФАЛАРИ ВА УЛАРНИ БАЖАРИШ ТАРТИБИ

#### II боб.

Консулнинг Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари ва фуқароларига тааллуқли вазифалари

**23-модда.** Консул Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ва юридик шахсларининг консулхона жойлашган давлатнинг қонун ҳужжатларига кўра ва Ўз-

бекистон Республикаси ва консулхона жойлашган давлат иштирокчи бўлган халқаро шартномаларга, шунингдек халқаро таомилларга кўра уларга берилган барча ҳуқуқлардан фойдалана олишлари учун чора-тадбирларни кўриши шарт.

Консул эзма аризаларни ҳам, оғзаки аризаларни ҳам қабул қилиши шарт.

24-модда. Консул Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахсларининг бузилган ҳуқуқлари тикланишининг чора-тадбирларини кўриши шарт.

25-модда. Консул унинг консуллик округида доимий яшаётган ҳамда вақтинча турган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳисобини юритади.

26-модда. Консул Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, идоралари, корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг консуллик округи доирасида турган вакилларига ўз хизмат вазифаларини бажаришларида кўмаклашади.

27-модда. Консул унинг консуллик округида вақтинча турган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини консулхона жойлашган давлатнинг қонунлари ва бошқа норматив ҳужжатларидан, шунингдек маҳаллий урф-одатлардан хабардор қилади.

Консулнинг Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элда бўлишларига доир масалалар бўйича фармойишлари улар учун мажбурий кучга эгадир.

28-модда. Консул унинг консуллик округида турган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари учун маданий-маърифий тадбирлар ўтказилишига кўмаклашади.

29-модда. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ва юридик шахсларининг агар улар ҳозир бўлмасалар ва иш юритишни бирор-бир шахсга топширмаган бўлсалар ёки бошқа сабабларга кўра ўз манфаатларини ҳимоя қилишга қодир бўлмасалар, консулхона жойлашган давлат муассасаларида консул уларнинг номидан ишончномасиз вакиллик қилиш ҳуқуқига эгадир. Ушбу ваколат улар ўз вакилларини тайинлашга қадар ёки ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни ўз зиммаларига олгунга қадар давом этади.

### III боб.

#### Консулнинг Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳарбий ҳисобга олишга тааллуқли вазифалари

30-модда. Консул Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ консулхона жойлашган давлатда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий ҳисобини юритади.

31-модда. Консул муддатли ҳарбий (муқобил) хизматга чақириладиган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Ўзбекистон Республикасидаги тегишли мудофаа ишлари бўлимларига боришларини таъминлайди.

### IV боб.

#### Консулнинг фарзандликка олиш, васийлик ва ҳомийликка тааллуқли вазифалари

32-модда. Консул Ўзбекистон Республикаси фуқаролигида бўлган ва Ўзбекистон Республикасидан ташқарида яшаётган боланинг фарзандликка олинишини расмийлаштириш ҳуқуқига эгадир.

Агар фарзандликка олувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса, фарзандликка олиш учун Ўзбекистон Республикасидаги бунга ваколатли органнинг розилигини олиш зарур.

33-модда. Ота-онасининг ҳомийлигидан маҳрум бўлган Ўзбекистон Республикасининг вояга етмаган фуқаролари устидан консул ўз қонсуллик округида васийлик ва ҳомийлик ўрнатилиши чора-тадбирларини кўради.

34-модда. Саломатлигининг ёмонлиги туфайли ўз ҳуқуқларини мустақил амалга оширишга ҳамда ўз мажбуриятларини бажаришга қодир бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг вояга етган фуқаролари устидан консул ўз қонсуллик округида васийлик ва ҳомийлик ўрнатилиши чора-тадбирларини кўради.

### V боб.

#### Консулнинг Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг мол-мулкига тааллуқли вазифалари

35-модда. Консул Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг вафотидан сўнг ундан қолган мол-мулк кўриқланиши чора-тадбирларини кўради.

Агар қолган мол-мулкнинг ҳаммаси ёки унинг бир

қисми бузилиши мумкин бўлган нарсалардан иборат бўлса, шунингдек уларнинг сақланиши ўта қимматга тушадиган бўлса, консул бу мол-мулкни сотиш ҳуқуқига эга ва тушган пулни тегишлилигига қараб жўнатиши шарт.

**36-модда.** Консул мерос қилиб қолдирилган мол-мулкни Ўзбекистон Республикасида бўлган меросхўрларга топшириш учун қабул қилиб олиш ҳуқуқига эгадир.

**37-модда.** Консул Ўзбекистон Республикаси фуқароларига тегишли пуллар, бойликлар, қимматли қоғозлар ва ҳужжатларни сақлаб туриш учун қабул қилиб олиши мумкин.

Сақлаб туриш учун топширилган мол-мулк эгаси бўлган шахс вафот этган тақдирда бундай мол-мулкка нисбатан ушбу Уставнинг 35-моддасидаги қоидалар қўлланилади.

## VI боб.

**Консулнинг Ўзбекистон Республикаси тергов органлари ва судларининг топшириқларини бажаришга, шунингдек ҳибсга олинган, ушлаб турилган ёки бошқача тарзда озодликдан маҳрум этилган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига тааллуқли вазифалари**

**38-модда.** Консул, агар бу консулхона жойлашган давлат қонунларида ман этилган бўлмаса, Ўзбекистон Республикаси тергов органлари ва судларининг Ўзбекистон Республикаси фуқароларига тааллуқли топшириқларини бажаради. Мазкур топшириқлар халқаро шартномаларга ҳамда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига риоя этилган ҳолда бажарилади.

**39-модда.** Консул жиноят содир этишда гумон қилиниб ҳибсга олинган (қамалган) ёки ушлаб турилган ёхуд Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг эркинлигини чекловчи бошқа чораларга тортилган ёки озодликдан маҳрум этиш тарзида жазони ўтаётган, шунингдек, судлов ёки маъмурий таъсир чораларининг бошқа турларига тортилган Ўзбекистон Республикаси фуқаросига нисбатан консулхона жойлашган давлат қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва консулхона жойлашган давлат иштирокчи бўлган халқаро шартномалар қоидалари татбиқ этилишини кузатиб бориши шарт.

40-модда. Қонсул озодликдан маҳрум этиш жойларидаги Ўзбекистон Республикаси фуқароларини манфаатдор шахсларнинг илтимосига биноан ҳамда ўз ташаббуси билан бориб кўриши ҳамда уларни сақлаб туриш шарт-шароитларини аниқлаши шарт. Қонсул бундай фуқаролар гигиена ва санитария талабларига жавоб берадиган шароитларда сақланишини ҳамда уларга нисбатан шафқатсиз ва инсон қадр-қимматини таҳқирловчи муомала қилинмаслигини кузатиб туриши шарт.

### VII боб.

Қонсулнинг фуқаролик, паспорт, визалар масалаларига ҳамда фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш масалаларига доир вазифалари

41-модда. Қонсул унинг консуллик округида истиқомат қилиб турган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги масалаларига доир аризаларини қабул қилиши шарт.

42-модда. Қонсул чет элда доимий яшаб турган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, шунингдек қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олган шахсларга Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини бериш ҳамда уни алмаштириб бериш ҳуқуқига эга.

43-модда. Қонсул Ўзбекистон Республикасига келиш, Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетиш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит ўтиш учун визалар бериш, уларнинг муддатини узайтириш, уларни бекор қилиш, шунингдек, берилган визаларга ўзгартишлар киритиш ҳуқуқига эга.

44-модда. Қонсул Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзади.

Қонсул чет элда доимий яшаб турган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг фуқаролик ҳолатини қайд этиш ёзувларига ўзгартишлар, тузатишлар, қўшимчалар киритиш тўғрисидаги, йўқотиб қўйилган ёзувларни қайта тиклаш, шунингдек фамилияси, исми ва отасининг исмини ўзгартириш ҳақидаги илтимосномаларини қабул қилиб олади ҳамда уларни қараб чиқиш учун ваколатли органларга юборади.



**45-модда.** Консул Ўзбекистон Республикасининг ҳаво, денгиз, дарё кемасида бирон шахснинг туғилганлиги ёки вафот этганлиги тўғрисида маълумот олиши биланоқ, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ туғилганлик ёки вафот этганлик тўғрисидаги ҳолатни рўйхатга олади.

**46-модда.** Консул томонидан фуқаролик ҳолати да-  
лолатномаларини ёзиш тартиби тўғрисидаги йўриқно-  
мани Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги би-  
лан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги  
тасдиқлайди.

### *VIII боб.*

#### **Консулнинг Ўзбекистон Республикаси ҳаво кемаларига, денгиз ва дарё флоти кемаларига тааллуқли вазифалари**

**47-модда.** Консул ўз консуллик округи доирасида консулхона жойлашган давлатнинг аэропортларида Ўзбекистон Республикаси ҳаво кемасининг командири, экипажи ва йўловчиларига консулхона жойлашган давлатнинг қонун ҳужжатларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва консулхона жойлашган давлат ишти-  
рокчи бўлган халқаро шартномаларга мувофиқ ҳуқуқ-  
лар ва иммунитетлар берилишини кузатиб боради.

**48-модда.** Консул Ўзбекистон Республикаси фуқа-  
ролик ҳаво кемаси командири, экипажи ва йўловчиларининг консулхона жойлашган давлат маъмурлари би-  
лан муносабатларида ёрдам бериши, шунингдек, зарур ҳолларда, ҳаво кемаси, унинг экипажи ва йўловчилари учун Ўзбекистон Республикасига қайтиш ёки парвозни давом эттириш чора-тадбирларини кўриши керак.

**49-модда.** Консул қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) ҳаво кемасининг аэропортга учиб келиши, ундан учиб кетиши ва аэропортда туришига кўмаклашиш;

б) ҳаво кемасида юз берган ҳодисаларнинг ҳолатларини аниқлаш, ҳаво кемасининг командири, экипаж аъзолари ва йўловчиларидан сўраб-суриштириш;

в) ҳаво кемаси, ундаги юк ва рейсга доир маълумотлар олиш;

г) зарур ҳолларда ҳаво кемаси экипажи аъзолари ва йўловчиларнинг даволаниши ҳамда Ўзбекистон Рес-

публикасига жўнатилишини таъминлаш чора-тадбирларини кўриш;

д) Ўзбекистон Республикаси фуқароларини, почта ва юкларни Ўзбекистон Республикасининг аэропортларига борадиган Ўзбекистон Республикаси ҳаво кемаларида жўнатиб юбориш;

е) ҳаво кемаларига тааллуқли, Ўзбекистон Республикаси иштирокчи бўлган халқаро шартномаларда ёки Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган декларация ёки бошқа ҳужжатни олиш, тузиш ёки тасдиқлаш.

**50-модда.** Ҳаво кемаси фалокатга учраган, қўнишга мажбур бўлган ёки бошқа ҳодиса содир бўлган тақдирда консул ўзининг консуллик округи доирасида экипаж ва йўловчиларга зарур ёрдам кўрсатади.

**51-модда.** Консул фалокатга учраган ёки қўнишга мажбур бўлган ҳаво кемасини, ҳодиса хусусиятидан шохидлик берувчи ундаги юклар ва ашёвий далилларни қўриқлаш чораларини кўради ҳамда учини вақтида юз берган ҳодисанинг сабабларини аниқлашда Ўзбекистон Республикаси мутахассисларига кўмаклашади.

**52-модда.** Ҳаво кемасининг бортида жиноят содир этилган тақдирда консул Ўзбекистон Республикаси иштирокчи бўлган халқаро шартномалардан ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларидан келиб чиқадиган вазифаларни бажаришда ҳаво кемасининг командирига кўмаклашади.

**53-модда.** Агар консуллик мансабдор шахсида мавжуд бўлган маълумотларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳаво кемасининг муайян аэропортга кириши бехатар бўлмаса, номақбул бўлса ёки мумкин бўлмаса консуллик мансабдор шахси ҳаво кемаси капитанини бундан огоҳлантириши шарт.

**54-модда.** Денгиз ва дарё флоти кемаларига тааллуқли консуллик вазифаларини бажариш чоғида консул ушбу Уставнинг 47—53-моддалари қоидаларига амал қилади.

**55-модда.** Чет элда кема сотиб олинган тақдирда консул унга Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи остида сузиб юриш ҳуқуқини берадиган муваққат гувоҳнома беради.

269283

## IX боб.

### Консулнинг санитария, фитосанитария ва ветеринария муҳофазасига доир вазифалари

**56-модда.** Консулхона жойлашган давлатнинг ҳудудида карантини қасалликлар пайдо бўлган тақдирда консул бу хусусда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига дарҳол хабар беради ва қасаллик тарқалган жой, қасалланиш ҳолларининг миқдори, маҳаллий маъмурларнинг эпидемияга қарши кўрган чора-тадбирларини ҳам маълум қилади. Консул бу ҳақда Ўзбекистон Республикасининг бошқа манфаатдор вазирликлари ва идоралари вакилларини ҳам хабардор қилади.

Консул Ўзбекистон Республикасига бориш учун рухсатнома олган фуқароларни Ўзбекистон Республикасига киришда эмланганлик тўғрисидаги халқаро сертификатларни топшириш зарурлигидан хабардор қилади.

**57-модда.** Консуллик округи доирасида қишлоқ хўжалик ўсимликларининг хавfli қасалликлари ёки зараркунандалари пайдо бўлган тақдирда, шунингдек чорва ва парранда ёппасига қасалланган ёки инсон ва ҳайвонот учун умумий қасалликларнинг тарқалиши хавфи таҳдид солган ҳолларда, консул бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига дарҳол хабар беради.

**58-модда.** Консул Ўзбекистон Республикасига бориш учун рухсатнома олган фуқароларни Ўзбекистон Республикасига киришда ҳайвонлар, чорва маҳсулотлари учун бериладиган ветеринария сертификатларини топшириш зарурлигидан ҳамда Ўзбекистон Республикасига уруғлар, ўсимликлар, кўчатлар, янги мева ва сабзавотлар олиб кириш қоидаларидан хабардор қилади.

## УЧИНЧИ БУЛИМ

### НОТАРИАЛ ҲАРАКАТЛАР, КОНСУЛНИНГ ҲУЖЖАТЛАРНИ ҚОНУНЛАШТИРИШИ, КОНСУЛЛИК ИИҒИМЛАРИ

## X боб.

### Нотариал ҳаракатлар

**59-модда.** Нотариал ҳаракатлар Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасасида бажарилади.

Айрим ҳолларда нотариал ҳаракатлар мазкур муассасадан бошқа жойда бажарилиши мумкин.

60- модда. Консул қўйидаги нотариал ҳаракатларни бажаради:

1) битимларни (шартномалар, васиятномалар, ишончномалар ва ҳоказоларни) тасдиқлайди. Ўзбекистон Республикасидаги уй-жойларни бошқа шахсга ўтказиш ва гаровга қўйиш тўғрисидаги шартномалар бундан мустасно;

2) мерос қилиб қолдирилган мулкнинг қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўради;

3) меросга бўлган ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома беради;

4) эр-хотиннинг умумий мулкидаги улушга эгалик ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома беради;

5) ҳужжатлар нусхаларининг ва ҳужжатлардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилигини шаҳодатлайди;

6) ҳужжатлардаги имзоларнинг ҳақиқийлигини шаҳодатлайди;

7) ҳужжатларнинг бир тилдан бошқа тилга тўғри таржима қилинганлигини шаҳодатлайди;

8) шахс тирик эканлиги фактини тасдиқлайди;

9) фуқаронинг муайян жойда эканлиги фактини тасдиқлайди;

10) фуқаронинг фотосуратда акс эттирилган шахс эканлигини тасдиқлайди;

11) ҳужжатлар тақдим этилган вақтни тасдиқлайди;

12) пул суммалари ва қимматли қоғозларни депозитга қабул қилиб олади;

13) ижро хатларини ёзади;

14) сақлаш учун ҳужжатларни қабул қилиб олади;

15) қонунда назарда тутилган бошқа нотариал ҳаракатни бажаради.

Консул томонидан нотариал ҳаракатларни бажариш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан, шунингдек ушбу Устав билан белгилаб қўйилади. Консул томонидан нотариал ҳаракатларни бажариш тартиби тўғрисидаги йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланади.

61- модда. Нотариал ҳаракатларни бажараётган

консул ушбу нотариал ҳаракатларга оид сирни сақлаши шарт.

Бажарилган нотариал ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотномалар ва ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг нотариат тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ берилади.

**62-модда.** Нотариал ҳаракатлар бунинг учун зарур бўлган барча ҳужжатлар тақдим этилган, консуллик йиғимлари тўланган ва амалдаги ҳаракатлар қопланган куни бажарилади.

Нотариал ҳаракатларни бажариш қўшимча маълумотлар ёки ҳужжатлар талаб қилинганда ёхуд ҳужжатларни экспертизага жўнатиш зарурати бўлганда, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асосларга кўра кечиктирилиши мумкин.

**63-модда.** Нотариал тартибда тасдиқланадиган битимлар, шунингдек, ариза ва бошқа ҳужжатлар нотариал ҳаракатларни бажараётган консул ҳузурида имзоланади. Агар битим, ариза ёки бошқа ҳужжат консул йўқлигида имзоланган бўлса, имзо чеккан шахс ҳужжатни ўзи имзолаганлигини шахсан тасдиқлаши лозим.

**64-модда.** Консул нотариал ҳаракатларни бажараётган вақтда Ўзбекистон Республикасининг фуқароларига уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши, бажараётган нотариал ҳаракатларнинг оқибатлари тўғрисида огоҳлантириши шарт.

**65-модда.** Консул ўз номига ва ўз номидан, хотини (эри) номига ва унинг номидан, хотинининг (эрининг) ва ўзининг яқин қариндошлари номига ва уларнинг номидан нотариал ҳаракатларни бажариши мумкин эмас.

**66-модда.** Консуллик муассасасида нотариал иш юритишлар Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида амалга оширилади.

Агар нотариал ҳаракатни бажариш илтимоси билан мурожаат қилган шахс иш юритилаётган тилни билмаса, нотариал ҳаракатни бажараётган консул ёки консул танийдиган таржимон расмийлаштирилаётган ҳужжатларнинг матнларини унга таржима қилиб бериши лозим.

**67-модда.** Агар Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси фой-

дасига мерос очилганлиги консулга маълум бўлиб қолса, консул мерос ва эҳтимол тугтилган меросхўрлар тўғрисида ўзи билган барча маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига дарҳол хабар қилиши шарт.

**68-модда.** Агар нотариал ҳаракатни бажариш Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига зид бўлса, консул бундай ҳаракатларни бажаришни рад этади.

Агар ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг қонуни ҳужжатлари талабларига мос келмаса ёки ўз мазмунига кўра Ўзбекистон Республикасининг давлат манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлса ёхуд фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига путур етказувчи маълумотларга эга бўлса, консул бундай ҳужжатларни нотариал ҳаракатларни бажариш учун қабул қилмайди.

Нотариал ҳаракатни бажариш тўғрисидаги мурожаати рад этилган шахсининг илтимосига биноан унга рад этишнинг сабаблари баён қилиниши ва унинг шикоят қилиш тартиби тушунтириб берилиши лозим.

## XI боб.

### Консулнинг ҳужжатларни қонунлаштириши

**69-модда.** Консул ўз консуллик округидаги маҳаллий маъмурларнинг вакиллари иштирокида тузилган ёки ана шу маъмурлардан келган ҳужжатлар ва актларни қонунлаштиради.

Ўзбекистон Республикасининг органлари ана шундай ҳужжатлар ва актларни, агар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида ёки Ўзбекистон Республикаси ва консулхона жойлашган давлат иштирокчи бўлган халқаро шартномаларда ўзгача ҳол назарда тутилган бўлмаса, консул томонидан қонунлаштирилгандан кейингина қараб чиқиш учун қабул қилади.

Консул томонидан ҳужжатларни қонунлаштиришнинг моҳияти ана шу ҳужжатлар ва актлардаги имзоларнинг ҳақиқийлигини ва бу ҳужжатлар билан актларнинг консулхона жойлашган давлат қонунларига мувофиқлигини аниқлаш ҳамда шаҳодатлашдан иборатдир.

Консул томонидан ҳужжатларни қонунлаштириш

тартибини Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги белгилайди.

**70-модда.** Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига зид бўлган ёки ўз мазмунига кўра Ўзбекистон Республикасининг давлат манфаатларига зарар етказиши ёхуд фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига путур етказувчи маълумотларга эга ҳужжатлар ва актлар қонунлаштирилмайди.

## XII боб.

### Консуллик йиғимлари

**71-модда.** Консуллик ҳаракатлари учун консуллик йиғимлари ундирилади.

Мазкур ҳаракатларни бажариш билан боғлиқ ҳақиқий харажатлар ҳам қопланиши лозим.

**72-модда.** Консуллик йиғимлари Ўзбекистон Республикаси консуллик йиғимлари тарифига мувофиқ, яъни: чет элда — консуллик жойлашган давлатнинг валютасида ёки эркин алмаштириладиган валютада; Ўзбекистон Республикасида — миллий валютада ёки эркин алмаштириладиган валютада ундирилади.

Консуллик йиғимларининг тарифлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

**73-модда.** Консуллик йиғимлари қуйидаги ҳолларда ундирилмайди:

а) консуллик йиғимларини ундиришдан воз кечиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси ва консулхона жойлашган давлат иштирокчи бўлган халқаро шартнома мавжуд бўлса;

б) Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг репатриация ишлари бўйича;

в) чет эл дипломатик паспортларига ўзаро дўстлик асосида виза қўйганлик учун;

г) меҳнат стажини, фуқароларнинг ижтимоий таъминоти тўғрисидаги, уларнинг алиментларни ундириш тўғрисидаги ишларига доир ҳужжатлар сўраб олинганлиги ва ошкор қилинганлиги учун;

д) Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

**74-модда.** Консуллик йиғимлари давлат даромади ҳисобига ўтказилади.

### **XIII боб.** **Штатсиз консуллар**

**75-модда.** Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги консулхона жойлашган давлат билан келишиб туриб айрим консуллик вазифаларини бажаришни штатсиз консулларга топшириши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳам, унинг фуқароси бўлмаган шахслар ҳам штатсиз консул бўлишлари мумкин.

**76-модда.** Штатсиз консуллар Ўзбекистон Республикасининг давлат хизматида турмайди.

Штатсиз консулларнинг вазифалари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан белгилаб берилади.

## **ТҲРТИНЧИ БЎЛИМ**

### **ИМТИЁЗЛАР ҲАМДА ИММУНИТЕТЛАР. КОНСУЛ ВАЗИФАСИНИНГ ТУГАТИЛИШИ**

**77-модда.** Консуллик муассасалари, консуллик муассасаларининг ходимлари ҳамда уларнинг оила аъзолари 1963 йилги Консуллик муносабатлари тўғрисидаги Вена Конвенциясида, Ўзбекистон Республикаси билан консулхона жойлашган давлат ўртасидаги шартномаларда, шунингдек халқаро ҳуқуқнинг умумий нормаларида назарда тутилган имтиёзлар ва иммунитетлардан фойдаланадилар.

**78-модда.** Консулнинг вазифаси қуйидаги ҳолларда тугатилади:

- консул чақириб олинганда;
- экзекватура бекор қилинганда;
- консуллик патентининг муддати тугаганда;
- консуллик муассаси ёпилганда;
- консуллик муносабатлари тугатилганда.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ  
КОНСУЛЛИК УСТАВИНИ АМАЛГА  
КИРИТИШ ҲАҚИДА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ**

1996 йил 29 август

**Қ А Р О Р И**

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1996 йил, 9-сон, 125-модда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикасининг Консуллик устави 1996 йил 1 октябрдан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукуматнинг қарорларини Ўзбекистон Республикаси Консуллик уставига мувофиқлаштиради, республика вазирликлари ва идоралари ўзларининг мазкур уставга зид бўлган норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишларини ва бекор қилишларини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Олий  
Мажлисининг Раиси

**Э. ХАЛИЛОВ**

# ХОРИЖДАН МАБЛАҒ ЖАЛБ ҚИЛИШ ТУҒРИСИДА

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ

1996 йил 29 август

### Қ О Н У Н И

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1996 йил, 9-сон, 126-модда)

#### 1-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланади:

**«хориждан маблағ жалб қилиш»** — Ўзбекистон Республикаси ёки унинг резиденти томонидан хорижий давлатлар ёки норезидентлар активларининг (кредитлар, заёмлар ва бошқаларнинг) маъкур хорижий давлатга ёки норезидентга ёхуд уларнинг талабига кўра учинчи шахсга шартлашилган даврда адекват активларни, шу жумладан активлардан фойдаланганлик учун тўловларни тақдим этиш мажбуриятини ўз зиммасига олган ҳолда жалб этилиши;

**«давлатнинг хориждан маблағ жалб қилиши»** — активларни чет эл манбаларидан (хорижий давлатлар, уларнинг юридик шахсларидан ва халқаро ташкилотлардан) жалб этиш ҳамда бунинг натижасида Ўзбекистон Республикасининг қарз олувчи сифатидаги ёки қарз олувчи резидентларнинг ўз кредитлари (заёмлари)ни тўлашига кафил сифатидаги мажбуриятлари юзага келиши;

**«резидентнинг ташқи қарзи»** — унинг хориждан маблағ жалб қилиши натижасида юзага келган мажбуриятлари йиғиндиси;

**«давлат ташқи қарзи»** — давлатнинг хориждан маблағ жалб қилиши натижасида юзага келган Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари йиғиндиси;

**«умумий ташқи қарз»** — резидентларнинг давлат томонидан кафолатланмаган ташқи қарзлари ҳамда давлат ташқи қарзи суммаси;

**«қарз олувчи»** — хориждан маблағ жалб қилган ёхуд хориждан маблағ жалб қилиш ниятини ҳужжат

билан тасдиқлаган Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўрувчи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки резидент;

**«кредит берувчи»** — хориждан маблағ жалб қилиш тўғрисидаги шартнома бўйича активлар берган ёки активлар бериш ниятида бўлган хорижий давлат ёки норезидент (хорижий давлатларнинг юридик ва жисмоний шахслари). Агар норезидентлар бир нечта бўлса, у ҳолда кредиторлар гуруҳидаги ваколатли бошқарувчи вазифасини бажарувчи норезидент кредит берувчи ҳисобланиши мумкин.

## 2-модда. Хориждан маблағ жалб қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Хориждан маблағ жалб қилиш билан боғлиқ муносабатлар ушбу Қонун ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида Ўзбекистон Республикасининг хориждан маблағ жалб қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида баён этилганидан кўра бошқача қондалар белгиланган бўлса, халқаро шартномалар қондалари қўлланади.

## 3-модда. Хориждан маблағ жалб қилиш

Хориждан маблағ қуйидаги йўللар билан жалб қилинади:

давлат ёки Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлмиш юридик ва жисмоний шахслар томонидан заёмлар, товарлар ёки хизматларни импорт қилиш шаклида кредитлар жалб этилиши;

норезидентлар маблағларининг Ўзбекистон Республикаси молия институтлари томонидан депозитларга жалб этилиши;

лизинг операциялари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва резидентларнинг облигациялар, векселлар ҳамда бошқа хил қимматли қоғозлар чиқариб, чет эл бозорларида жойлаштириши;

бошқа тур ва шакллардан фойдаланиш.

## 4-модда. Хориждан маблағ жалб қилиш тўғрисидаги шартнома

Давлатнинг хориждан маблағ жалб қилиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси номидан шартномалар

тузиш ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки у ваколат берган орган эгадир.

Давлат навбатдаги молия йили учун хориждан жалб қиладиган маблағнинг энг кўп миқдори Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланади.

Давлатнинг хориждан маблағ жалб қилиши тўғрисидаги шартномаларни тузиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

### **5-модда. Ўзбекистон Республикасининг кафолатлари**

Қарз олувчи резидент хориждан маблағ жалб қилиш тўғрисидаги шартномага биноан ўз тўлов мажбуриятларини бажармаган тақдирда унинг қарзини тўлаш ҳақида олинган мажбурият Ўзбекистон Республикасининг кафолати ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси номидан кафолатни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки у вакил қилган орган қарз олувчи билан тузилган шартнома шартлари асосида беради. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўзи берган кафолатлар билан боғлиқ тўловларни амалга оширгач, ана шу тўловлар суммаси ҳамда у билан боғлиқ харажатларни қарз олувчидан сўзсиз ундириб олиш ҳуқуқига эга.

Қарз олувчи кафил олдидаги ўз шартнома мажбуриятларини бажармаса, у кафил билан келишмасдан фойдани тақсимлашга ҳамда бошқа қарзлар бўйича тўловларни амалга оширишга ҳақли эмас.

Кафолатларни бериш тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

Агар резидентларнинг қарз мажбуриятлари кафолатланган бўлмаса, Ўзбекистон Республикаси улар юзасидан жавобгар бўлмайди.

### **6-модда. Кафолат фонди**

Давлатнинг ташқи қарзи бўйича қарз мажбуриятлари юзасидан тўловларни бажариш учун кафолат фонди тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ўзи кафолатлаган ташқи қарз бўйича мажбури-

ятлари билан боғлиқ барча тўловлар кафолат фонди маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Кафолат фондининг маблағлари етишмаган тақдирда, етишмаётган сумма давлат бюджети ҳисобидан тўлдирилади.

Кафолат фондини ташкил этиш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

#### **7-модда. Қарз олувчининг мажбуриятлари**

Қарз олувчи қуйидагиларни бажариши:

Ўзи тузган шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариши;

хориждан маблағ жалб қилиш тўғрисида тузилган шартномалар ҳамда улар юзасидан операциялар ҳақида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига, кафолатланган қарзлар бўйича эса Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ҳам ҳисоботлар тақдим этиши; ҳар бир алоҳида ташқи қарз бўйича қарзнинг тўлиқ тўланганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига хабар бериши шарт.

#### **8-модда. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ваколатлари**

Хориждан маблағ жалб қилиш борасида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ваколатларига қуйидагилар кирди:

хориждан маблағ жалб қилиш масалалари юзасидан халқаро молия ташкилотлари билан музокаралар олиб бориш;

давлатнинг хориждан маблағ жалб қилиши бўйича лойиҳаларни баҳолаш;

давлатнинг хориждан маблағ жалб қилиши бўйича шартномаларни ва кафолатларни рўйхатга олиш;

давлат ташқи қарзини ҳисобга олиш ва кузатиб бориш;

давлатнинг хориждан маблағ жалб қилиши бўйича тўловлар балансини юритиш, жалб этилган маблағлардан фойдаланиш ва уларни тўлаш устидан назоратни амалга ошириш;

давлат ташқи қарзи тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига ахборот тақдим этиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар.

## 9-модда. **Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг ваколатлари**

Хориждан маблағ жалб қилиш борасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг ваколатларига қуйидагилар киради:

хориждан маблағ жалб қилиш масалалари бўйича халқаро молия ташкилотлари билан музокаралар олиб бориш;

Ўзбекистон Республикаси томонидан кафолатланмаган хориждан маблағ жалб қилиш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатга олиш;

хориждан маблағ жалб қилишга доир операцияларни ҳисобга олиш ва кузатиб бориш;

умумий ташқи қарзнинг ҳисобини юритиш;

давлат ташқи қарзларига ҳисоб-китоб-банк хизмати кўрсатилишини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси томонидан кафолатланган хориждан жалб қилинган маблағларга ҳисоб-китоб-банк хизматлари кўрсатиш юзасидан ваколатли банкларга агентлик ваколатларини бериш;

хориждан маблағ жалб қилиш бўйича маълумотлар базасини яратиш;

Вазирлар Маҳкамасига резидентларнинг ташқи қарзи бўйича ахборотлар тақдим этиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар.

## 10-модда. **Халқаро молия ташкилотларига ахборот тақдим этиш**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки халқаро молия ташкилотларига Ўзбекистон Республикасининг тузилган шартномаларга мувофиқ хориждан маблағ жалб қилиши тўғрисида ахборот тақдим этади.

## 11-модда. **Хориждан маблағларни жалб қилиш билан боғлиқ масалалар юзасидан баҳсларни ҳал этиш**

Хориждан маблағ жалб қилиш тўғрисидаги шартномалар билан боғлиқ масалалар юзасидан қарз берувчи билан қарз олувчи ўртасида чиққан баҳслар, агар халқаро шартномаларда бошқача тартиб назарда

тутилган бўлмаса, суд тартибида ёки тарафларнинг келишувига кўра — холислар текшируви тартибида ҳал этилади.

**12-модда. Қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Хориждан маблағ жалб қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING  
«ХОРИЖДАН МАБЛАҒ ЖАЛБ ҚИЛИШ  
ТУҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА  
КИРИТИШ ҲАҚИДА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**

**ОЛИЙ МАЖЛИСИНING**

1996 йил 29 август

**Қ А Р О Р И**

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1996 йил, 9-сон, 127-модда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қ а р о р  
қ и л а д и:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Хориждан маб-  
лағ жалб қилиш тўғрисида»ги Қонуни матбуотда эълон  
қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси  
хукуматнинг қарорларини «Хориждан маблаг жалб қи-  
лиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқлаштирсин, респуб-  
лика вазирликлари ва идоралари ушбу Қонунга зид  
бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқи-  
ши ва бекор қилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлисининг Раиси

Э. ХАЛИЛОВ



# ФУҚАРОЛАР СОҒЛИҒИНИ САҚЛАШ ТўҒРИСИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ

1996 йил 29 август

## Қ О Н У Н И

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1996 йил, 9-сон, 128-модда)

### 1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. **Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ҳамда бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Қорақалпоғистон Республикасида фуқароларнинг соғлиғини сақлаш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Башарти халқаро шартномада фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларидагидан **ўзгача қоидалар** белгиланган бўлса, у ҳолда халқаро шартнома қоидалари қўлланади.

2-модда. **Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий вазифалари**

Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

фуқароларнинг соғлиқни сақлашга доир ҳуқуқлари давлат томонидан кафолатланишини таъминлаш;

фуқароларнинг соғлом турмуш тарзини шакллантириш;

давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасидаги фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш.

### 3-модда. Фуқаролар соғлиғини сақлашнинг асосий принциплари

Фуқаролар соғлиғини сақлашнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

соғлиқни сақлаш соҳасида инсон ҳуқуқларига риоя қилиниши;

аҳолининг барча қатламлари тиббий ёрдамдан баҳраманд бўла олиши;

профилактика чора-тадбирларининг устунлиги;

соғлиғини йўқотган тақдирда фуқароларнинг ижтимоий ҳимоя қилиниши;

тиббиёт фанининг амалиёт билан бирлиги.

### 4-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: соғлиқни сақлаш соҳасида инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини;

фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасидаги давлат сиёсатини;

соғлиқни сақлаш ва тиббиёт фанини ривожлантириш дастурлари тасдиқланиши ва маблағ билан таъминланишини;

соғлиқни сақлаш давлат тизимини бошқаришни;

санитария-эпидемиология хотиржамлигини таъминлаш устидан назоратни;

фавқулодда вазиятларда одамларнинг ҳаётини сақлаб қолиш ва уларнинг соғлиғини муҳофаза этиш чора-тадбирлари кўрилишини, фуқароларни фавқулодда вазият зонасидаги аҳвол ва кўрилаётган чора-тадбирлардан хабардор қилишни;

фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасида статистика ҳисоби ва ҳисоботнинг ягона тизими ўрнатилишини;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тиббий сурғуртасининг таянч дастурларини тасдиқлашни;

фуқароларнинг айрим гуруҳларига тиббий ёрдам кўрсатишда ва уларни дори-дармон билан таъминлашда имтиёзлар белгилашни;

давлат бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектларнинг фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасидаги, оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш

борасидаги фаолиятларини мувофиқлаштириб боришни ва назорат қилиб туришни;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

#### 5-модда. **Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

фуқаролар соғлиғини сақлашнинг, соғлиқни сақлашни ҳамда тиббиёт фанини ривожлантириш йўлида молиявий ва моддий ресурслардан фойдаланишнинг устув йўналишларини белгилайди;

соғлиқни сақлаш давлат бошқарув органлари, тиббий ва илмий муассасалар, тиббиёт ва фармацевтика ўқув юртлари фаолиятига раҳбарлик қилади;

тиббиёт ҳамда фармацевтика ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш дастурини ишлаб чиқади;

соғлиқни сақлаш муассасалари учун тиббий хизматлар кўрсатиш сифатининг давлат стандартини ва қийматининг нормативларини белгилайди;

соғлиқни сақлаш тизимидаги даволаш муассасаларининг, шунингдек тиббиёт ва фармацевтика фаолияти билан хусусий тартибда шуғулланувчи шахсларнинг аҳолига ўз вақтида малакали ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатишларини назорат қилиб боради;

тиббиёт ва фармацевтика фаолияти билан шуғулланиш учун лицензиялар беради;

дори-дармонлар ва дезинфекция воситалари, иммунобиологик препаратлар ва тиббиётда ишлатиладиган маҳсулотлар, кучли таъсир этувчи ва заҳарли моддалар, гиёвандлик воситалари ва психотроп воситаларни сертификатлаштиришни амалга оширади, уларнинг ишлаб чиқарилиши ҳамда қўлланилиш тартибини назорат қилиб боради;

санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларини ишлаб чиқади ҳамда тасдиқлайди, давлат санитария-эпидемиология назоратини таъминлайди;

профилактик ёрдам йўналишлари ва ҳажмлари, профилактика мақсадларида эмлашлар ўтказишнинг муддат ва усуллари тўғрисида қарорлар қабул қилади, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилади.

бошқа давлатлар ҳудудидан юқумли ва карантин

даги касалликлар олиб кирилишининг олдини олиш ишларини манфаатдор органлар билан биргаликда ташкил этади ва назорат қилиб боради;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўз ваколатлари доирасида даволаш-профилактика, санитария, эпидемияга қарши, радиация, экология масалалари юзасидан чиқарадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ҳамда жисмоний шахслар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

**6-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасидаги ваколатлари**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тасарруфига қуйидагилар кирди:

соғлиқни сақлаш соҳасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасидаги қонун ҳужжатлари бажарилишини таъминлаш;

соғлиқни сақлаш тизимининг бошқарув органларини шакллантириш, унинг муассасалари тармоғини ривожлантириш;

бирламчи тиббий-санитария ва тиббий-ижтимоий ёрдамни ташкил этиш, улардан ҳамманинг баҳраманд бўла олишини таъминлаш, тиббий ёрдам сифатининг клиник-статистик стандартларига риоя этилишини назорат қилиш, тасарруфдаги ҳудудда фуқароларни дори-дармонлар ва тиббиёт маҳсулотлари билан таъминлаш;

соғлиқни сақлаш ҳаражатларини молиявий таъминлашнинг ўз манбаларини шакллантириш;

фуқароларнинг санитария-эпидемиология жиҳатидан хотиржамлигини таъминлаш, профилактика, санитария-гигиена, эпидемияга қарши ва табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириш;

атроф муҳитни муҳофаза этиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш;

фавқулодда вазиятларда одамларнинг ҳаётини сақлаб қолиш ва уларнинг соғлиғини муҳофаза этиш чора-тадбирларини кўриш, фуқароларни фавқулодда ва-

зият зонасидаги аҳвол ва кўрилаётган чора-тадбирлардан хабардор қилиш;

соғлиқни сақлаш тизими органлари, муассасалари ва корхоналари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда назорат қилиш, соғлиқни сақлаш муассасаларида кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий ёрдам сифатини назорат қилиб бориш;

ногиронлар ва тиббий-ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларнинг куч-қувватини тиклайдиган муассасалар ташкил этиш ва улар фаолиятини таъминлаш;

ойлаши, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

фуқароларга санитария-гигиена ва экология таълими беришни ташкил этиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

#### **7-модда. Соғлиқни сақлаш тизими**

Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлашнинг давлат, хусусий ва бошқа тизимлари йиғиндисидан иборат ягона соғлиқни сақлаш тизими амал қилади.

#### **8-модда. Давлат соғлиқни сақлаш тизими**

Давлат соғлиқни сақлаш тизимига Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлашни бошқариш органлари, уларнинг шаҳар ва туман бўлинмалари киради. Давлат соғлиқни сақлаш тизимига давлат мулки бўлган ва давлат соғлиқни сақлаш тизимининг бошқарув органларига бўйсунувчи даволаш-профилактика ва илмий-тадқиқот муассасалари, тиббиёт ва фармацевтика ходимлари тайёрлайдиган ҳамда уларни қайта тайёргарликдан ўтказадиган ўқув юртлари, фармацевтика корхоналари ва ташкилотлари, санитария-профилактика муассасалари, суд-тиббий экспертиза муассасалари, тиббий дори-дармонлар ва тиббиёт техникаси ишлаб чиқарадиган корхоналар ҳамда асосий фаолияти фуқаролар соғлиғини сақлаш билан боғлиқ бошқа корхона, муассаса ва ташкилотлар киради.

Илмий-тадқиқот институтларининг клиникалари, вазирликлар, идоралар, давлат корхоналари, муассаса ва ташкилотлари барпо этадиган даволаш-профилактика

**ва** дорихона муассасалари давлат соғлиқни сақлаш тизимига киради.

Давлат бюджети ҳисобидан таъминланадиган давлат соғлиқни сақлаш тизимининг даволаш-профилактика муассасалари аҳолига бевул тиббий хизмат кўрсатади.

**9-модда. Давлат соғлиқни сақлаш тизимини маблағ билан таъминлаш**

Давлат соғлиқни сақлаш тизимини маблағ билан таъминлаш манбалари қуйидагилардан иборат:

давлат бюджети маблағлари;

тиббий суғурта маблағлари;

фуқароларнинг соғлиғини сақлашга мўлжалланган мақсадли фондларнинг маблағлари;

корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ҳамда жисмоний шахсларнинг соғлиқни сақлаш муассасаларига ихтиёрий ва хайрия бадаллари;

банкларнинг кредитлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

**10-модда. Соғлиқни сақлашнинг хусусий ва бошқа хил тизимлари**

Соғлиқни сақлашнинг хусусий ва бошқа хил тизимлари жумласига хусусий таъбиот амалиёти ёки хусусий фармацевтика фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар, хусусий корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмалари томонидан, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалардан маблағ билан таъминланадиган даволаш-профилактика, дорихона муассасалари ҳамда таъбиот ва фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар киради.

**11-модда. Соғлиқни сақлаш корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига, шунингдек таъбиот ҳамда фармацевтика фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларга лицензиялар бериш тартиби ва шартлари**

Соғлиқни сақлаш корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари, шунингдек жисмоний шахслар лицен-

зияга эга бўлган тақдирдагина табобат ва фармацевтика фаолияти билан шуғулланиши мумкин.

Давлат, хусусий ва бошқа хил соғлиқни сақлаш тизимларининг корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига лицензиялар бериш тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

#### **12-модда. Аҳолининг санитария-эпидемиология жиҳатидан хотиржамлиги**

Аҳолининг санитария-эпидемиология жиҳатидан хотиржамлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар томонидан санитария-гигиена йўсинидаги ҳамда эндемияга қарши тадбирлар ўтказилиши орқали таъминланади.

### **II. ФУҚАРОЛАРНИНГ СОҒЛИҒИНИ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШ**

#### **13-модда. Фуқароларнинг соғлиқни сақлаш ҳуқуқи**

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари соғлиқни сақлаш борасида дахлсиз ҳуқуққа эгадирлар.

Давлат ёши, жинси, irqи, миллати, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар фуқароларнинг соғлиғи сақланишини таъминлайди.

Давлат фуқароларда касалликларнинг ҳар қандай шакллари борлигидан қатъи назар, уларнинг камситишлардан ҳимоя қилинишини кафолатлайди. Ушбу қондани бузишда айбдор бўлган шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

#### **14-модда. Ажнабий фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг соғлиқни сақлаш ҳуқуқи**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ажнабий фуқароларнинг соғлиқни сақлаш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ кафолатланади.

Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар, башарти Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида ўзгача қонда назарда тутилмаган бўлса, соғлиқни сақлашда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари билан тенг ҳуқуқдан фойдаланадилар.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатиб ўтилган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш тартибини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги белгилайди.

**15-модда. Фуқароларнинг соғлиққа таъсир этувчи омиллар ҳақида ахборот олиш ҳуқуқи**

Фуқаролар соғлиққа таъсир этувчи омиллар ҳақида, шу жумладан яшаш ҳудудининг санитария-эпидемиология жиҳатидан хотиржамлиги тўғрисида, овқатланишнинг оқилона нормалари хусусида, товарлар, ишлар, хизматлар, уларнинг хавфсизлиги, санитария нормалари ва қондаларига мувофиқлиги тўғрисида ўз вақтида ва аниқ ахборот олиш ҳуқуқига эга.

**16-модда. Фуқароларнинг тиббий-ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқи**

Касал бўлиб қолганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда ва бошқа ҳолларда фуқаролар профилактик, ташхис қўйиш-даволаш, куч-қувватни тиклаш, санаторий-курорт, протез-ортопедия ёрдами ва бошқа хил ёрдами, шунингдек беморларни, меҳнатга лаёқатсиз ва ногирон кишиларни боқиш-парваришlash юзасидан ижтимоий чора-тадбирларни, шу жумладан вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси тўлашни ўз ичига оладиган тиббий-ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқига эга.

Тиббий-ижтимоий ёрдам тиббиёт ходимлари ва бошқа мутахассислар томонидан кўрсатилади.

Фуқаролар ўзларини ихтиёрий равишда тиббий сугурта қилдириш асосида, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг маблағлари, ўз шахсий маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қўшимча тиббий ва бошқа хил хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.



Фуқароларнинг айрим тоифалари протезлар, ортопедик ва мослама буюмлар, эшитиш аппаратлари, ҳаракатланиш воситалари ва бошқа махсус воситалар билан имтиёзли тарзда таъминланиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳуқуққа эга бўлган фуқароларнинг тоифаларини, шунингдек уларни таъминлаш шартлари ва тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

Фуқаролар ихтисослашган соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот муассасаларида тиббий экспертизадан ўтиш ҳуқуқига эга.

### **17-модда. Айрим турдаги касб-кор билан шуғулланувчи фуқароларнинг соғлиғини сақлаш**

Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш, юқумли ва касб касалликларининг олдини олиш мақсадига рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган ишлаб чиқаришлар ҳамда айрим касбларнинг ходимлари ишга кириш вақтида дастлабки мажбурий тиббий кўрикдан ҳамда кейинчалик вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтадилар.

Соғлиғининг ҳолатига кўра фуқаро айрим турдаги касб-кор ҳамда юқори даражали хавф манбаи бўлган фаолият билан шуғулланишга вақтинча ёки доимий лаёқатсиз деб топилгани мумкин. Бундай қарор тиббиёт нуқтаи назаридан шуғулланиш номақбул деб топилган фаолиятлар рўйхатига мувофиқ ҳолда тиббий комиссиялар чиқарган хулоса асосида қабул қилинади ва унинг устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Тиббиёт нуқтаи назаридан шуғулланиш номақбул деб топилган айрим турдаги касб-кор ва юқори даражада хавфли манба билан боғлиқ фаолиятлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ва Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан биргаликда белгиланади ҳамда беш йилда камида бир марта қайта кўриб чиқилади.

Иш берувчилар ўз ходимларининг мажбурий тиббий кўрикдан ўз вақтида ўтиши учун ва мажбурий тиббий кўрикдан ўтмаган шахсларни ишга қўйиш натижасида фуқароларнинг соғлиғига етказилган зарарли оқибатлар учун жавобгар бўладилар.

## 18-модда. Оила соғлиғини сақлаш

Ҳар бир фуқаро давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида оилага тааллуқли масалалар, ўзида ижтимоий аҳамиятли касалликлар ва атрофдагилар учун хавfli бўлган касалликлар бор-йўқлиги юзасидан, никоҳ ва оила муносабатларининг тиббий-руҳий жиҳатлари юзасидан бењул маслаҳатлар олиш, шунингдек тиббий-ирсий ҳамда бошқа масалалар юзасидан маслаҳатлар олиш ва текширувдан ўтиш ҳуқуқига эга.

Ҳар бир оила ўзига оилавий шифокор танлаш ҳуқуқига эга.

Болали оилалар фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасида қонуи ҳужжатларида белгиланган имтиёزلардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Уч ёшга тўлмаган болалар, шунингдек шифокорларнинг ҳулосасига кўра қўшимча қаровга муҳтож бўлган катта ёшдаги касали оғир болалар стационар шифохонада даволанаётганида уларнинг отаси ёки онасига ёхуд оиланинг болани бевосита парваришлаётган бошқа аъзосига даволаш муассасасида унинг ёнида бирга бўлиши учун имконият яратилади ва меҳнатга лаёқатсизлик варақаси берилади.

## 19-модда. Вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари

Давлат вояга етмаганларнинг соғлиқни сақлаш ҳуқуқларини уларнинг жисмоний, маънавий ривожланиши учун, касалликларнинг олдини олиш учун энг қулай шароит яратиш, шунингдек мактабгача тарбия муассасалари, мактаблар ва бошқа муассасаларда тиббий хизматни йўлга қўйиш орқали таъминлайди.

Вояга етмаганлар қўйидаги ҳуқуқларга эга:

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тартибда диспансер назоратида бўлиш ҳамда болалар ва ўсмирларнинг даволаш-профилактика муассасаларида даволаниш;

санитария-гигиена таълими олиш, ўқиш ҳамда ўзларининг физиологик хусусиятлари ва соғлиғига мос шароитларда меҳнат қилиш;

касба яроқлилигини аниқлаш чоғида бюджет маблағлари ҳисобидан бењул тиббий маслаҳатлар олиш; соғлиқлари тўғрисида ўзлари учун қулай тарзда зарур ахборот олиш.

Ун беш ёшдан ошган вояга етмаганлар маълумот-

ларни билган ҳолда тиббий аралашувга ихтиёрий равишда розилик бериш ёки уни рад этиш ҳуқуқига эга.

Жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бор вояга етмаганлар ота-оналарининг ёки улар ўрнини босувчи шахсларнинг аризасига кўра бюджет маблағлари, хайрия жамғармалари ва бошқа фондларнинг маблағлари, шунингдек ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг маблағлари ҳисобидан ижтимоий ҳимоя тизими муассасаларида яшашлари мумкин.

Ота-оналар ёки бошқа шахсларнинг ўз тарбиясидаги вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини бузишлари, уларни тарбиялашдан бўйин товлашлари, вояга етмаганлар билан уларнинг соғлиғига зарар етказадиган даражада шафқатсиз муносабатда бўлишлари қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

**20-модда. Ҳарбий хизматчилар, ҳарбий ва муқобил хизматга чақириладиган ҳамда ҳарбий хизматга контракт бўйича кирадиган фуқароларнинг ҳуқуқлари**

Ҳарбий хизматчилар ҳарбий хизматга яроқли ёки яроқсиз эканликларини аниқлаш учун тиббий текширувдан ўтиш ҳамда ҳарбий-тиббий комиссиянинг ҳулосаси асосида ҳарбий хизматдан муддатидан илгари бўшатилиш ҳуқуқига эга.

Ҳарбий ва муқобил хизматга чақириладиган ёки ҳарбий хизматга контракт бўйича кирадиган фуқаролар тиббий текширувдан ўтади ҳамда соғлиғига кўра ҳарбий хизматга чақирувчи кечиктириш ёки чақирувдан озод этилиш ҳуқуқини берадиган тиббий маълумотлар тўғрисида тўлиқ ахборот олиш ҳуқуқига эга.

**21-модда. Пенсия ёшидаги фуқароларнинг ҳуқуқлари**

Пенсия билан таъминланиш ҳуқуқини берадиган ёшга етган фуқароларга давлат соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот тизими муассасаларида тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатилади.

Тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ўз ичига стационар-амбулатория йўли билан даволашни, санаторий ва дам олиш уйларида соғломлаштиришни, ёлғиз

жасаларга уларнинг ўз уйида ҳамда интернат-уйларда хизмат кўрсатишни қамраб олади.

Пенсия ёшидаги фуқаролар тиббий хулоса асосида қонун ҳужжатларига мувофиқ ижтимоий суғурта маблағлари, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш органларининг маблағлари ҳамда корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг маблағлари ҳисобидан куч-қувватни тиклаш ҳуқуқига эга.

### **22-модда. Ногиронларнинг ҳуқуқлари**

Ногиронлар, шу жумладан ногирон болалар ва болаликдан ногиронлар тиббий-ижтимоий ёрдам олиш, куч-қувватни тиклашнинг барча турларидан фойдаланиш, дори-дармонлар, протез-ортопедия мосламаларни, ҳаракатланиш воситалари билан имтиёзли асосларда таъминланиш, шунингдек касб-кор эгаллаш ва қайта тайёргарликдан ўтиш ҳуқуқига эга.

Ногиронлар давлат соғлиқни сақлаш тизими ва ижтимоий таъминот муассасаларида бепул тиббий-ижтимоий ёрдам олиш, ўз уйларида парвариш қилиниш, ўзганинг парваришига муҳтож бўлган ёлғиз ногиронлар ва сурункали руҳий хасталикларга чалинган ногиронлар эса ижтимоий таъминот муассасаларида яшаш ҳуқуқига эга.

Ногиронларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тартиби ва уларга бериладиган имтиёзлар рўйхати қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилади.

### **23-модда. Фавқулодда вазиятлар туфайли жабр кўрган фуқароларнинг ҳуқуқлари**

Фавқулодда вазият туфайли жабр кўрган фуқаролар бепул тиббий ёрдам олиш ва соғлиқни тиклаш тартибда даволаниш, фавқулодда вазият оқибатларини бартараф этиш ҳамда ҳаёти ва соғлиқларига таҳдид солаётган хавфни камайтиришга қаратилган гигиена чора-тадбирлари ва эпидемияга қарши чора-тадбирлар ўтказиш ҳуқуқига эга.

Фавқулодда вазият шароитида одамларни қутқариш ва тиббий ёрдам кўрсатиш чоғида жабр кўрган фуқароларга бепул даволаниш, шу жумладан санаторий ва курортларда даволаниш, куч-қувватни тиклашнинг барча турларидан фойдаланиш, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда моддий компенсация олиш кафолатланади.

## 24-модда. Беморнинг ҳуқуқлари:

Бемор тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилган ва тиббий ёрдам олаётган пайтда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

тиббиёт ходимлари ва хизмат кўрсатувчи ходимларнинг ҳурмат ва меҳр-мурувват кўрсатишлари;

шифокорни ва даволаш-профилактика муассасасини танлаш;

санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган шароитда текширувдан ўтиш, даволаниш ва парвариш қилиниш;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги белгилаб қўйган тартибда ўз илтимосига кўра бошқа мутахассисларнинг консилиум қилиши ва улардан маслаҳатлар олиш;

тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилгандиги, соғлиғининг ҳолати, қўйилган ташхис тўғрисидаги маълумотлар ҳамда уни текшириш ва даволаш чоғида олинган бошқа маълумотлар сир сақланиши;

тиббий аралашувга ўз ихтиёри билан розилик бериш ёки уни рад этиш;

ўз ҳуқуқ ва бурчлари хусусида ҳамда соғлиғининг ҳолати ҳақида маълумот олиш, шунингдек соғлиғининг ҳолатига доир маълумотларни унинг манфаатини кўзлаган ҳолда берса бўладиган шахсларни танлаш;

ихтиёрий тиббий суғурта доирасида тиббий ва бошқа хил хизматлардан фойдаланиш;

тиббий ёрдам кўрсатиш вақтида соғлиғига зарар етказилган тақдирда кўрилган зарарнинг ўрни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланиши;

ҳуқуқини ҳимоя қилиши учун ҳузурига адвокат ёки бошқа қонуний вакил қўйилиши.

Ҳуқуқлари бузилган тақдирда бемор ёки унинг қонуний вакили бевосита даволаш-профилактика муассасасининг раҳбари ёки бошқа мансабдор шахсига, юқори бошқарув органига ёки судга шикоят билан мурожаат қилиши мумкин.

## 25-модда. Фуқароларнинг ўз соғлиғининг ҳолати тўғрисида маълумот олиш ҳуқуқи

Ҳар бир фуқаро ўз соғлиғининг ҳолати тўғрисида маълумот, шу жумладан текшириш натижалари, қан-

дай касали борлиги, қандай ташхис қўйилганлиги, касалликнинг бундан буён қандай кечишига оид тахминлар, даволаш усуллари ва бу усуллар билан боғлиқ хавф-хатар, тиббий аралашувнинг эҳтимол тутилган турлари ва уларнинг оқибатлари, амалга оширилган даволашнинг натижалари тўғрисидаги маълумотларни олиш ҳуқуқига эга.

Фуқаронинг соғлиги ҳақидаги маълумотни унинг ўзига, ўн беш ёшга тўлмаган шахслар ҳамда қонунда белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар соғлиги тўғрисидаги маълумотларни эса уларнинг қонуний вакилларига даволаш-профилактика муассасасининг даволовчи шифокори, бўлим мудирини ёки текшириш ва даволашда бевосита қатнашаётган бошқа мутахассислар беради.

Касалликнинг кечиши номақбул деб тахмин қилинган ҳолларда бу ҳақда фуқарога ва, башарти унинг ўзи оила аъзоларига хабар қилишни тақиқламаган ва (ёки) бундай маълумот берилиши учун бирор шахсни тайинламаган бўлса, беморнинг оила аъзоларига тиббий-одоб меъёрларига риоя қилган ҳолда хабар қилиниши керак.

Фуқаронинг талабига мувофиқ унга соғлиғининг ҳолатини акс эттирувчи тиббий ҳужжатлардан кўчирмалар берилади.

Фуқаронинг тиббий ҳужжатларида акс этган маълумотлар шифокорлик сирини бўлиб, у фақат ушбу Қонун 45-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган асослардагина фуқаронинг розилигисиз тақдим этилиши мумкин.

## 26-модда. Тиббий аралашувга розилик бериш

Фуқаронинг ўз касалига доир маълумотларни билган ҳолда ўз ихтиёри билан розилик бериши тиббий аралашувнинг дастлабки зарур шартидир.

Фуқаронинг аҳволи ўз хоҳиш-иродасини изҳор этишга имкон бермайдиган, тиббий аралашувни эса кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда фуқаронинг манфаатини кўзлаб тиббий аралашувни амалга ошириш масаласини консиллум ҳал қилади, башарти консиллумга йиғилишнинг иложи бўлмаган тақдирда эса, кейинчалик даволаш-профилактика муассасасининг мансабдор шахсларининг хабардор қилиш шартин билан бевосита даволовчи (навбатчи) шифокор ҳал этади.

Уи беш ёшга тўлмаган шахсларга ва қонунда белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқароларга нисбатан тиббий аралашувга уларнинг қонуний вакиллари розилик беради. Ота-она ёки бошқа қонуний вакиллар йўқлигида тиббий аралашув тўғрисидаги қарорни консилиум қабул қилади, башарти консилиумга йиғилишнинг иложи бўлмаган тақдирда эса, кейинчалик даволаш-профилактика муассасининг мансабдор шахслари ва беморнинг қонуний вакиллари хабардор қилиш шarti билан бевосита даволовчи (навбатчи) шифокор қабул қилади.

#### **27-модда. Тиббий аралашувни рад этиш**

Фуқаро ёки унинг қонуний вакили тиббий аралашувни рад этиш ёки унинг тўхтатилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга, ушбу Қонуннинг 28-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Бундай ҳолларда шифокор ёзма тасдиқнома олишга, агар тасдиқнома олишнинг иложи бўлмаса — тиббий аралашувни рад этишни гувоҳлар иштирокида тегишли далолатнома билан гувоҳлантириб олишга ҳақлидир.

Башарти тиббий аралашувни беморнинг қонуний вакили рад этса ва бу ҳол бемор учун оғир оқибатлар келтириб чиқариши мумкин бўлса, шифокор бу ҳақда васийлик ва ҳомийлик органларини хабардор қилиши шарт.

#### **28-модда. Фуқароларнинг розилигисиз тиббий ёрдам кўрсатиш**

Атрофдагилар учун хавфли касалликка чалинган шахсларга фуқаролар ёки улар қонуний вакиллари-нинг розилигисиз тиббий ёрдам кўрсатилишига (тиббий кўрикдан ўтказиш, касалхонага ётқизиш, кузатиш ва яккалаб қўйишга) қонун ҳужжатларида белгиланган асосларда ва тартибда йўл қўйилади.

### **III. ФУҚАРОЛАРГА ТИББИЙ-ИЖТИМОИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ**

#### **29-модда. Бирламчи тиббий-санитария ёрдами**

Давлат соғлиқни сақлаш тизими, ижтимоий таъминот, жамеат бирлашмаларининг муассасалари кўрсата-

диган бирламчи тиббий-санитария ёрдами тиббий хизмат кўрсатишнинг асосий, қулай ва бепул тури бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади:

энг кўп тарқалган касалликлар, шикастланиш, захарланиш ва шошилиш ёрдам талаб этиладиган бошқа ҳолатларни даволашни;

санитария-гигиенага доир ва эпидемияга қарши чора-тадбирлар, энг муҳим касалликларнинг тиббий профилактикасини ўтказишни;

билани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тадбирларини, турар жойларда фуқароларга тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш билан боғлиқ бошқа чора-тадбирлар кўришни.

Хусусий ва бошқа хил соғлиқни сақлаш тизимларининг муассасалари томонидан кўрсатиладиган бирламчи тиббий-санитария ёрдами шартнома асосида амалга оширилади.

Бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишнинг ҳажми ва тартибини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги белгилайди.

### 30-модда. Шошилиш ва тез тиббий ёрдам

Фуқаролар соғлиқни сақлаш тизимининг ҳар қандай даволаш-профилактика муассасасида шошилиш тиббий ёрдам олиш ҳуқуқига эга.

Тиббиёт ва фармацевтика ходимлари фуқароларга шошилиш тиббий ёрдам кўрсатишлари шарт. Улар шошилиш тиббий ёрдам кўрсатишдан бўйин товлаганлик, шунингдек фуқароларнинг соғлиғига етказилган зарар учун қонунга мувофиқ жавобгар бўладилар.

Тез тиббий ёрдам давлат соғлиқни сақлаш тизимининг махсус тез тиббий ёрдам хизмати томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги белгилagan тартибда кўрсатилади.

Фуқаронинг ҳаёти давф остида бўлган тақдирда тиббиёт ходимлари уни даволаш-профилактика муассасасига олиб бориш учун ҳар қандай транспорт туридан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Милиция, ёнғиндан сақлаш, авария хизматлари, транспорт ташкилотлари ходимлари, шунингдек бошқа касб-кор вакиллари тиббиёт ходимлари етиб келгунга қадар воқеа содир бўлган жойда қўғул ҳужжатларига биноан зиммаларига юклатилган бирламчи шошилиш ёрдами кўрсатишлари шарт.



### 31-модда. Ихтисослашган тиббий ёрдам

Ихтисослашган тиббий ёрдам профилактика, таъхис қўйиш, даволашнинг ва мураккаб тиббий технологиялардан фойдаланишнинг махсус усулларини тақозо этувчи касалликларга чалинган фуқароларга кўрсатилади.

Ихтисослашган тиббий ёрдам мазкур фаолият тури билан шуғулланиш учун лицензияга эга бўлган даволаш-профилактика муассасаларида мутахассис шифокорлар томонидан кўрсатилади.

Соғлиқни сақлаш муассасаларида кўрсатиладиган ихтисослашган тиббий ёрдамнинг турлари, ҳажми ва сифат стандартлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

### 32-модда. Ижтимоий аҳамиятга молик касалликларга чалинган фуқароларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш

Ижтимоий аҳамиятга молик касалликларга чалинган фуқароларга давлат соғлиқни сақлаш тизимининг тегишли даволаш-профилактика муассасаларида тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатилади ва доимий тиббий кузатув таъминланади.

Ижтимоий аҳамиятга молик касалликлар рўйхати ва бундай касалликларга чалинган шахслар учун имтиёзлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ижтимоий аҳамиятга молик касалликларга чалинган фуқароларга кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий ёрдам турлари ва ҳажмини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда белгилайди.

### 33-модда. Атрофдагилар учун хавфли бўлган касалликларга чалинган фуқароларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш

Атрофдагилар учун хавфли бўлган, рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган касалликларга чалинган фуқароларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш давлат соғлиқни сақлаш тизимининг ана шундай мақсадга мўлжалланган муассасаларида бепул амалга оширилади.

Атрофдагилар учун хавfli бўлган касалликларга чалинган фуқароларга кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий ёрдамнинг турлари ва ҳажми Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда белгиланади.

**34-модда. Профилактика, ташхис қўйиш, даволашнинг янги усуллари, дори-дармонлар, иммунобиология препаратлари ва дезинфекция воситаларини қўлланиш ҳамда биологик-тиббий тадқиқотлар ўтказиш тартиби**

Соғлиқни сақлаш амалиётида фақат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қўлланишга рухсат этилган профилактика, ташхис қўйиш, даволаш усуллари, тиббиёт технологиялари, дори-дармонлар, иммунобиология препаратлари ва дезинфекция воситаларидан фойдаланилади.

Қўлланишга рухсат этилмаган, лекин белгиланган тартибда кўриб чиқиладиган ташхис қўйиш, даволаш усуллари ва дори-дармонлардан беморни даволаш манфаатини кўзлаб фақат унинг ихтиёрий равишдаги ёзма розилиги олинганидан кейин, ўн беш ёшга тўлмаган шахсларни даволашда эса фақат уларнинг ҳаёти бевоқиф хавф остида қолган тақдирда ва қонуний вакиллариининг ёзма розилиги билангина фойдаланиш мумкин.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ташхис қўйиш, даволаш усуллари ва дори-дармонларни, иммунобиология препаратлари ва дезинфекция воситаларини, шу жумладан чет элда фойдаланиладиганларини қўлланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

Инсонни объект сифатида жалб этиб, биологик-тиббий тадқиқот ўтказишга фақат лаборатория тажрибалари ўтказилганидан ва фуқаронинг ёзма розилиги олинганидан кейингина давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида йўл қўйилади. Фуқарони биологик-тиббий тадқиқотларда қатнашишга мажбурлаш мумкин эмас.

Биологик-тиббий тадқиқот ўтказишга фуқародан розилик олинаётганда унга тадқиқотнинг мақсади, усуллари, қўшимча оқибатлари, эҳтимол тутилган хавфи, тадқиқотнинг қанча давом этиши ва кутилаётган натижаларига оид маълумотлар берилиши лозим. Фуқаро тадқиқотнинг исталган босқичида унда қатнашишдан бош тортмиш ҳуқуқига эга.

Белгиланган тартибда текширув синовларидан ўтмаган профилактика, ташхис қўйиш, даволаш усуллари ва дори-дармонларни тарғиб қилиш, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида тарғиб қилиш тақиқланади. Ушбу нормани бузиш қонунда белгиланганидек жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

#### **35-модда. Фуқароларни дори-дармонлар ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш**

Шифокорнинг дориқоғози бўйича ва дориқоғозсиз бериладиган дори-дармонлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Дори-дармонлар ва яқка тартибда фойдаланиладиган тиббиёт буюмлари билан имтиёзли асосларда таъминланадиган фуқароларнинг тоифалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб қўйилади. Давлат соғлиқни сақлаш тизимининг даволовчи шифокорлари фуқароларнинг дори-дармонлар билан имтиёзли асосларда таъминланиши учун дориқоғоз ёзиб бериш ҳуқуқига эга.

### **IV. ТИББИЙ ЭКСПЕРТИЗА**

#### **36-модда. Меҳнатга вақтинча лаёқатсизликни экспертизалаш**

Фуқароларнинг касаллик, шикастланганлик, ҳомилдорлик, туққанлик, онланинг бетоб аъзосини ларваришлаганлик, протез қўйдирганлик, санаторий-курортда даволанганлик муносабати билан ва бошқа ҳоллардаги меҳнатга вақтинча лаёқатсизлигини экспертизалаш қонуни ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказилади.

Меҳнатга вақтинча лаёқатсизликни экспертизалаш давлат соғлиқни сақлаш тизимининг даволовчи шифо-

корлари томондан ўтказилади ва улар фуқароларга меҳнатга лаёқатсизлик варақасини беради. Хусусий ва бошқа хил соғлиқни сақлаш тизимларида даволанган фуқароларга меҳнатга лаёқатсизлик варақалари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги белгилаб қўядиган тартибда берилади.

Меҳнатга вақтинча лаёқатсизлик экспертизаланганида ходимни соғлиғининг ҳолатига қараб вақтинча ёки доимий равишда бошқа ишга ўтказиш зарурати ва муддати аниқланади, шунингдек фуқарони белгиланган тартибда, шу жумладан унда ногиронлик белгилари мавжуд бўлган тақдирда тиббий-меҳнат эксперт комиссиясига йўллаш туғрисида қарор қабул қилинади.

### 37-модда. Тиббий-меҳнат экспертизаси

Тиббий-меҳнат экспертизаси фуқаролар ногиронлигининг сабаби ва гуруҳини, уларнинг меҳнат лаёқатини йўқотганлик даражасини, улар соғлиғини тиклашнинг турлари, ҳажми ва муддатини ҳамда ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирларини белгилайди, тегишли хулосалар беради. Ушбу хулосалар корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг маъмурияти учун мажбурийдир.

Тиббий-меҳнат экспертизасини ташкил қилиш ва ўтказиш тартиби қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилади.

Тиббий-меҳнат экспертизасини ўтказган муассасанинг хулосаси устидан фуқаронинг ўзи ёки унинг қонуний вакили судга шикоят қилиши мумкин.

### 38-модда. Ҳарбий-тиббий экспертиза

Ҳарбий-тиббий экспертиза ҳарбий ёки муқобил хизматга чақириладиган, ҳарбий хизматга контракт бўйича кирадиган, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг, ички ишлар ва Миллий хавфсизлик хизмати органларининг заҳирасида (резервида) турган фуқароларнинг ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг саломатлиги жиҳатидан ҳарбий хизматга яроқли ёки яроқсиз эканлигини, касаллик, ярадорлик, шикастланганлик ҳарбий хизмат (ҳарбий йиғинларни ўташ) билан боғлиқлигини аниқлайди, ҳарбий хизматчиларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва уларнинг соғлиғини тиклашнинг турлари, ҳажми ва муддатини белгилайди.

Ҳарбий-тиббий экспертизани ташкил этиш ва ўтказиш тартибини, шунингдек ҳарбий ёки муқобил хизматга чақириладиган, ҳарбий хизматга контракт бўйича кирадиган фуқаролар ва ҳарбий хизматчилар соғлиғининг ҳолатига нисбатан қўйиладиган талабларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

Ҳарбий-тиббий экспертизанинг хулосалари мансабдор шахслар ижро этиши учун мажбурийдир. Ҳарбий-тиббий экспертизани ўтказган муассасанинг хулосаси устидан фуқаронинг ўзи ёки унинг қонуний вакили судга шикоят қилиши мумкин.

### **39-модда. Суд-тиббиёт ва суд-психиатрия экспертизалари**

Суд-тиббиёт экспертизаси давлат соғлиқини сақлаш тизимининг тиббий муассасаларида эксперт томонидан, унинг йўқлигида эса — экспертиза ўтказишга жалб этилган шифокор томонидан суриштирув ўтказётган шахс, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими асосида ўтказилади.

Суд-психиатрия экспертизаси давлат соғлиқини сақлаш тизимининг шу мақсадга мўлжалланган муассасаларида ўтказилади.

Суд-тиббиёт ва суд-психиатрия экспертизаларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилади.

Суд-тиббиёт ва суд-психиатрия экспертизаларини ўтказган муассасаларининг хулосалари устидан фуқаронинг ўзи ёки унинг қонуний вакили судга шикоят қилиши мумкин.

### **40-модда. Патологик-анатомик тадқиқотлар ўтказиш ва одамнинг ўлган вақтини аниқлаш**

Патологик-анатомик тадқиқотлар соғлиқини сақлаш муассасаларида одам ҳаётлигида ҳамда ўлгандан сўнг ташхис қўйиш (биопсия ва аутопсия), шунингдек, клиник шароитда ташхис қўйиш ва жасалликни даволаш ишларининг тўғри олиб бориладиганини назорат қилиш, ўлим сабаблари ҳақида аниқ маълумотлар олиш мақсадида ўтказилади.

Патологик-анатомик тадқиқотлар ўтказиш ва одамнинг ўлган вақтини аниқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

## V. ТИББИЁТ ВА ФАРМАЦЕВТИКА ХОДИМЛАРИ:

### 41-модда. Тиббиёт ва фармацевтика фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи

Ўзбекистон Республикасида тиббиёт ва фармацевтика фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига олий ёки ўрта махсус тиббиёт ўқув юртини тамомлаганлик тўғрисида диплом олган шахслар, рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган муайян тиббиёт ва фармацевтика фаолияти турлари билан шуғулланиш ҳуқуқига эса диплом ва лицензия олган шахслар эга бўладилар.

Тиббиёт ва фармацевтика маълумоти тўғрисидаги дипломни хорижий давлатларда олган шахсларнинг тиббиёт ёки фармацевтика фаолияти билан шуғулланишига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда йўл қўйилади.

Ўз касби бўйича уч йилдан кўп ишламаган тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг тегишли фаолият билан шуғулланишига тегишли ўқув юртларида қайта тайёргарликдан ўтганларидан кейин ёки Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг аттестация комиссиялари ўтказадиган аттестация асосида йўл қўйилади.

Тиббиёт ёки фармацевтика соҳасида тугалланмаган олий маълумоти бўлган шахсларнинг тиббиёт соҳасида ўрта маълумоти бўлган ходимлар ишлайдиган лавозимларда тиббиёт ёки фармацевтика фаолияти билан шуғулланишига Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда йўл қўйилади.

Олий ва ўрта махсус тиббиёт ўқув юртлари талабаларининг фуқароларга тиббий ёрдам кўрсатишда таълим дастурларига мувофиқ қатнашишига тиббиёт ходимлари назорати остида, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда йўл қўйилади.

Ғайриқонуний равишда тиббиёт ва фармацевтика фаолияти билан шуғулланувчи шахслар қонунга мувофиқ жавобгар бўладилар.

#### 42-модда. Хусусий тиббиёт амалиёти билан шуғулланиш ҳуқуқи

Олий ёки ўрта махсус тиббий маълумот тўғрисида диплом ва танлаган фаолият тури билан шуғулланиш учун лицензия олган шахслар хусусий тиббиёт амалиёти, шу жумладан табиблик (халқ табobati) билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

Тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини профессионал тиббиёт уюшмалари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек рухсатнома (лицензия) берган орган назорат қилиб боради.

Хусусий тиббиёт амалиёти билан шуғулланиш хусусий тиббиёт амалиёти билан шуғулланишга рухсатнома берган органининг ёки суднинг қарори билан тўхтатилиши мумкин.

#### 43-модда. Профессионал тиббиёт ва фармацевтика уюшмалари

Тиббиёт ва фармацевтика ходимлари ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тиббиёт ва фармацевтика амалиётини ривожлантириш, илмий тадқиқотларга кўмаклашиш, тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг касб фаолияти билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал этиш мақсадида ихтиёрий асосда таркиб топадиган профессионал уюшмалар ҳамда бошқа жамоат бирлашмалари тузиш ҳуқуқига эга.

Профессионал тиббиёт, фармацевтика уюшмалари ва бошқа жамоат бирлашмалари ўз фаолиятларини уставлар асосида ва қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширадилар.

### VI. ЯҚУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

#### 44-модда. Ўзбекистон Республикаси шифокорининг қасамёди

Шифокор дипломини олаётган шахслар қуйидаги мазмунида қасамёд қабул қилади:

«Шифокор деган юксак унвонни олиб, тиббиёт фаолиятига киришар эканман:

Ўзимнинг бор билим ва маҳоратимни беморни даво-

лашга ҳамда инсон соғлигини сақлашга бағишлашга; ёши, жинси, irqи, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, ҳар бир беморга куч-қайратим ва вақтимни аямай тиббий ёрдам кўрсатишга;

беморнинг соғлиғини шахсий манфаатларимдан юқори қўйишга, камтар ва ҳалол бўлишга, ўз билим ва маҳоратимни доимо ошириб боришга;

шифокор сирини сақлашга;

кишиларга ҳамisha меҳр-мурувват ва шифо толишларига ишонч ҳадя этишга;

Буқрот, Абу Али ибн Сино сингари улуғ табибларнинг шонли анъаналарини давом эттиришга таътавали қасамёд қиламан.

Ушбу қасамёдга умримнинг охиригача содиқ қолишга қасамёд қиламан».

Шифокорлар қасамёдни бузганлик учун қонунида белгиланган жавобгарликка тортиладилар.

#### 45- мо д д а. Шифокор сир

Фуқаронинг тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилганлиги, унинг соғлиғининг ҳолати, касаллигига қўйилган ташхис хусусидаги ҳамда уни текшириш ва даволаш давомида олинган бошқа маълумотлар шифокор сирини ташкил этади.

Шифокор сирни ҳисобланган маълумотлардан ўқиши ҳамда касб-корга, хизматга доир ва бошқа хил вазифаларни бажариш пайтида хабардор бўлиб қолган шахсларнинг бу маълумотларни фуқаро ёки унинг қонуний вакилининг розилигисиз ошкор қилишига йўл қўйилмайди, ушбу модданинг учинчи қисмида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Шифокор сирни ҳисобланган маълумотларни фуқаро ёки унинг қонуний вакилининг розилигисиз беришга қўйидаги сабабларга кўра йўл қўйилади:

аҳволи оғирлиги сабабли ўз хоҳиш-иродасини билдира олмайдиган фуқарони текшириш ва даволаш мақсадида;

юқумли касалликлар тарқалиши, ялли захарланиш ва зарарланиш хавфи таҳдид солганида;

тергов ёки суд текшируви ўтказилиши муносабати билан суриштирув ва тергов органларининг, прокуратура ва суднинг сўрови бўйича;

ўн беш ёшга тўлмаган вояга етмаган шахсга ёрдам



кўрсатилаётганда унинг ота-онаси ёки қонуний вакилларини хабардор қилиш учун;

фуқаронинг соғлиғига ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар ёки бахтсиз тасодиф натижасида зарар етказилган деб гумон қилишга асослар мавжуд бўлганида.

Шифокор сирни ҳисобланган маълумотлар қонунда белгиланган тартибда берилган шахслар шифокор сирини ошкор қилганлик учун қонун ҳужжатларига мувофиқ тиббиёт ва фармацевтика ходимлари билан баъбаравар жавобгар бўладилар.

#### 46-м о д д а. Фуқароларнинг соғлиғига етказилган зарарни қоплаш

Фуқароларнинг соғлиғига зарар етказилган ҳолларда айбдорлар жабрланганлар кўрган зарар ўрнини қонуни ҳужжатларида белгиланган ҳажм ва тартибда қоплашлари шарт.

Ғайриқонуний хатти-ҳаракатлардан жабр кўрган фуқароларга тиббий ёрдам кўрсатишга сарфланган маблағлар уларнинг соғлиғига етказилган зарар учун жавобгар бўлган жисмоний ва юридик шахслардан ундирилади.

Тиббиёт ва фармацевтика ходимлари ўз касб-кор вазифаларини малакали бажармаганликлари оқибатида фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етган ҳолларда етказилган зарар ўрни қонуни ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

Зарарнинг ўрнини қоплаш тиббиёт ва фармацевтика ходимларини қонунига мувофиқ интизомий, маъмурий ёки жиноий жавобгарликдан озод этмайди.

#### 47-м о д д а. Соғлиқни сақлаш соҳасида фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини камситувчи давлат органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари устидан фуқароларнинг шикоят қилиш ҳуқуқи

Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ушбу Қонунда белгиланган фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини камситувчи хатти-ҳаракатлари устидан юқори давлат органларига ёки судга шикоят қилиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти

И. ҚАРИМОВ.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING  
«ФУҚАРОЛАР СОҒЛИҒИНИ САҚЛАШ  
ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИНИ  
АМАЛГА КИРИТИШ ҲАҚИДА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ МАЖЛИСИНING**

1996 йил 29 август

**Қ А Р О Р И**

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1996 йил., 9-сон, 129-модда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қ а р о р**  
**қ и л а д и:**

1. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукуматнинг қарорларини «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқлаштирсин, республика вазирликлари ва идоралари мазкур Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишларини ва бекор қилишларини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлисининг Раиси

**Э. ХАЛИЛОВ**

# УРУҒЧИЛИК ТУҒРИСИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ

1996 йил 29 август

## Қ О Н У Н И

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1996 йил, 9- сон, 130- модда)

### 1- модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:  
**«уруғлик»** — ўсимликнинг нав ва дурагайларни сақлаб қолиш, такрор етиштириш учун ишлатиладиган ботаник дошлари ёки бошқа қисмлари;

**«сертификатланган (репродукцион) уруғликлар»** — фонд уруғликларини ва уларнинг кейинги репродукцияларини кўпайтиришдан олинadиган уруғликлар;

**«дурагай уруғликлар»** — туркумдошларни чақичтиришдан олинadиган уруғликлар;

**«генетик сифат (нав сифати)»** — муайян нав уруғлигининг генетик (нав) жиҳатидан қанчалик тоза эканлигини билдирувчи кўрсаткичлар мажмуи;

**«экинбошлик хусусияти»** — уруғликларнинг экишга қанчалик яроқли эканлигини билдирувчи кўрсаткичлар мажмуи;

**«уруғлик туркуми»** — бир турдаги (муайян экин, нав, репродукция, тонфа, генетик (нав) тозаликдаги, муайян иш ҳосилидан олинган, келиб чиқиши бир), ҳужжат билан тасдиқланган махсус жамланган уруғлигининг бир хил миқдори;

**«апробация қилиш»** — ўсимликларнинг генетик (нав) жиҳатидан қанчалик тоза эканлигини, касалликларга, зараркушандаларга чидамлилиги ва экишга мўлжалланган уруғлигининг умумий ҳолатини аниқлаш мақсадида далада ўтказиладиган тадқиқот;

**«патент эгаси (лицензиар)»** — селекция навининг эгаси, дурагай эгаси ҳуқуқини қонуни ҳужжатларида мувофиқ олган шахс.

### 2- модда. Уруғчиликнинг асосий вазифалари

Уруғчиликнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалиги экинларининг ўз уруғчилик база-  
сини яратиш;

навиш янгилаш ва нав алмаштириш жараёнида  
уруғлик навлари ва дурагайлариининг биологик ҳамда  
хўжалик жиҳатидан қимматли хусусиятларини сақлаб  
қолиш;

йўқолиб бораётган қимматли навларининг генофон-  
дини сақлаб қолиш;

республиканиннг иқлим шароитларига мосланган ян-  
ги нав ва дурагайлар яратиш;

қишлоқ хўжалигининг серхосил ва юқори сифатли  
уруғликлар билан таъминлаш;

уруғликларининг сифати устидан давлат назоратини  
амалга ошириш;

уруғчиликка жақон тажрибаси ютуқларини жорий  
этиш.

### **3-модда. Уруғчилик тўғрисидаги қонун ҳужжат- лари**

Уруғчилик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу  
Қонундан ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Қорақалпоғистон Республикасида уруғчилик соҳа-  
сидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикаси-  
нинг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

### **4-модда. Уруғлик етиштириш ва ундан фойдала- ниш ҳуқуқи**

Патент билан муҳофаза қилинадиган навлар ва ду-  
рагайлар уруғлигини етиштириш ҳамда ундан фойда-  
ланиш ҳуқуқига патент эгалари, шунингдек лицензияга  
эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар эгадирлар.

Патент ёки гувоҳнома билан муҳофаза қилинмайдиган навлар ва дурагайлар уруғлиги ҳар қандай юридик ва жисмоний шахслар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ етиштирилиши ва ундан фойдаланилиши мумкин.

Патент эгалари, улар ваколат берган шахслар, шу-  
нингдек улар ўртасидаги шартномалар қонун ҳужжат-  
ларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилади.

## 5-модда. Уруғчилик билан шуғулланувчи шахсларнинг вазифалари

Уруғчилик билан, дурагайлар ва янги навлар яратиш билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахсларнинг вазифаси қуйидагилардан иборат:

бирламчи уруғчиликнинг самарали тизимини ва уруғ етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш;

дурагайлар ва навларга доир муаллиф таърифларини тақдим этиш;

уруғликларни ишлатувчилар билан шартнома тузиш асосида юқори навли ва экинбоп хусусиятли уруғликлар етиштириш;

вақти-вақти билан уруғлар каталогларини тайёрлаш ҳамда босиб чиқариш;

ҳар бир туркумдаги уруғлик нави ва экинбоплик хусусиятлари бўйича тўлиқ ҳисобин олиб бориш.

## 6-модда. Уруғликнинг сифатини аниқлаш

Уруғликнинг генетик (нав) сифати дала ва лабораторияда ўтказиладиган синов натижалари бўйича аниқланади.

Экинбоп уруғликлар етиштириш мақсадида экинган навли қишлоқ хўжалик экинлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги белгилайдиган тартибда апробация қилинади.

## 7-модда. Уруғликларни сертификатлаш

Экин учун ишлатиладиган уруғликлар қовун ҳужжатларида белгиланган тартибда сертификатлавиши лозим.

Уруғликларни сертификатлаш Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузурдаги Қишлоқ хўжалик экинлари уруғининг сифатини сертификатлаш ва назорат қилиш давлат маркази томонида ҳамда унинг жойлардаги бўлиналари томонида амалга оширилади.

Стандарт уруғликларга сертификат, ностандарт уруғликларга эса уларнинг сифати тўғрисида талон берилади.

## 8-модда. Уруғликларни реализация қилиш

Уруғликларнинг нави ва экинбоплик хусусиятлари кўрсатилган сертификат мавжуд бўлган тақдирда уларни реализация қилишга йўл қўйилади.

Кимёвий ёки биологик ишлов берилган уруғлар савдо тўрмоғига фақат ўралган ҳолда етказиб берилади. Ҳар бир ўрамда қайси турда ишлов берилганлиги кўрсатилган ёрлиқ ва хавфсизлик чора-тадбирлари тўғрисидаги йуриқнома бўлиши шарт.

Химоя қилинадиган навлар Давлат реестрига ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экишга тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилмаган навлар ва дурагайларнинг уруғлигини сотиш мумкин эмас.

Муомалага киритилаётган уруғликлар давлат стандартлари талабларига мувофиқ албатта тамғаланади ва идилларга жойланади.

Карантиндаги ва бошқа хавфли ҳашаротлар, ўсимлик касалликлари ёки бегона ўтлар кенг тарқалган давлатлардан келтирилган уруғликларни республика ҳудудида тарқатиш тақиқланади.

## 9-модда. Уруғликларни импорт ва экспорт қилиш

Уруғликларни импорт қилишга қуйидаги шартларда йўл қўйилади, агар:

улар давлат синовидан ўтган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экишга тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрига киритилган навиинг уруғи бўлса;

уларни импорт қилишга ўсимликлар карантини бўйича давлат хизматиинг рухсатномаси мавжуд бўлса;

уларнинг нави ва экинбоплик хусусиятига сертификат мавжуд бўлса;

уларга экспорт қилаётган мамлакат томонидан фитосанитария сертификати берилган бўлса;

улар селекция ва тадқиқот ишларига, кўргазмага қўйишга мўлжалланган бўлса.

Илмий ва нав синаш мақсадларида импорт ва экспорт қилинаётган уруғликлар учун божхона тўлови ундирилмайди, улар квоталанмайди ва лицензияланмайди.

Уруғликларни экспорт қилишга Ўзбекистон Респуб-

ликаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ёки у ваколат берган органнинг хулосаси мавжуд бўлган тақдирдагина йўл қўйилади.

Экспорт қилинадиган уруғликларга Ўзбекистон Республикаси ўсимликлар карантини хизмати томонидан бериладиган фитосанитария сертификати илова қилинади.

#### **10-модда. Реализация қилинадиган уруғликларга кафолатлар**

Уруғликлар етиштириш ва уларни реализация қилиш билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар уруғларнинг нави ва экинбоплик сифатлари тегишли ҳужжатларда кўрсатилгандек бўлишига кафолат берадилар ва қонуни ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Башарти, уруғликлар етиштириш ва уларни реализация қилиш билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган уруғликларнинг сифат кўрсаткичлари йўқлиги ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолатларнинг оқибати эканлигини исботласалар, уруғликни ишлатувчи кўрилган зарарни қоплашни талаб қилиши мумкин эмас.

Сотиб олинган уруғликларга берилган кафолатлар уларнинг сифати тўғрисидаги ҳужжатда кўрсатилган муддат давомида амал қилади.

#### **11-модда. Суғурта уруғлик фонди**

Суғурта уруғлик фонди имкониятлари чекланган минтақаларга, халқаро шартномаларга мувофиқ навли уруғликларни етказиб бериш учун, шунингдек табиий офатлар эҳтимолини назарда тутган ҳолда ва бошқа мақсадларда ташкил этилади.

Суғурта уруғлик фондиди ташкил этиш ва ундан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

#### **12-модда. Уруғчиликни илмий жиҳатдан таъминлаш**

Уруғчилик Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлари ака-

демияси, тегишли тармоқ илмий-тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртлири ва бошқа илмий ташкилотлар томонидан илмий жиҳатдан таъминланиб, улар:

селекция ва уруғчилик бўйича илмий-техника дастурларини;

уруғчилик, уруғшунослик ва навшуносликнинг илмий асосланган тизимини;

янги ва истиқболли навларни жорий этишга доир тавсияларни;

юқори сифатли уруғлик этиштириш самарадорлигини оширишнинг услуб ва усулларини;

уруғчиликда ахборот билан таъминлаш тизимини ишлаб чиқадилар.

### **13-модда. Уруғлик этиштиришнинг давлат томонидан рағбатлантирилиши**

Қонун ҳужжатларида уруғлик этиштиришнинг рағбатлантириш чора-тадбирлари назарда тутилгани мумкин.

### **14-модда. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг уруғчилик соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

уруғчилик соҳасида давлат сиёсатини амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестрини юритади;

қишлоқ хўжалик экинлари уруғликларининг навларини синаш борасидаги ишга раҳбарлик қилади;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари билан бирга қишлоқ хўжалиги экинларининг муайян ҳудудларга мослаштирилган ва истиқболли навларини экиш юзасида тавсиялар ишлаб чиқади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия қилинган қишлоқ хўжалик экинларининг Давлат реестри тўғрисидаги Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.



**15-модда. Уруғликларни сертификатлаш ва уларнинг сифатини назорат қилиш давлат органлари**

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалик экинлари уруғликларини сертификатлаш ва уларнинг сифатини назорат қилиш давлат маркази ҳамда унинг жойлардаги бўлинмалари уруғликларни сертификатлаш ва уларнинг сифатини назорат қилиш бўйича давлат органлари ҳисобланади. Қишлоқ хўжалик экинларининг уруғликларини сертификатлаш ва уларнинг сифатини назорат қилиш давлат органлари бюджет ва (ёки) синов ўтказиш ҳамда сертификатлаш борасидаги ўз хизматларига тўланган маблағлар ҳисобидан пул билан таъминланади.

Қишлоқ хўжалик экинлари уруғликларини сертификатлаш ва уларнинг сифатини назорат қилиш давлат маркази тўғрисидаги Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

**16-модда. Уруғликларни сертификатлаш ва уларнинг сифатини назорат қилиш давлат марказининг ваколатлари**

Уруғликларни сертификатлаш ва уларнинг сифатини назорат қилиш давлат маркази:

барча қишлоқ хўжалик экинларининг уруғликларни сифатини назорат қилишни ташкил этиш бўйича жойлардаги бўлинмаларининг ишига раҳбарлик қилади;

хўжаликлар, корпорациялар, бошқа корхоналар ва муассасаларда уруғликлар ва экиладиган кўчатларнинг нави ҳамда экинбоплик хусусиятларини аниқлайди;

уруғликларнинг сифатини аниқлаш услубларини ишлаб чиқади, такомиллаштиради ва тасдиқлайди;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни бажаради.

**17-модда. Уруғликларни сертификатлаш ва сифатини назорат қилиш давлат инспекторлари**

Қишлоқ хўжалик экинлари уруғликларини сертификатлаш ва уларнинг сифатини назорат қилиш дав-

лат марказининг бошлиғи Қишлоқ хўжалик экинлари уруғликларини сертификатлаш ва уларнинг сифатини назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг Бош давлат инспектори ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалик экинлари уруғликларини сертификатлаш ва уларнинг сифатини назорат қилиш вилоят марказларининг бошлиқлари тегишинча қишлоқ хўжалик экинлари уруғликларини сертификатлаш ва уларнинг сифатини назорат қилиш бўйича вилоят давлат инспекторлари ҳисобланадилар.

Қишлоқ хўжалик экинлари уруғликларини сертификатлаш ва уларнинг сифатини назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош давлат инспектори, Қишлоқ хўжалик экинлари уруғликларини сертификатлаш ва уларнинг сифатини назорат қилиш бўйича давлат марказининг инспекторлари, қишлоқ хўжалик экинлари уруғликларини сертификатлаш ва уларнинг сифатини назорат қилиш бўйича вилоят давлат инспекторлари, туман инспекторлари ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

сифат кўрсаткичлари қанчалик тўғрилигини ва давлат стандартларига мувофиқлигини текшириш мақсадида зарур таҳлиллар ўтказиш учун уруғ намуналарини танлаб олиш;

уруғликнинг ҳимоя қилинадиган навларидан ғайриқонуний фойдаланилишини тақиқлаш;

ҳар қандай уруғлик етиштирувчининг, уруғлик етказиб берувчининг ва уруғлик билан савдо қилувчи ташкилотнинг ҳудудига кириш;

уруғчилик далалари ва уруғлик туркумларига доир зарур ахборот, ҳужжат ва намуналар олиш;

қонун ҳужжатларини бузган ҳолда уруғлик етиштириш, уни сақлаш ва сотиш ҳолларини тўхтатиб қўйиш ёки тақиқлаш;

нав ва экинбоплик хусусиятларига доир сертификат ҳамда фитосанитария сертификати мавжуд бўлмаसा, уруғ туркумларининг ташилишини тақиқлаб қўйиш;

нав ва экинбоплик хусусиятига доир сертификат, фитосанитария сертификати ва импорт карантини руҳсатномаси бўлмаган уруғликларни бошқа давлатлардан республикага олиб келишга йўл қўймаслик.

**18-модда. Уруғчилик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Уруғчилик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

**19-модда. Халқаро шартномалар**

Башарти, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида ушбу Қонунда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланади.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

**«УРУҒЧИЛИК ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА  
КИРИТИШ ҲАҚИДА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ**

1996 йил 29 август

**Қ А Р О Р И**

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1996 йил, 9-сон, 131-модда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қ а р о р**  
**қ и л а д и:**

1. «Уруғчилик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонун матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукуматнинг қарорларини «Уруғчилик тўғрисида»ги Қонунга мувофиқлаштирсин, вазирликлар ва идоралар ўзларининг ушбу Қонунга зид бўлган норматив ҳужжатларини қараб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси**

**Олий Мажлисининг**  
**Раиси**

**Э. ХАЛИЛОВ**

# СЕЛЕКЦИЯ ЮТУҚЛАРИ ТУҒРИСИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ

1996 йил 30 август

## Қ О Н У Н И

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1996 йил, 9-сон, 133-модда)

### І. УМУМИЙ ҚОНДАЛАР

#### І-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилмоқда:

«селекция ютуғи» — ўсимликлар нави, ҳайвонлар зоти;

«нав» — ўсимликлар гуруҳи бўлиб, у наслдан наслга барқарор ўтувчи, муайян генотип ёки генотиплар комбинациясини бошқалардан ажратиб турувчи белгиларга қараб аниқланади ва айни бир ботаник таксондаги бошқа ўсимликлар гуруҳидан бир ёки бир неча белгилари билан фарқланади. Клон, линия, биринчи авлод дурагайи, популяция навнинг муҳофаза қилинадиган объектларидир;

«зот» — генетик жиҳатдан ўзаро боғлиқ биологик ва морфологик хусусиятлари ҳамда белгиларига қараб аниқланадиган ҳайвонлар (шу жумладан паррандалар, ҳашаротлар, ипак қурти) ёки уларнинг дурагайлари гуруҳи бўлиб, бу хусусиятлар ҳамда белгиларнинг айримлари муайян гуруҳагина хос бўлиб, уни ҳайвонларнинг бошқа гуруҳларидан фарқлаб туради. Зот гуруҳи, зот ичидаги тип (зонал тип), завод типи, завод линияси, зот оиласи, партеноклонлар, линиялар, дурагайлар зотнинг муҳофаза қилинадиган объектларидир;

«аризачи» — патент ёки гувоҳнома бериш ҳақида талабнома топширган жисмоний ёхуд юридик шахс;

«патент эгаси» — селекция ютуғининг эгаси бўлиб, унинг мулк ҳуқуқи ҳимоя ҳужжатига (патент ёки гувоҳномага) асосланади;

«патентга эгалик қилувчи» — селекция ютуғининг эгаси бўлиб, унинг мулк ҳуқуқи патентга асосланади;

**«гувоҳномага эгалик қилувчи»** — селекция ютуғининг эгаси бўлиб, унинг мулк ҳуқуқи гувоҳномага асосланади;

**«иш берувчи»** — селекция ютуғини яратиш тўғрисида топшириқ берган ва бу топшириқ бажарилишини пул билан таъминлайдиган жисмоний ёки юридик шахс;

**«лицензиар»** — селекция ютуғига тааллуқли ҳимоя ҳужжатининг эгаси бўлган жисмоний ёки юридик шахс;

**«лицензиат»** — лицензиардан селекция ютуғидан лицензия шартномаси асосида фойдаланиш ҳуқуқини олган жисмоний ёки юридик шахс.

## 2-модда. Селекция ютуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Селекция ютуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва селекция ютуқларини яратиш, ҳимоя қилиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиб турувчи бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Бошқа давлатларнинг юридик шахслари ва фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ушбу Қонунда назарда тутилган ҳуқуқлардан фойдаланади.

Башарти Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида селекция ютуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланади.

## 3-модда. Селекция ютуқларини ҳимоя қилишнинг ташкилий асослари

Ўзбекистон Республикасининг Давлат патент идораси (матнда бундан кейин Патент идораси деб юритилади) селекция ютуқларини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширади.

Патент идораси селекция ютуқларига патентлар ва гувоҳномалар бериш ҳақидаги талабномаларни қабул қилиб олади ҳамда кўриб чиқади, селекция ютуқлари бўйича расмий экспертиза ўтказди. Селекция ютуқлари давлат реестрини юритади (матнда бундан кейин Давлат реестри деб аталади), ҳимоя ҳужжатлари бе-

ради, талабнома материаллари ва Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олиниб, ҳимоя қилинаётган селекция ютуқлари ҳақидаги маълумотларни расмий равишда эълон қилади, ушбу Қонунни қўлланиш ҳақида қонда ва тушунтиришлар чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Қишлоқ хўжалик экиллари навларини синаш давлат комиссияси. Чорвачиликда наслчилик ишлари бош давлат инспекцияси (матнда бундан кейин ихтисослаштирилган ташкилотлар дейилади) селекция ютуқларидан хўжаликда фойдаланиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширадиган, талабномада кўрсатилган селекция ютуқларининг ҳимояга лаёқатлилиги экспертизасини ўтказадиганлар.

## II. ҲУҚУҚ СУБЪЕКТЛАРИ

### 4-модда. Усимлик нави ёки ҳайвон зотининг селекциячиси

Ўзининг ижодий меҳнати билан ўсимлик нави ёки ҳайвон зотини яратган (аниқлаган ёки чиқарган) жисмоний шахс ўсимлик нави ёки ҳайвон зотининг селекциячиси деб ҳисобланади.

Башарти, селекция ютуғини яратишда бир неча жисмоний шахс иштирок этган бўлса, уларнинг ҳаммаси селекциячи деб ҳисобланади. Селекциячиларга тегишли бўлган ҳуқуқлардан фойдаланиш тартиби улар ўртасидаги битимга биноан белгиланади.

Селекциячининг муаллифлик ҳуқуқи бошқага ўтказилмайдиган шахсий ҳуқуқ бўлиб, муддатсиз ҳимоя қилинади.

Селекциячининг муаллифлигини ўзлаштириб олиш, уни ҳаммуаллифликка мажбур қилиш қонунга мувофиқ жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

Селекциячининг муаллифлигига доир низолар суд тартибида ҳал этилади.

Селекциячи ҳимоя ҳужжати бериш ҳақидаги талабномада, ҳимоя ҳужжатида ва селекция ютуғи хусусида эълон қилинадиган барча материалларда ўз номи кўрсатилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Патент идораси патент эгаси бўлмаган ҳар бир селекциячига муаллифлик ҳуқуқини, шунингдек селек-

ция ютуғидан фойдаланганлик учун патент эгасидан мукофот олиш ҳуқуқини тасдиқловчи селекциячи гувоҳномасини беради.

### 5-модда. Хизмат тартибида яратилган селекция ютуғининг эгаси

Башарти селекциячи селекция ютуғини яратишда: ўзи эгаллаб турган лавозимга хос вазифаларни бажарган бўлса;

селекция ютуғини яратиш мақсадида ўз зиммасига махсус юклатилган вазифаларни бажарган бўлса;

иш берувчи ёки топшириқ берган шахс томонидан ўзига берилган моддий воситалар ёки молиявий маблағлардан фойдаланган бўлса;

иш берувчи ташкилот иш жараёнида орттирган, шу ташкилотнинг ўзига хос жиҳатини ташкил этадиган билим ва тажрибадан фойдаланган бўлса, бундай ютуқ хизмат тартибида яратилган деб ҳисобланади.

Башарти селекциячи яратилган селекция ютуғи тўғрисида иш берувчинини хабардор қилган кундан эътиборан тўрт ой ичида иш берувчи Патент идорасига талабнома топширмаса, талабнома топшириш ҳуқуқидан бошқа шахс фойдасига воз кечмаса ва селекция ютуғини сир сақлаш тўғрисида селекциячига маълум қилмаса, селекциячи талабнома топшириш ва ўз номига патент ёки гувоҳнома олиш ҳуқуқига эга бўлади. Бундай ҳолда иш берувчи патент эгасига шартномада белгиланган миқдорда тоvon тўлаб ўз корхонасида селекция ютуғидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади.

Иш берувчи селекция ютуғини сир сақласа, у селекциячига тегишли миқдорда ҳақ тўлаши шарт, ҳақнинг миқдори шартномада белгиланади ва у махсус лицензиянинг бозор нархидан паст бўлмаслиги лозим.

Башарти селекция ютуғи хизмат тартибида яратилган бўлса, ушбу модданинг қондаларини фақат ана шу селекциячига (селекциячиларга), иш берувчига ва топшириқ берган шахсга инебатангина қўллаш мумкин.

Патент эгаси бўлмаган ўсимлик нави ёки ҳайвон зотининг селекциячиси ўсимлик нави ёки ҳайвон зотига доир лицензиядан фойдаланилганлиги ёхуд у сотилганлиги учун ҳақ олиш ҳуқуқига эга, бу ҳақнинг миқдори ва уни тўлаш тартиби патент эгаси ёки унинг



ҳуқуқий вориси билан тузилган шартномада белгилаб қўйилади.

Селекциячига (селекциячиларга) ҳақни патент эгаси ёки унинг ҳуқуқий вориси, башарти селекция ютуғидан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш тартиби ва муддатлари тўғрисидаги шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, патент ёки гувоҳноманинг амал қилиш муддати давомида тўлайди.

Ҳақ селекциячига (селекциячиларга) селекция ютуғидан фойдаланилган ҳисобот даври тугаганидан кейин кўпи билан олти ой ичида тўланади.

### 6-модда. Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк давлат фонди

Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк давлат фонди патент эгасининг давлат мулки жумласига кирадиган ёки давлат шартнома асосида сотиб оладиган селекция ютуқларига оид ҳуқуқлари ва мажбуриятларини амалга оширади.

## III. СЕЛЕКЦИЯ ЮТУҒИНИНГ ҲИМОЯГА ЛАЁҚАТЛИЛИГИ

### 7-модда. Селекция ютуғи ҳимояга лаёқатли бўлишнинг шартлари

Башарти селекция ютуғи янгилик, фарқланиш, ўхшашлик ва барқарорлик мезонларига жавоб берса, у ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилинади.

Ушбу Қонун 12-моддасининг талабларига мувофиқ селекция ютуғининг номи бўлиши лозим.

### 8-модда. Янгилик

Башарти уруғлик, кўчат ёки насл маҳсулотини патент бериш ҳақида талабнома топширилган кундан эътиборан:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида — камида бир йил олдин;

бошқа давлат ҳудудида — камида тўрт йил ёки агар ток, ёғочбоп, манзарали, мевали дарахтлар ва ўрмон ўсимликларига тааллуқли бўлса, камида олти йил олдин селекциячи, унинг ҳуқуқий вориси томонидан

ёки унинг розилиги билан сотилмаган ва фойдаланиш учун бошқа шахсларга берилмаган бўлса, янгилик ҳисобланади.

### 9-модда. Фарқланиш

Селекция ютуғи талабнома топширилган санада бошқа ҳар қандай барчага маълум селекция ютуғидан аниқ-равшан фарқланиши лозим.

Башарти селекция ютуғига бошқа мамлакатда ҳимоя ҳужжати бериш ҳақида талабнома топширилган ва унга мувофиқ патент ёки шунга ўхшаш ҳимоянинг бошқа бир шакли берилган бўлса ёхуд селекция ютуғи шу мамлакатнинг селекция ютуқлари расмий реестриси киритилган бўлса, селекция ютуғи талабнома топширилган санада барчага маълум деб ҳисобланади.

Барчага маълумлик:

кеиничалик кўпайтириш, сақлаш мақсадларида етиштириш, такрор етиштириш, кондицияга етказиш ва юқорида санаб ўтилган мақсадларда асраш натижасида барчага маълум билим даражасининг бир қисмига айланган селекция ютуғига нисбатан;

сотишга таклиф этилган, сотилган, мамлакатга олиб жирилган ёки мамлакатдан олиб чиқиб кетилган селекция ютуғига нисбатан аниқланади.

### 10-модда. Ўхшашлик

Селекция ютуғи кўпайтиришнинг ўзига хос жиҳатлари туфайли юзага келиши мумкин бўлган айрим фарқларни ҳисобга олган ҳолда ўзининг белгилари бўйича етарли даражада ўхшаш бўлиши лозим.

### 11-модда. Барқарорлик

Селекция ютуғи бир неча марта кўпайтирилганидан кейин ёки алоҳида цикл бўйича кўпайтирилган тақдирда кўпайтиришнинг ҳар бир цикли охирида унинг асосий белгилари ўзгаринсиз қолса, у барқарор ҳисобланади.

## 12-модда. Селекция ютуғининг номи

Селекция ютуғининг талабнома топширувчи таклиф этган ва Патент идораси томонидан қабул қилинган номи бўлиши лозим.

Селекция ютуғининг номи селекция ютуғига мос бўлиши, қисқа бўлиши, шу ёхуд шунга яқин ботаник ёки зоологик турдаги мавжуд селекция ютуқларининг номидан фарқланиб туриши керак. Селекция ютуғининг номи фақатгина рақамлардан иборат бўлиб қолмаслиги, селекция ютуғининг хусусиятлари, келиб чиқиши, аҳамияти ҳақида, селекциячининг (селекциячиларнинг) шахси ҳақида янглишишларга сабаб бўлмаслиги, нисонпарварлик ва ахлоқ қондаларига зид бўлмаслиги лозим.

Ўсимлик ва ёки ҳайвон зотининг номи Давлат реестрида қайд этилиши билан бир вақтда унга ҳимоя этиладиган ўсимлик ва ёки ҳайвон зоти тўғрисидаги маълумотлар киритиб қўйилади.

Башарти селекция ютуғини ҳимоя қилиш талабномаси Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатларда топширилса, селекция ютуғининг номи бу талабномаларда бир хил бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ёки Ўзбекистон Республикаси селекция ютуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида шартнома тузган мамлакат ҳудудида навнинг уруғи ёки кўчатини ёхуд зотдор ҳайвонлар гуруҳини сотишни таклиф этаётган ёки сотаётган ҳар қандай шахс ана шу нав ёки ҳайвон зотининг номидан, башарти учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари тўсқинлик қилмайдиган бўлса, ҳатто ана шу нав ёки ҳайвон зотига берилган патентнинг амал қилиш муддати тугаганидан кейин ҳам фойдаланиши шарт.

## IV. ПАТЕНТ ВА ГУВОҲНОМА ОЛИШ

### 13-модда. Селекция ютуғининг патенти ва гувоҳномаси

Селекция ютуғига бўлган ҳуқуқ патент ёки гувоҳнома билан тасдиқланади.

Патент ҳимояга лаёқатлилиқ мезонларига жавоб берадиган ва Ўзбекистон Республикасида ҳимоя қили-

надиган ботаник ва зоологик навлар ҳамда турларга тааллуқли селекция ютуғига берилади.

Патент селекция ютуғининг янгилик эканлигини, фарқланишини, ўхшашлиги ва барқарорлигини, шунингдек патентга эгалик қилувчининг селекция ютуғи номига, унга эгалик қилишга, уни тасарруф этиш ва ундан фойдаланишга бўлган ҳуқуқини тасдиқлайди.

Гувоҳнома ўхшашлик ва барқарорлик мезонларига жавоб берадиган ҳамда Ўзбекистон Республикасида ҳимоя қилинадиган ва ҳимоя қилинмайдиган ботаник ва зоологик турлар ҳамда хилларга тааллуқли селекция ютуғига берилади.

Гувоҳнома гувоҳномага эгалик қилувчининг селекция ютуғининг номига бўлган ҳуқуқини, унга эгалик қилиш, уни тасарруф этиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқлайди.

Патентга эгалик қилувчи ва гувоҳномага эгалик қилувчининг ҳуқуқи селекция ютуғи рўйхатга олинганлиги тўғрисида Патент идорасининг расмий бюллетенида маълумот эълон қилинган кундан эътиборан амалда ҳисобланади.

Патентнинг, гувоҳноманинг амал қилиш муддати селекция ютуғи Давлат реестрида рўйхатга олинган кундан эътиборан йигирма йилни, тоқ, ёғочбоп, манзарали, мевали дарахтлар ва ўрмон ўсимликлари, шу жумладан уларнинг пайвандтаглари учун йигирма беш йилни ташкил этади.

Патент ва гувоҳноманинг амал қилиш муддати патент эгасининг илтимосномасига биноан кўпи билан ўн йилга узайтирилиши мумкин.

#### **14-модда. Патент ёки гувоҳномага бўлган ҳуқуқ**

Патент ёки гувоҳнома олиш ҳуқуқига селекциячи (селекциячилар) ёки унинг ҳуқуқий вориси (ҳуқуқий ворислари) эга бўлади.

Башарти бир неча шахс биргаликда битта селекция ютуғи яратган бўлсалар, патент ёки гувоҳнома олиш ҳуқуқига уларнинг ҳаммаси эга бўлади. Улардан биттасининг ёки бир нечасининг патент ёхуд гувоҳномага бўлган ҳуқуқдан воз кечиши бошқаларнинг патент ёки гувоҳнома олиш тадбирида иштирок этишига дахл қилмайди.

Селекциячининг ўз хизмат вазифаларини, аниқ топшириқни бажариши билан боғлиқ ҳолда ёки иш бе-

рувчи ташкилотнинг ўзига хос жиҳатини ташкил этувчи билим ва тажриба ёрдамида яратган селекция ютуғига бериладиган патент ёки гувоҳномани олиш ҳуқуқига иш берувчи эга бўлади.

Селекция ютуғига бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга бериш селекциячи билан иш берувчи ўртасидаги шартномада расмийлаштирилади.

Селекциячи ёки унинг ҳуқуқий ворисининг патент ёки гувоҳномани бошқа шахсга бериш тўғрисидаги талабномаси ёки аризасида кўрсатилган ҳар қандай шахс, башарти бу ариза Патент идорасига патент ёки гувоҳнома бериш тўғрисида қарор қабул қилинишига қадар тушган бўлса, патент ёки гувоҳнома олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Агар бир неча шахс бир-биридан холи равишда селекция ютуғини яратган бўлса, патент ёки гувоҳнома олиш ҳуқуқига Патент идорасига олдиноқ талабнома топширган ва бу талабномаси чақириб олинмаган ёки рад этилмаган шахс эга бўлади.

Селекция ютуғининг патенти ёки гувоҳномасига бўлган ҳуқуқ, шунингдек уларни олиш ҳуқуқи мерос бўлиб ўтади.

Патент эгаси патент ёки гувоҳнома билан ҳимоя қилинадиган селекция ютуғига доир ҳуқуқдан ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахс фойдасига воз кечиши мумкин.

Селекциячи, башарти ўзи яратган ютуққа бошқалар томонидан тайриқонуний равишда талабнома берилган ёки патент ёхуд гувоҳнома олинган бўлса, ҳимоя ҳужжати берилишига қарши суд тартибида эътироз билдириш ёки ҳимоя ҳужжати патент эгаси сифатида ўзига берилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Патент идорасининг ва ихтисослаштирилган ташкилотларнинг хизматчилари ана шу ташкилотларда ишлаган бутун даврида ҳам, ишдан кетганларидан кейин бир йил давомида ҳам патент ёки гувоҳнома олиш, шунингдек ўзларини селекциячи сифатида кўрсатиш ҳуқуқига эга эмас.

#### **15-модда. Патент ёки гувоҳнома бериш ҳақида талабнома топшириш.**

Патент ёки гувоҳнома бериш ҳақидаги талабнома селекциячи, иш берувчи ёки уларнинг ҳуқуқий ворислари томонидан Патент идорасига топширилади.

Аризачи биринчи талабнома топширилган давлат органи ҳимоя ҳужжати беришини кутиб турмай, бошқа давлатларнинг ваколатли органларига талабнома топшириши мумкин.

Талабнома шахсан Патент идорасида рўйхатга олинган патент вакили ёки ишончли шахс орқали берилиши мумкин. Ўзбекистон Республикасида доимий турар жойига ёки жойлашган ерига эга бўлмаган бошқа давлатларнинг фуқаролари ва юридик шахслари, уларнинг патент вакиллари ёки ишончли шахслари ҳимоя ҳужжатлари олиш ва уларни ўз кучида сақлаш борасидаги ишларни Ўзбекистон Республикасининг патент вакиллари орқали олиб борадилар. Патент вакилининг ваколатлари унга аризачи ёки ишончли шахс берган ишончнома билан тасдиқланади.

### **16-модда. Патент ёки гувоҳнома бериш ҳақида талабнома**

Патент ёки гувоҳнома бериш ҳақидаги талабнома: патент ёки гувоҳнома бериш ҳақидаги селекциячи (селекциячилар) ва кимнинг номига патент ёки гувоҳнома сўралаётган бўлса, ана шу шахс (шахслар), шунингдек уларнинг турар жойи ёки жойлашган ерига доир маълумотлар кўрсатилган аризани;

селекция ютуғининг номи тўғрисидаги таклифни; навнинг, зотнинг тавсифини (техникавий анкетасини);

намуналарнинг фотосуратларини;

аризачи томонидан ўтказилган нав ёки зот синовларига доир ҳужжатларни;

аризачининг селекция ютуғидан фойдаланилмаганлиги ва у сотилмаганлиги ҳамда унинг янгилик талабларига мослигини тасдиқлайдиган декларациясини;

устунликни тасдиқловчи ҳужжатни (заруратга қараб);

аризачининг нав ёки зоти синовдан ўтказиш учун материални белгиланган муддатда ихтисослаштирилган ташкилотга тақдим этиш мажбуриятини;

талабнома ишончли шахс ёки патент вакили орқали топширилганида уларга бериладиган ишончнома-ни;

бож ёки йнғим белгиланган миқдорда тўланганлигини ёхуд бож ёки йнғим тўлашдан озод қилиш, шу-

нингдек унинг миқдорини камайтириш асосларини тасдиқловчи ҳужжатни ўз ичига олади.

Талабнома ўсимликнинг битта навига ёки битта ҳайвон зотига тааллуқли бўлиши лозим.

Ушбу модданинг биринчи қисми талабларига мос келадиган ҳужжатлар Патент идорасига келиб тушган кун талабнома топширилган сана деб белгиланади.

Ушбу модда биринчи қисмининг еттинчи ва саккизинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳужжатлар аризачи томонидан талабнома топширилган кундан эътиборан уч ой ичида тақдим этилади.

Башарти аризачи кўрсатилган муддат ичида ана шу ҳужжатларни тақдим этмаса ёки кўрсатилган муддатни узайтириш тўғрисида илтимоснома топширмаса, талабнома топширилмаган ҳисобланади.

Селекция ютуғига доир ҳимоя ҳужжатини бериш ҳақидаги талабнома ҳужжатларига қўйиладиган талабларни Патент идораси ихтисослаштирилган ташкилотлар билан биргаликда белгилайди.

Ҳимоя ҳужжатлари бериш ҳақидаги талабнома материаллари Патент идорасида махфий сақланиши шарт ва расмий экспертиза ўтказиш даврида аризачи ёки патент эгасининг розилигисиз бу материаллар тўғрисида маълумотлар берилмайди.

### **17-модда. Селекция ютуғининг устунлиги**

Селекция ютуғининг устунлиги ушбу Қонуннинг талабларига мувофиқ расмийлаштирилган талабнома Патент идорасига тушган санага қараб белгиланади.

Башарти селекция ютуғига доир ўхшаш талабномалар айти битта устунлик санасига эга бўлса, ҳимоя ҳужжати Патент идорасига олдинроқ сана билан юборилган талабномага ёки рўйхатга олиш рақами олдинроқ қўйилган талабномага берилади.

Башарти аризачи Патент идорасига талабнома топширишдан олдин Ўзбекистон Республикаси селекция ютуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида шартнома тузган бошқа давлатга талабнома (бундан буён матнда биринчи талабнома деб аталади) топширган бўлса, аризачи талабнома тушган санадан эътиборан ўн икки ой давомида биринчи талабнома бўйича устунлик ҳуқуқига эга бўлади.

Аризачи Патент идорасига жўнатаётган талабнома-

сида биринчи талабноманинг устунлик санасини кўрсатиши лозим. Аризачи талабнома Патент идорасига тушган санадан эътиборан уч ой ичида биринчи талабноманинг нусхасини ва таржимасини тақдим этиши шарт. Бу шартлар бажарилган тақдирда аризачи биринчи талабнома топширилган санадан эътиборан уч йил давомида қўшимча ҳужжатлар ва синов учун зарур материал тақдим этмасликка ҳақли.

Ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатиб ўтилган муддатга роя этмаслик, шунингдек белгиланган божлар ёки йиғимларни тўламаслик талаб этилаётган устуликни эътироф этмасликка сабаб бўлади.

Бошқа (кейинги) талабномани топшириш, биринчи талабноманинг мавзуси бўлган селекция ютуғини эълон қилиш ёки ундан фойдаланиш, башарти бу ишлар ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган муддат ичида амалга оширилган бўлса, кейинги талабномани рад этиш учун асос бўлолмайди. Бундай фактлар учинчи шахсларнинг бироп-бир ҳуқуқлари найдо бўлиши учун ҳам асос бўлолмайди.

#### **18-модда. Селекция ютуқларининг давлат экспертизаси**

Талабномада кўрсатилган селекция ютуғининг давлат экспертизаси расмий экспертизани ва янгилик эканлигини экспертиза қилишдан ҳамда фарқлаш, ўхшашлик ва барқарорликни аниқлаш мақсадида давлат синовидан ўтказишдан иборат ҳимояга лаёқатлик экспертизасини ўз ичига олади.

Патент бериш учун селекция ютуғи ҳимояга лаёқатлилиги жиҳатидан тўлиқ ҳажмда экспертиза қилинади.

Гувоҳнома бериш учун селекция ютуғининг экспертизаси селекция ютуғининг ўхшашлик ва барқарорлигини синов доирасидагина ўтказилади.

#### **19-модда. Талабноманинг расмий экспертизаси**

Патент ёки гувоҳнома бериш ҳақидаги талабноманинг расмий экспертизаси икки ой муддатда ўтказилади. Экспертиза давомида устунлик санаси белгиланади, зарур ҳужжатларнинг қўйиладиган талабларга қанчалик мослиги текширилади.



Расмий экспертиза ўтказилаётган даврда аризачи ўз ташаббуси билан талабнома материалларини тўлдиришга, уларга аниқлик ёки тузатишлар киритишга ҳақлидир.

Башарти белгиланган муддатда зарур аниқликлар киритилмаган ёки талабнома тушган санада унинг таркибида бўлмаган ҳужжатлар тақдим этилмаган тақдирда, талабнома кўриб чиқиш учун қабул қилинмайди.

Расмий экспертизанинг натижалари тўғрисида аризачи ёзма равишда хабардор қилинади.

Аризачи расмий экспертизанинг хулосасига рози бўлмаса, хулосани олган санадан эътиборан уч ой давомида Патент идорасининг Апелляция кенгашига (матнда бундан буён Апелляция кенгаши деб юритилади) мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Расмий экспертизадан ўтган талабномани Патент идораси ҳимояга лаёқатлилигини экспертизадан ўтказиш учун тегишли ихтисослаштирилган ташкилотга жўнатади.

## 20-модда. Селекция ютуғининг муваққат ҳуқуқий ҳимояси

Ҳимоялаш талаб қилинган селекция ютуғига муваққат ҳуқуқий ҳимоя талабнома тўғрисидаги маълумот эълон қилинган санадан эътиборан селекция ютуғи Давлат реестрида рўйхатга олинган санага қадар белгиланади.

Селекция ютуғига муваққат ҳуқуқий ҳимоя белгиланган даврда аризачи ушбу Қонуннинг 31-моддасига мувофиқ патент эгасининг ҳуқуқига эга бўлади.

Башарти патент ёки гувоҳнома беришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиниб, бу қарор устидан шикоят қилиш имкониятлари тугаган бўлса, муваққат ҳуқуқий ҳимоя бошланмаган деб ҳисобланади.

Ҳимоялаш талаб қилинган селекция ютуқларидан уларга муваққат ҳуқуқий ҳимоя белгиланган даврда фойдаланаётган шахс патент эгасининг талабига биноан унга патент ёки гувоҳнома олинганидан кейин пултовони тўлаши шарт, бу товоннинг миқдори патент эгаси билан тузилган битимда белгилаб қўйилади.

## 21-модда. Селекция ютуғи янгилик эканлигининг экспертизаси

Селекция ютуғи янгилик эканлигининг экспертизасини ихтисослаштирилган ташкилот мавжуд ҳужжатлар ва далил-исботлар, шу жумладан ўз ташаббуси билан олган ахборотлар асосида амалга оширади ва Патент идорасига талабномада кўрсатилган селекция ютуғининг янгилик мезонига мувофиқ эканлиги тўғрисидаги хулосани тақдим этади. Патент идораси қабул қилган қарори тўғрисида аризачини хабардор этади.

Башарти талабномада кўрсатилган селекция ютуғи янгилик мезонига мос бўлмаса, Патент идораси патент беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Талабнома тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинган санадан эътиборан олти ой ичида ҳар қандай манфаатдор шахс талабномада кўрсатилган селекция ютуғининг янгилик эканлигига нисбатан ўз даъвосини Патент идорасига жўнатиши мумкин.

Патент идораси даъво олинганлигини аризачига маълум қилади. Аризачи даъвога рози бўлмаса, билдиришнома олган кундан эътиборан уч ойлик муддат ичида Патент идорасига далил-исботлар баён этилган эътирозини жўнатиш ҳуқуқига эга.

Аризачи уч ойлик муддат ичида Патент идорасининг патент беришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан Апелляция кенгашига шикоят билан мурожаат этиши мумкин. Апелляция кенгаши Патент идорасининг ваколатлари доирасида қабул қилган қарор узил-кесил ҳисобланади.

## 22-модда. Селекция ютуғининг давлат синови

Талабномада кўрсатилган селекция ютуғининг давлат синови фарқланиш, ўхшашлик ва барқарорлик мезонларига мослигини синашдан иборатдир.

Давлат синовлари ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан белгиланган услуб ва муддатларда ўтказилади.

Аризачи синов ўтказиш учун керакли миқдордаги уруғлик, кўчат ёки насл маҳсулотларини ихтисослаштирилган ташкилот томонидан белгиланган манзилга кўрсатилган муддатда тақдим этиши шарт.

Ихтисослаштирилган ташкилот аризачи, Ўзбекистон Республикасининг ташкилотлари, шунингдек бошқа давлатларнинг ваколатли органлари томонидан тақдим этилган синов натижаларидан фойдаланишга ҳақлидир.

Ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан белгиладиган селекция ютуқларининг айрим турлари ва хиллари бўйича гувоҳнома бериш ҳақида талабнома топширилганида ўсимлик навларини, ҳайвон зотларини Давлат реестрида рўйхатга олиш экспертиза баҳолари ёки аризачининг маълумотлари асосида амалга оширилади.

Ихтисослаштирилган ташкилот синов натижаларига қараб селекция ютуғининг ҳимояга лаёқатлилиқ мезонига мослиги тўғрисида ҳулоса чиқаради.

Башарти селекция ютуғи ҳимояга лаёқатлилиқ мезонларига мос бўлса, унинг номи белгиланган талабларга мос келса, ихтисослаштирилган ташкилот селекция ютуғининг расмий тавсифини тайёрлайди, Патент идораси эса, патент ёки гувоҳнома бериш тўғрисида қарор қабул қилади.

Башарти селекция ютуғи ҳимояга лаёқатлилиқ мезонларига мос бўлмаса, Патент идораси патент ёки гувоҳнома беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Аризачи уч ойлик муддат ичида. Патент идорасининг қарори устидан шикоят билан Апелляция кенгашига мурожаат қилиши мумкин. Апелляция кенгаши Патент идорасининг ваколатлари доирасида қабул қилган қарор узил-кесил ҳисобланади.

### **23-модда. Талабномаларни алмаштириш**

Аризачи селекция ютуғи Давлат реестрида рўйхатга олингунига қадар гувоҳнома бериш ҳақидаги талабномани патент бериш ҳақидаги талабнома билан, патент бериш ҳақидаги талабномани эса, гувоҳнома бериш ҳақидаги талабнома билан алмаштиришга ҳақлидир.

Талабномаларни алмаштириш вақтида тегишли боғлар ва йиғимлар тўланади.

### **24-модда. Талабномани чақириб олиш**

Селекция ютуғига патент ёки гувоҳнома бериш ҳақидаги талабнома аризачининг ёзма илтимосномасига

биноан патент ёки гувоҳнома бериш тўғрисида ёки беришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинганга қадар чақириб олиниши мумкин.

Аризачилар бир неча бўлса, талабнома улардан ҳар бирининг розилиги билангина чақириб олиниши мумкин.

#### **25-модда. Талабномани қараб чиқиш муддатини узайтириш**

Аризачининг илтимосномасига биноан талабномани қараб чиқиш муддати ушбу Қонун 19 ва 21-моддаларига мувофиқ уч ойга узайтирилиши мумкин, фақат бундай узайтириш кўпи билан икки марта амалга оширилади.

Муддатларни узайтириш тўғрисида илтимоснома топширганлик учун аризачи бож ёки йиғим тўлайди.

#### **26-модда. Селекция ютуғини рўйхатга олиш**

Патент идораси патент ёки гувоҳнома бериш тўғрисида қарор қабул қилганидан кейин селекция ютуғини Ўзбекистон Республикаси Селекция ютуқлари давлат реестрида рўйхатга олади.

#### **27-модда. Селекция ютуқларига доир маълумотларни расман эълон қилиш**

Қараб чиқиш учун қабул қилинган талабномаларга, рўйхатга олинган селекция ютуқларига, Патент идорасининг юридик аҳамиятга молик амалларига доир маълумотлар, берилган патентлар ёки гувоҳномаларга доир янги навлар ва ҳайвон зотларининг тўлиқ тавсифлари, шунингдек селекция ютуқларига алоқадор бўлган бошқа маълумотлар Патент идорасининг бюллетенида эълон қилинади.

#### **28-модда. Патент ёки гувоҳнома бериш**

Патентни ёки гувоҳномани Ўзбекистон Республикаси номидан Патент идораси беради.

Селекция ютуғи рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги маълумот эълон қилинган санадан эътиборан олти ой ичида ҳар қандай шахс патент ёки гувоҳнома бериш тўғрисидаги қарорга эътироз билдиришга ҳақлидир.

Эътирозини Апелляция кенгаши тегишли ихтисослаштирилган ташкилотнинг вакиллари иштирокида эътироз билдирилган санадан эътиборан олти ой ичида кўриб чиқади.

Башарти патент ёки гувоҳнома беришга эътирозлар билдирилмаган ёки бундай эътирозлар рад этилган бўлса, Патент идораси селекция ютуғи рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги маълумот эълон қилинган санадан эътиборан олти ой ичида патент ёки гувоҳнома беради.

Башарти бир неча шахс номига патент ёки гувоҳнома сўралаётган бўлса, уларга битта ҳимоя ҳужжати берилади.

Ҳимоя ҳужжатларининг шакли ва уларда кўрсатиладиган маълумотлар таркиби Патент идораси томонидан белгиланади.

Берилган ҳимоя ҳужжатидаги очиқ-равшан кўриниб турган ва техник хатолар патент эгасининг талабига биноан Патент идораси томонидан тузатилади.

Патент эгаси патент ёки гувоҳнома олганидан кейин ҳимоя қилинаётган наъ ёки зотга тааллуқли зарур материални сақлаш учун жўнатади.

### 29-модда. Селекция ютуғини сақлаб қолиш

Патент эгаси навни, зотни патент ёки гувоҳноманинг амал қилиш муддати давомида шундай сақлаш шартки, нав, зот тегишли Давлат реестрида рўйхатга олинган санада тузилган уларга доир расмий тавсифда кўрсатилган белгилар сақлашиб қолиши.

Патент эгаси ихтисослаштирилган ташкилотлар ва (ёки) Патент идорасининг сўровига биноан назорат синовларини ўтказиш учун нав уруғларини ёки насл материални жўнатиши ва жойда текширув ўтказиш учун имконият яратиб бериши шарт.

### 30-модда. Божлар ва йиғимлар

Селекция ютуғига патент ёки гувоҳнома бериш ҳақида талабнома топшириш, талабномада кўрсатилган селекция ютуғини экспертиза ва синовдан ўтказиш, патент ёки гувоҳнома бериш, уни ўз кучида сақлаб қолиш, шунингдек селекция ютуғининг экспертизаси ва ҳимояси билан боғлиқ юридик аҳамиятга молик амал-

ларни бажариш учун божлар ёки йиғимлар ундирилади.

Бажарилганлиги учун божлар ва йиғимлар ундириладиган ҳаракатлар рўйхати, божлар ва йиғимларнинг миқдори ҳамда уларни тўлаш муддати, шунингдек тўловдан озод қилиш, тўлов миқдорларини камайтириш ёки божлар ёхуд йиғимларни қайтариб бериш учун асослар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб қўйилади.

Божлар ва йиғимлар аризачи, патент эгаси ёки у билан келишган ҳолда бошқа манфаатдор жисмоний ёки юридик шахс томонидан тўланади.

Патентни, гувоҳномани ўз кучида сақлаганлик учун божлар, йиғимлар тўлашда патент эгасига олти ойлик имтиёзли муддат берилади. Бундай ҳолда патент эгаси қўшимча бож, йиғим тўлайди.

Имтиёзли муддат давомида патент эгасининг ҳуқуқлари ўз кучида қолади. Башарти патентни, гувоҳномани ўз кучида сақлаб қолганлик учун бож, йиғим, шунингдек қўшимча бож, йиғим имтиёзли муддат давомида тўланмаса, патентнинг, гувоҳноманинг амал қилиши белгиланган муддатда бож, йиғим тўланмаган кундан эътиборан тўхтатилади.

## V. ПАТЕНТ ЭГАСИНИНГ ҲУҚУҚИ

### 31-модда. Патент эгасининг мутлақ ҳуқуқи

Патент эгасининг мутлақ ҳуқуқи шундан иборатки, ҳар қандай шахс ҳимоя қилинаётган селекция ютуғининг уруғлик, кўчат ёки насл материални:

етиштириш ва такрор етиштириш (кўпайтириш);

экинбошлик кондициясига етказиш;

сотиш учун таклиф қилиш;

сотиш ва бошқа усулда реализация қилиш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш;

юқорида санаб ўтилган мақсадларда сақлаш учун патент ёки гувоҳнома эгасининг рухсатини олиши шарт.

Патент эгаси бундай рухсатни ўз хоҳишига кўра бирон-бир шарт ва (ёки) шекловлар билан беришга ҳақли.

Патент эгасининг ҳуқуқи унинг рухсатисиз хўжалик оборотиға киритилган уруғлик ёки зотли ҳайвонлардан етиштирилган ўсимлик материалиға ва чорва маҳсулотларига нисбатан ҳам амал қилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳаракатларни:

ҳимоя қилинаётган нав, зот белгиларини жиддий равишда ўзида сақлаб қолган, башарти ана шу ҳимоя қилинаётган нав ёки зот бошқа нав ёки зотнинг белгиларини жиддий равишда ўзида сақлаб қолган бўлмаса;

ушбу Қонуннинг 11-моддасига мувофиқ ҳимоя қилинаётган нав ёки зотдан аниқ-равшан фарқ қилмайдиган;

ҳимоя қилинаётган нав ёки зотдан бир неча марта фойдаланишни талаб қилган навнинг уруғлик, кўчат материалиға ёки зотнинг насл материалиға нисбатан амалға ошириш учун ҳам патент эгасининг рухсатини олиш зарурдир.

Нав ёки зот, бошқа (дастлабки) нав ёки зотнинг белгиларини жиддий равишда ўзида сақлаб қолган деб эътироф этилади, башарти дастлабки нав ёки зот:

дастлабки нав ёки зотнинг энг муҳим белгиларини ўзида сақлаб қолган бўлса ва бу нав ва зот ҳам ўз навбатида ўзидан олдинги дастлабки нав ёки зот генотиши ёхуд генотиплар комбинациясини акс эттирадиган асосий белгиларни сақлаган ҳолда уларнинг энг муҳим белгиларини ўзида сақлаб қолган бўлса;

табiiй ёки ҳосил қилинган мутантни саралаб олиш, дастлабки нав, зот ўсимликлари ёки ҳайвонларидан айрим мутантни саралаб олиш, беккросс, нав ёки зотни ген инженерияси усуллари билан ўзгартириш каби турли услубларни қўллаш туфайли юз берган фарқларни истисно этганда, дастлабки нав ёки зотдан аниқ-равшан ажралиб турса ва олдинги нав ёки зотнинг генотиши ёхуд генотиплар комбинациясига мос келса.

Бир неча селекциячига тегишли патент ёки гувоҳнома билан ҳимоя қилинган селекция ютуғидан фойдаланиш чоғидаги ўзаро муносабатлар ана шу селекциячилар ўртасидаги битимға мувофиқ белгиланади. Бундай битим бўлмаса, ҳар бир патент эгаси ҳимоя қилинаётган селекция ютуғидан ўз хоҳиши бўйича фойдаланиши мумкин, бироқ ҳимоя қилинаётган селек-

ция ютуғига бошқа патент эгаларининг розилигисиз махсус лицензия беришга ёки патентдан ёхуд гувоҳномага бўлган ҳуқуқдан бошқа шахснинг фойдасига воз кечишга ҳақли эмас.

Патент эгалари ўртасидаги низолар суд тартибида ҳал этилади.

### **32-модда. Патент эгасининг ҳуқуқларидан истиснолар**

Ҳимоя қилинаётган селекция ютуғидан: шахсий ва нотижорат мақсадларида фойдаланиш; синов-тажриба мақсадларида фойдаланиш; бошқа навлар ёки зотлар яратиш учун дастлабки нав ёки зот сифатида фойдаланиш;

корхона, хўжалик патент эгасидан олган навли уруғлик ва насл материалдан икки йил давомида такрор етиштириш учун ана шу корхона, хўжалик ҳудудида фойдаланиш патент эгасининг ҳуқуқларини бузиш деб эътироф этилмайди.

### **33-модда. Патент эгаси ҳуқуқларининг тугаши**

Ҳимоя қилинаётган нав ёки зотга доир ҳар қандай материал Ўзбекистон Республикаси ҳудудида патент эгасининг ўзи томонидан ёки унинг розилиги билан сотиш орқали ёхуд бошқа усулда реализация қилиш орқали ёнги қайта ишлаш ва истеъмол мақсадларида тегишли ботаник ёки зоологик турдаги нав ёки зот ҳимоя қилинмайдиган мамлакатга олиб чиқиш орқали оборотга киритилганидан кейин ҳимоя қилинаётган нав ёки зотнинг ҳар қандай маҳсулотига доир хатти-ҳаракатларга нисбатан патент эгасининг ҳуқуқи амал қилмайди.

Башарти навни ёки зотни сотиш ва бошқа усулда реализация қилиш ушбу нав ёки зотни кейинчалик кўпайтиришга қаратилган бўлса ёхуд тегишли тур ёки хилдаги нав ёхуд зот ҳимоя қилинмайдиган мамлакатларга кўпайтириш мақсадида нав ёки зотнинг ўсимлик ёхуд насл маҳсулотини олиб чиқиб кетиш билан боғлиқ бўлса, ушбу модда биринчи қисмининг шартлари бу нав ёки зотларга нисбатан татбиқ этилмайди.



#### 34-модда. Патент эгаси ҳуқуқининг бузилиши

Рухсат олмаган ҳолда:

селекция ютуғини етиштириш ва такрор етиштириш (қўпайтириш);

селекция ютуғини экинбошлик кондидиясига етказиш;

ҳимоя қилинаётган селекция ютуғидан фойдаланган ҳолда яратилган маҳсулни сотишга таклиф қилиш, сотиш ва бошқача тарзда хўжалик оборотига киритиш;

сақлаш, олиб кириш, олиб чиқиш;

маълумотлар Апелляция кенгашига ёки аризачи ёхуд патент эгасининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган расмий чораларни амалга ошираётган шахсга ошкор этилишини истисно қилган ҳолда, селекция ютуғига оид тижорат сирин ҳисобланган маълумотларни ошкор қилиш патент эгаси ҳуқуқларининг бузилиши деб эътироф этилади.

#### VI. ПАТЕНТ ВА ГУВОҲНОМА АМАЛ ҚИЛИШИНING ТУХТАШИ

#### 35-модда. Патент ёки гувоҳномани ҳақиқий эмас деб эътироф этиш

Патент ёки гувоҳнома ўзининг бутун амал қилиш муддати давомида, башарти:

селекция ютуғи патент бериш санасида янгилик ёки фарқлиниш мезонларига мос келмаса;

патент ёки гувоҳнома аризачи тақдим этган селекция ютуғининг ўхшашлик ва барқарорлик мезонларига мослиги тўғрисидаги тасдиқланмаган маълумотларга асосан берилган бўлса, патент ёки гувоҳномага нисбатан эътироз билдирилиши ва улар ҳақиқий эмас деб эътироф этилиши мумкин.

Ҳар қандай шахс Апелляция кенгашига патент ёки гувоҳномани ушбу модданинг бириччи қисмида назарда тутилган асослар бўйича ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги апелляция билан мурожаат қилиши мумкин.

Апелляция кенгаши апелляция нусхасини патент эгасига жўнатади, патент эгаси уч ойлик муддат ичида асосли жавоб қайтариши лозим.

Апелляция кенгаши, башарти селекция ютуғини қўшимча равишда синовдан ўтказиш зарурати юзага келмаса, апелляция бўйича олти ой ичида қарор қабул қилади.

### 36-модда. Патент ёки гувоҳноманинг амал қилишини муддатидан олдин тўхтатиш

Патент ёки гувоҳноманинг амал қилиши:

патент ёки гувоҳномани ўз кучида сақлаб келганлик учун божлар ёки йиғимлар белгилашган муддатда тўланмаса;

ҳуқуқ эгаси Патент идорасига патент ёки гувоҳномадан воз кечиш тўғрисида илтимоснома топширса, муддатидан олдин тўхтатилади.

Патент ёки гувоҳноманинг амал қилиши муддатида олдин тўхтатилганлиги тўғрисидаги маълумот Патент идорасининг бюллетенида эълон қилинади.

### 37-модда. Патент ёки гувоҳномани бекор қилиш

Патент ёки гувоҳнома, башарти:

патент ёки гувоҳнома ҳақиқий эмас деб топилса;

селекция ютуғи бундан буён ўхшашлик ва барқарорлик шартларига мувофиқ келмай қолса;

патент эгаси Патент идорасининг илтимосига биноан ўн икки ой ичида уруғликларни, кўчатларни, насл материалларни, ҳужжатлар ва ахборотни селекция ютуғи ўз кучини сақлаб қолганлигини текшириш учун тақдим этмаган ёки шу мақсадларда ўз жойида селекция ютуғини текшириб кўриш учун имконият яратиб бермаган бўлса;

селекция ютуғининг номи бекор қилинаётган, патент эгаси эса бошқа муносиб номи таклиф этмаган бўлса, бекор қилинади.

Патент ёки гувоҳноманинг бекор қилинганлиги тўғрисидаги маълумотлар Патент идорасининг бюллетенида эълон қилинади.

### 38-модда. Патент ёки гувоҳномадан воз кечиш

Патент эгаси ёзма ариза бериб, патент ёки гувоҳномадан воз кечиш ҳуқуқига эга.

Бир неча патент эгаларидан бирининг патент ёки гувоҳномадан воз кечиши патент ёки гувоҳноманинг амал қилиши тўхтатилишига олиб келмайди.

Патент ёки гувоҳномадан воз кечиш Патент идораси патент эгасидан ёзма ариза олган санадан эътиборан амал қила бошлайди.

Патент эгаси патент ёки гувоҳномадан воз кечиш нияти тўғрисида селекциячини хабардор қилиши шарт. Бундай ҳолда селекциячи патент ёки гувоҳномага эгаллик қилиш учун имтиёзли ҳуқуққа эга бўлади.

Башарти патент ёки гувоҳнома лицензия шартномасининг объекти бўлса, патент ёки гувоҳномадан, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, лицензия эгасининг розилиги билангина воз кечиш мумкин бўлади.

## VII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОНДАЛАР

### 39-модда. Селекция ютуғига бўлган ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш

Патент ёки гувоҳнома олиш ҳуқуқи, патент ёки гувоҳнома бериш ҳақидаги талабнома Патент идорасида рўйхатга олинганлиги туфайли келиб чиқадиган ҳуқуқлар, шунингдек патент ёки гувоҳномадан келиб чиқадиган ҳуқуқлар ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахсга ўтказишнинг мумкин.

Ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш ҳуқуқлардан бошқа шахс фойдасига воз кечиш шартномаси ёки лицензия шартномаси асосида, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос ёки васиятнома орқали амалга оширилиши мумкин.

Селекция ютуғига эгаллик қилиш ҳуқуқларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартнома, шунингдек лицензия шартномаси Патент идорасида рўйхатга олинди.

### 40-модда. Селекция ютуғидан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга бериш

Патент ёки гувоҳнома бериш ҳақидаги талабномада ёхуд берилган патент ёки гувоҳномада кўрсатилган нав ёки зот лицензия шартномасининг мавзуси бўлиши мумкин.

Патент эгаси бўлмаган ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахс патент ёки гувоҳнома билан ҳимоя қи-

линган селекция ютуғидан патент эгасининг рухсати билангина лицензия шартномаси асосида фойдаланишга ҳақлидир.

Патент эгаси Патент идорасига селекция ютуғидан фойдаланиш ҳуқуқини ҳар қандай шахсга бериш тўғрисида ариза топшириши мумкин (очиқ лицензия). Бу ҳолда патент ёки гувоҳномаи ўз кучида сақлаганлик учун ундириладиган бож ёки йиғим эллик фоизга камайтирилади.

Патент эгасининг очиқ лицензияга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга бериш тўғрисидаги аризаси чақириб олинмайди.

Очиқ лицензияни сотиб олиш истагини билдирган шахс патент эгаси билан тўловлар тўғрисида шартнома тузиши шарт. Шартнома тузиш шартларига доир низолар суд томонидан қараб чиқилади.

Патент эгаси махсус лицензия ёки махсус бўлмаган (оддий) лицензия берган ҳолда селекция ютуғидан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиши мумкин.

Махсус лицензия берилганида лицензиат селекция ютуғидан шартномада айтиб ўтилган доирада фойдаланиш учун мутлақ ҳуқуқ олади, селекция ютуғидан фойдаланиш ҳуқуқининг лицензиатга берилмайдиган қисми лицензиарда сақланиб қолади.

Махсус бўлмаган лицензия берилганида лицензиар селекция ютуғидан фойдаланиш ҳуқуқини лицензиатга бериб, селекция ютуғига берилган патент ёки гувоҳномадан келиб чиқадиган барча ҳуқуқларни, шу жумладан учинчи шахсларга лицензия бериш ҳуқуқини ҳам ўзида сақлаб қолади.

Патент идораси рўйхатга олинган лицензия шартномалари тўғрисидаги маълумотларни эълон қилади.

#### 41-модда. Мажбурий лицензия

Башарти патент эгаси патент ёки гувоҳнома берилган санадан эътиборан уч йил давомида селекция ютуғидан Ўзбекистон Республикасида фойдаланмасе ҳамда лицензия шартномаси тузишни рад этсе ва агар мазкур селекция ютуғидан фойдаланмаслик жамият манфаатларига даҳл қилса, бу селекция ютуғидан фойдаланишни истайдиган шахс ўзига махсус бўлма-

ган мажбурий лицензияни беришни сўраб ариза билан судга мурожаат қилиши мумкин.

Мажбурий лицензия унинг эгасига патент эгасидан дастлабки уруғлик, кўчат ёки насл материални олиш ҳуқуқини беради.

Мажбурий лицензия селекция ютуғидан йўл қўйиладиган услубда ва лицензияга мувофиқ фойдаланилишини таъминлай оладиган шахсгагина берилади.

Мажбурий лицензия патент эгасининг ҳимоя қилинаётган селекция ютуғидан фойдаланишига ёки селекция ютуғидан фойдаланиш лицензиясини бошқа шахсга беришига тўсқинлик қилмайди.

Патент идораси мажбурий лицензиялар берилганлиги тўғрисидаги маълумотларни эълон қилади.

#### 42-модда. Селекция ютуғидан фойдаланиш

Башарти етиштирилган, такрор етиштирилган, экин-бонлик кондициясига ёки кейинчалик кўпайтириш даражасига етказилган уруғлик, кўчат ёки насл материали ўзининг морфологик, физиологик ва бошқа белгилари бўйича ҳимоя қилинаётган селекция ютуғининг расмий тавсифида ақс эттирилган маълумотларга мос келса, селекция ютуғидан фойдаланилган деб ҳисобланади.

#### 43-модда. Селекция ютуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Селекция ютуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишда айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти

И. КАРИМОВ.

**«СЕЛЕКЦИЯ ЮТУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ  
АМАЛГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ**

1996 йил 30 август

**Қ А Р О Р И**

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1996 йил, 9-сон, 134-модда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор  
қ и л д и:

1. «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонун матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукуматнинг қарорларини «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқлаштирсин, вазирликлар ва идоралар ўзларининг ушбу Қонунга зид бўлган норматив ҳужжатларини кўриб чиқишлари ҳамда бекор қилишларини таъминласин.

3. Собиқ СССРда селекция ютуқларига берилган ҳимоя ҳужжатларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилиши эътироф этилсин. Ана шу ҳимоя ҳужжатлари билан муҳофаза қилинган селекция ютуқларидан қонунга мувофиқ фойдаланаётган жисмоний ва юридик шахслар селекция ютуқларидан лицензия шартномаси тузмаган ҳолда бундан буён ҳам фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қоладилар. Ана шу селекция ютуқларининг муаллифларига ҳақ тўлаш ҳимоя ҳужжати берилган санада қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда амалга оширилади.

4. Аризачиларга селекция ютуқларининг муаллифлари билан биргаликда талабнома топширилган кундан эътиборан йигирма йиллик муддат ўтмаган ҳимоя ҳужжатларининг амал қилишини тўхтатиш ва уларни Ўзбекистон Республикасининг ҳимоя ҳужжатлари билан алмаштириш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат қилиш ҳуқуқи берилсин.

5. Селекция ютуғи юзасидан ариза берувчиларга

собик СССРда ёки бошқа давлатда топширилиб, иш юритиш тугалланмаган биринчи талабнома санасининг устуңлигини сақлаган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг ҳимоя ҳужжатларини бериш тўғрисида илтимоснома билан муурожаат қилиш ҳуқуқи берилсин.

6. Белгилаб қўйилсинки, алмаштириш тўғрисида илтимоснома топширилган ҳимоя ҳужжатлари билан муҳофаза қилинган селекция ютуқларидан қонунга мувофиқ фойдаланаётган шахслар бу ютуқлардан лицензия шартномаси тузмаган ҳолда ҳимоя ҳужжатини алмаштириш тўғрисида илтимоснома топширилган санада эришилган ишлаб чиқариш ҳажми доирасида бундан буён ҳам фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қоладилар.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий Мажлисининг Раиси**

**Э. ХАЛИЛОВ**

**МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ВА ТУРДОШ  
ҲУҚУҚЛАР ТУҒРИСИДА  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ**

1996 йил 30 август

**Қ О Н У Н И**

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1996 йил, 9-сон, 135-модда)

**1. УМУМИЙ ҚОНДАЛАР**

**1-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланади:

«муаллиф» — ижодий меҳнати билан асар яратган жисмоний шахс;

«ёзув» — овозлар ва (ёки) тасвирларнинг уларни техникавий воситалар ёрдамида қайта-қайта идрок этиш, такрорлаш ёки узатиш имконини берадиган бирон-бир моддий шаклдаги мужассама;

«ижрочи» — актёр, қўшиқчи, мусиқачи, раққос ёки роль ўйнайдиган, ўқийдиган, ифодали ўқийдиган, мусиқа асбобини чаладиган ёхуд адабиёт ёки санъат асарини (шу жумладан эстрада, цирк ёки қўғирчоқли номерни) бошқа бир тарзда ижро этадиган шахс, шунингдек спектаклнинг саҳналаштирувчи режиссёри ва дирижёр;

«эълон қилиш (ошкор қилиш, чоп этиш)» — омманинг оқилона талаб-эҳтиёжларини қондириш учун ҳамда асарнинг, фонограмманинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда асар, фонограмма нусхаларини муомалага етарли миқдорда чиқариш;

«манзарали-амалий санъат асарлари» — амалда фойдаланиладиган буюмларга кўчирилган икки ўлчовли ёки уч ўлчовли санъат асари, шу жумладан бадиий ҳунармандчилик асари ёки саноат йўли билан тайёрланадиган асар;

«фонограмма» — бирон-бир ижро ёки бошқа овозларнинг ҳар қандай мутлақо овозли ёзуви;

«асар нусхаси» — асарнинг ҳар қандай моддий шаклда тайёрланган кўчирмаси;

«фонограмма нусхаси» — фонограммадан бевосита



ёки билвосита тайёрланган ва шу фонограммага жо бўлган овозларнинг ҳаммасини ёки бир қисмини қамраб олган ҳар қандай моддий жисмдаги фонограмма кўчирмаси.

## 2-модда. Ўзбекистон Республикасининг муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Ўзбекистон Республикасининг муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари фан, адабиёт ва санъат асарларини (муаллифлик ҳуқуқи), саҳна асарларини, ижроларни, фонограммаларни, эфир ва кабель орқали кўрсатув ҳамда эшиттиришлар берувчи ташкилотларнинг кўрсатув ва эшиттиришларини яратиш ҳамда улардан фойдаланиш натижасида келиб чиқадиган интеллектуал мулк соҳасидаги муносабатларни тартибга солади.

## 3-модда. Халқаро шартномалар

Башарти Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларидагидан бошқача қондалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қондалари қўлланади.

## II. МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ

### 4-модда. Муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиши соҳаси

Муаллифлик ҳуқуқи:

муаллифларнинг ва уларнинг ҳуқуқий ворисларининг фуқаролигидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эълон қилинган ёки бирон-бир объектив шаклда бўлган асарларга татбиқ қилинади;

Ўзбекистон Республикаси сарҳадларидан ташқарида эълон қилинган ёки бирон-бир объектив шаклда бўлган асарларга татбиқ қилинади ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган муаллифларга (уларнинг ҳуқуқий ворисларига) тегишли деб тан олинади.

Ўзбекистон Республикаси сарҳадларидан ташқарида

эълон қилинган ёки бирон-бир объектив шаклда бўлган асарларга татбиқ қилинади ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ бошқа давлатларнинг фуқароси бўлган муаллифларга (уларнинг ҳуқуқий ворисларига) тегишли деб тан олинади.

Башарти, асар Ўзбекистон Республикаси сарҳадларидан ташқарида биринчи марта эълон қилинган санадан сўнг ўттиз кун ичида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эълон қилинган бўлса, Ўзбекистон Республикасида эълон қилинган деб ҳисобланади.

Асар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ қўриқланиши лозим бўлса, унинг муаллифи ҳудудида муаллифлик ҳуқуқини олиш учун асос бўлиб хизмат қилган юридик факт содир бўлган давлатнинг қонуни билан аниқланади.

#### **5-модда. Муаллифлик ҳуқуқи билан қўриқланидиган асарлар (муаллифлик ҳуқуқи объектлари)**

Муаллифлик ҳуқуқи ижодий фаолият натижаси бўлмиш фан, адабиёт ва санъат асарларига нисбатан уларнинг мақсади ва қадр-қиммати, шунингдек ифодаланиш усулидан қатъи назар, татбиқ қилинади.

Асар оғзаки, ёзма шаклда ёки уни идрок этиш имконини берадиган бошқа объектив шаклда ифодаланган бўлиши лозим.

Ёзма шаклдаги ёки моддий жисмда ўзгача усулда ифодаланган асар (қўлёзма, машинка ёзуви, нотали ёзувлар, техника воситалари ёрдамидаги ёзув, шу жумладан аудио ёки видеоёзув, икки ўлчовли ёки ҳажмий-фазовий шаклда яратилган тасвир ва ҳоказо), ундан учинчи шахсларнинг фойдаланиш имконияти бор-йўқлигидан қатъи назар, объектив шаклга эга деб ҳисобланади.

Оғзаки ёки моддий жисмда ифодаланмаган бошқа асар, башарти у учинчи шахслар идрок эта оладиган ҳолга келган бўлса (омма олдидан сўзлаш, оммавий ижрочилик ва ҳоказо), объектив шаклга эга деб ҳисобланади.

Муаллифлик ҳуқуқи эълон қилинган асарларга

нисбатан ҳам, эълон қилинмаган асарларга нисбатан ҳам татбиқ қилинади.

Муаллифлик ҳуқуқи ғоялар, концепциялар, принциплар, тизимлар, таклиф қилинаётган ечимлар, объектив мавжуд кашфиётларга нисбатан татбиқ қилинмайди.

Муаллифлик ҳуқуқининг юзага келиши учун асарни рўйхатдан ўтказиш ёки бошқа бирон-бир расмийчиликка риоя этиш талаб қилинмайди.

#### **6-модда. Муаллифлик ҳуқуқи объектларининг турлари**

Муаллифлик ҳуқуқи объектлари жумласига қуйидагилар кирилади:

адабий асарлар (адабий-бадиий, илмий, ўқув, публицистик ва бошқа асарлар);

драматик ва сценарий асарлар;

матнли ва матнсиз мусиқа асарлари;

муסיқали-драматик асарлар;

хореография асарлари ва пантомималар;

аудиовизуал асарлар (кино, теле ва видеофильмлар, слайдфильмлар, диафильмлар ва бошқа хил кино, теле ҳамда видео асарлар), радиоасарлар;

рангтасвир, ҳайкалтарошлик, графика, дизайн асарлари ва бошқа тасвирий санъат асарлари;

манзарали-амалий ва сахна безаги санъати асарлари;

архитектура, шаҳарсозлик ва боғ-парк барпо этиш санъати асарлари;

фотография асарлари ва фотографияга ўхшаш усулларда яратилган асарлар;

жўғрофия, геология хариталари ва бошқа хариталар, жўғрофия, топография ва бошқа фанларга тааллуқли тарҳлар, эскизлар ва асарлар;

барча турдаги электрон-ҳисоблаш машиналари (ЭҲМ) учун дастурлар, шу жумладан амалий дастурлар ва операция тизимлари;

ушбу Қонуннинг 5-моддасида белгилаб қўйилган талабларга жавоб берувчи бошқа асарлар.

#### **7-модда. Асарнинг қисмлари ва ҳосила асарлар**

Ушбу Қонуннинг 5-моддасида белгилаб қўйилган талабларни қаноатлантирувчи асарларнинг қисмлари,

**уларнинг номи ва ҳосила асарлар муаллифлик ҳуқуқи объектларидир.**

Ҳосила асарлар жумласига қуйидагилар киради:

бошқа асарларни қайта ишлаш натижасида яратилган асарлар (ишланма асарлар, аннотациялар, рефератлар, мухтасар хулосалар, шарҳлар, инсценировкалар, аранжировкалар ҳамда фан, адабиёт ва санъат соҳасидаги шунга ўхшаш бошқа асарлар);

таржималар;

материалларнинг танланганлиги ёки жойлаштирилганлигига кўра ижодий меҳнат натижаси бўлган тўпламлар (энциклопедиялар, антологиялар, маълумот базалари) ва бошқа жамлама асарлар.

Ҳосила асарларнинг яратилиши учун асос бўлган ёки улар ўз ичига олган асарлар муаллифлик ҳуқуқи объектлари бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар, ҳосила асарлар муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимоя қилинади.

#### **8-модда. Муаллифлик ҳуқуқи объектлари ҳисобланмайдиган асарлар ва уларга ўхшаш фаолият натижалари**

Қуйидагилар муаллифлик ҳуқуқи объектлари ҳисобланмайди:

расмий ҳужжатлар (қонунлар, қарорлар, тўхтамлар ва шу кабилар), шунингдек уларнинг расмий таржималари;

расмий рамзлар ва белгилар (байроқлар, герблар, орденлар, пул белгилари ва шу кабилар);

халқ ижодиёти асарлари;

оддий матбуот ахбороти тусидаги кундалик янгиликларга доир ва жорий воқеалар ҳақидаги хабарлар; нисоннинг бевосита индивидуал асар яратишга қаратилган ижодий фаолияти иштирокисиз, муайян турдаги ишлаб чиқариш учун мўлжалланган техника воситалари ёрдамида олинган натижалар.

#### **9-модда. Расмий ҳужжатлар, рамзлар ва белгиларнинг лойиҳаларига бўлган ҳуқуқлар**

Расмий ҳужжат, рамз ёки белгининг лойиҳасига бўлган муаллифлик ҳуқуқи лойиҳани яратган (ишлаб чиққан) шахсга тегишлидир.

Расмий ҳужжатлар, рамзлар ва белгиларнинг лойиҳаларини ишлаб чиққан шахслар, башарти бундай лойиҳани ишлаб чиқиш тўғрисида топшириқ берган орган томонидан тақиқланмаган бўлса, ўзлари яратган лойиҳаларни эълон қилишга ҳақлидирлар. Лойиҳани эълон қилишда уни ишлаб чиққан шахслар ўз исми-шарифларини кўрсатишга ҳақлидирлар.

Ваколатли орган расмий ҳужжат тайёрлаш учун лойиҳадан, башарти лойиҳа уни ишлаб чиққан шахс томонидан эълон қилинган ёки тегишли органга юборилган бўлса, мазкур шахснинг розилигисиз фойдаланиши мумкин.

Лойиҳа асосида расмий ҳужжатлар, рамзлар ва белгилар тайёрлаш чоғида расмий ҳужжат, рамз ёки белги тайёрлаётган органнинг хоҳишига кўра лойиҳага қўшимчалар ва ўзгартишлар киритилиши мумкин.

Ваколатли орган лойиҳани маъқуллаганидан кейин лойиҳадан уни ишлаб чиққан шахснинг исми-шарифини кўрсатмаган ҳолда фойдаланиш мумкин.

#### **10-модда. Асар муаллифи. Муаллифлик презумпцияси**

Асар кимнинг ижодий меҳнати билан яратилган бўлса, ана шу фуқаро асар муаллифи деб эътироф этилади.

Асар биринчи марта эълон қилинганда муаллиф сифатида кўрсатилган шахс, башарти ўзга ҳол исботланмаган бўлса, асар муаллифи ҳисобланади.

Асар имзосиз ёки таҳаллус остида эълон қилинган тақдирда (муаллифнинг таҳаллуси унинг ким эканлигига шубҳа қолдирмайдиган ҳоллар бундан мустасно), асарда исми-шарифи ёки номи кўрсатилган ношир, башарти бошқа далиллар бўлмаса, муаллифнинг вакили ҳисобланади ҳамда муаллифнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг амалга оширилишини таъминлаш ҳуқуқига эга бўлади. Бу қонда бундай асар муаллифи ўз шахсини ошкор этгунича ва ўзининг муаллиф эканлигини маълум қилгунича амалда бўлади.

#### **11-модда. Ҳаммуаллифлик**

Икки ёки undan ортиқ фуқаронинг биргаликдаги ижодий меҳнати натижасида яратилган асарга бўлган

муаллифлик ҳуқуқи, мазкур асар бўлишмас бир бутун ёки ҳар бири ҳам мустақил мазмунга эга қисмлардан иборат эканлигидан қатъи назар, ҳаммуаллифларга биргаликда тегишли бўлади.

Башарти асарнинг муайян қисмидан унинг бошқа қисмларига боғлиқ бўлмаган ҳолда фойдаланиш мумкин бўлса, бу мустақил мазмунга эга бўлган қисм деб эътироф этилади.

Ҳаммуаллифларнинг ҳар бири, башарти уларнинг ўртасидаги битимда ўзгача ҳол назарда тутилган бўлмаса, асарнинг ўзи яратган мустақил мазмунга эга бўлган қисмидан ўз хоҳишига кўра фойдаланишга ҳақлидир.

Ҳаммуаллифлар ўртасидаги муносабатлар, қоида тариқасида, битим асосида белгиланади. Бундай битим бўлмаган тақдирда, асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи барча муаллифлар томонидан биргаликда амалга оширилади, муаллифлик ҳақи эса улар ўртасида тенг тақсимланади.

Башарти ҳаммуаллифларнинг асари бўлишмас бир бутунни ташкил этса, асардан фойдаланишни етарли асослар бўлмай туриб тақиқлаб қўйишга ҳаммуаллифлардан ҳеч бири ҳақли эмас.

## 12-модда. Фильм муаллифлари

Қуйидагилар кинофильм, телефильм ва видеофильмнинг тўлиқ муаллифлари (ҳаммуаллифлари)дир; сахналаштирувчи режиссер; сценарий муаллифи;

муайян аудиовизуал асар учун махсус яратилган матнли ёки матнсиз мусиқа асарининг муаллифи; сахналаштирувчи оператор.

Бундай асарнинг ҳаммуаллифлари жумласига айтиб ўтилган муаллифлар билан келишувга биноан фильмда фойдаланилган бошқа асарларнинг муаллифлари киритилиши мумкин.

Муқаддам мавжуд бўлиб, шунингдек фильм устида иш олиб бориш жараёнида яратилиб, фильмда фойдаланилган асарлар муаллифларининг ҳар бири умуман фильмга бўлган муаллифликдан қатъи назар, мустақил мазмунга эга бўлган ўз асарига муаллифликни сақлаб қолади.

### 13-модда. Ҳосила асарларнинг муаллифлари

Бошқа асарларни қайта ишлаган шахслар, таржимонлар, тўпламлар ва бошқа жамлама асарларнинг тузувчилари ҳосила асарларнинг муаллифлари деб эътироф этилади.

Ҳосила асарнинг муаллифи қайта ишланган, таржима қилинган ёки жамлама асарга киритилган асар муаллифининг ҳуқуқларига риоя этган тақдирдагина ҳосила асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқидан фойдаланади.

Ҳосила асарлар яратувчиларининг муаллифлик ҳуқуқи бошқа шахсларнинг муқаддам фойдаланилган асарлар асосида ўз ҳосила асарларини яратишларига тўсқинлик қилмайди.

### 14-модда. Интервью муаллифлари

Интервью ёзувига бўлган муаллифлик ҳуқуқи ҳаммуаллифлар тариқасида интервью берган шахс билан интервью ўтказган ва уни ёзиб олган шахсга, башарти улар ўртасидаги келишувда ўзгача ҳол назарда тутилган бўлмаса, тегишлидир.

Интервью ёзувини эълон қилиш, кўрсатиш ва эшиттиришга интервью берган шахснинг розилиги билангина йўл қўйилади.

### 15-модда. Асарлар яратилишини ташкил этувчи шахсларнинг ҳуқуқлари

Асарлар яратилишини ташкил этувчи шахслар (энциклопедияларнинг ноширлари; фильмларнинг тайёрловчилари, продюсерлар ва шу қабилар) тегишли асарларнинг муаллифлари деб эътироф этилмайди. Бироқ ушбу Қонун ёки бошқа қонунларда назарда тутилган ҳолларда, бундай шахслар ана шундай асарлардан фойдаланишда алоҳида ҳуқуқларга эга бўладилар.

Энциклопедиялардан, энциклопедик луғатлардан, илмий ишларнинг даврий ва давомли тўпламларидан, газеталар, журналлар ва бошқа даврий нашрлардан фойдаланишининг алоҳида ҳуқуқлари уларнинг ноширларига тегишлидир. Бундай нашрдан ҳар қандай тарзда фойдаланилганида ҳам ношир ўз номини кўрсатишга ёки номни кўрсатилишини талаб қилишга ҳақлидир.

Бундай нашрларга киритилган асарларнинг муаллифлари, башарти асар яратишга доир шартномада ўзгача ҳол назарда тутилган бўлмаса, тўлиқ нашрдан қатъи назар, ўз асарларидан фойдаланишга бўлган алоҳида ҳуқуқларини сақлаб қоладилар.

Аудиовизуал асар, шу жумладан фильм яратиш хусусида шартнома тузиш, башарти бундай шартномада ўзгача ҳол назарда тутилган бўлмаса, мазкур асар муаллифларининг асарни такрорлашга, уни тарқатишга, омма олдида ижро этишга, барчанинг эътиборига етказиш учун кабель орқали беришга, эфирга узатиш ёки асардан бошқа ҳар қандай тарзда оммавий фойдаланишга, фильм матнини субтитрлаш ва дубляж қилишга бўлган алоҳида ҳуқуқларининг асарни тайёрловчига ўтишига олиб келмайди. Мазкур ҳуқуқлар аудиовизуал асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддати давомида амал қилади.

Фильм тайёрловчиси бу асардан ҳар қандай тарзда фойдаланилганида ҳам ўз исми-шарифи ёки номини кўрсатишга ёхуд исми-шарифи ёки номи кўрсатилишини талаб қилишга ҳақлидир.

Фильм омма олдида намойиш этилганида мусиқа асарининг муаллифи ўзининг мусиқа асари (матили ёки матисиз) омма олдида ижро этилганлиги учун ҳақ олиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Фильм муаллифи ва фильмга бўлган мулкни ҳуқуқининг бошқа эгалари розилангисиз фильмнинг охириги вариантини (ёзувнинг асл нусхасини) йўқ қилиб юбориш таққиланади.

#### 16-модда. Муаллифлик ҳуқуқининг ҳимоя белгилари

Алоҳида муаллифлик ҳуқуқининг эгаси ўз ҳуқуқларидан хабардор этиш учун асарининг ҳар бир нусхасида ақс эттириладиган ва қуйидаги уч унсурдан иборат муаллифлик ҳуқуқининг ҳимоя белгисидан фойдаланиши мумкин:

айлана ичига олинган лотинча «С» ҳарфи;

алоҳида муаллифлик ҳуқуқлари эгасининг исми-шарифи (номи);

асар биринчи марта эълон қилинган йил.

Муаллифлик ҳуқуқининг ҳимоя белгисида кўрсатилган шахс, башарти ўзга ҳол исботланмаган бўлса, ҳуқуқ эгаси ҳисобланади.



## 17-модда. Муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари

Асар муаллифига қуйидаги шахсий номулкий ҳуқуқлар тегишлидир:

муаллифлик ҳуқуқи;

муаллифлик номига бўлган ҳуқуқ;

асарнинг дахлсизлигига бўлган ҳуқуқ.

Муаллиф шахсий номулкий ҳуқуқларни амалга оширишдан воз кечини туғрисида бирон-бир шахс билан тузган битим ва муаллифнинг бу ҳақдаги аризаси аҳамиятсиздир.

## 18-модда. Муаллифлик ҳуқуқи

Муаллиф (ҳаммуаллифлар)нинг ўзи яратган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи бошқа шахсларнинг айна шу асарга муаллифлик ҳуқуқи эътироф қилинишини истисно этади.

## 19-модда. Муаллифлик номига бўлган ҳуқуқ

Муаллиф асардан ўз исм-шарифи, тахаллусини кўрсатган ҳолда ёки имзосиз фойдаланиш ёки шу тарзда фойдаланишга рухсат бериш борасидаги алоҳида ҳуқуққа (муаллифлик номига бўлган ҳуқуққа) эгадир.

## 20-модда. Асарнинг дахлсизлигига бўлган ҳуқуқ

Муаллиф ўз асарига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳамда асарга ўзининг розилигисиз бирон-бир шахс томонидан ўзгартишлар ёки қўшимчалар киритилишидан асарини ҳимоя қилиш борасида алоҳида ҳуқуққа (асарнинг дахлсизлигига бўлган ҳуқуққа) эгадир.

Асарни нашр қилиш, омма олдида ижро этиш ёки ундан бошқача тарзда фойдаланиш чоғида асарнинг ўзига ҳам, унинг номига ҳам, муаллифнинг номи кўрсатилишига ҳам бирон-бир ўзгартиш киритишга фақат муаллифнинг розилиги билангина йўл қўйилади.

Муаллифнинг розилигисиз унинг асарини безаклар билан, сўзбоши, хотима, шарҳ ёки бирон-бир тушунтиришлар билан нашр этиш тақиқланади.

Муаллифнинг вафотидан кейин асарнинг дахлсиз-

лигини ҳимоя қилиш васиятномада кўрсатилган шахс томонидан, бундай кўрсатма бўлмаган тақдирда эса муаллифнинг меросхўрлари, шунингдек қоғунга мувофиқ зиммасига муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш вазифаси юклатилган шахслар томонидан амалга оширилади.

## 21-модда. Асарни эълон қилиш ҳуқуқи

Муаллиф номуайян доирадаги шахсларнинг асардан фойдаланишига имкон яратиб бериш ҳуқуқи (асарни эълон қилиш ҳуқуқига) эгадир.

Асарни нашр қилиш, омма олдида ижро этиш, оммага намойиш этиш йўли билан ёки бошқа тарзда оммавийлаштириш орқали муаллиф томонидан ёки унинг розилиги билан номуайян доирадаги шахсларнинг асардан фойдаланиши учун биринчи бор имкон яратиб берилса, асар эълон қилинган ҳисобланади.

Муаллиф асарни эълон қилиш тўғрисида илгари қабул қилган қароридан асардан фойдаланиш ҳуқуқини олган шахсларга улар шундай қарор туфайли кўрган зарарнинг ўрнини, шу жумладан бой берилган фойдани қоплаш шарти билан воз кечиш ҳуқуқига (асарни чақириб олиш ҳуқуқига) эгадир. Башарти асар эълон қилинган бўлса, муаллиф ўз асарини чақириб олганлигини оммага маълум қилиши шарт. Бунда муаллиф асарнинг аввал тайёрлаб қўйилган нусхаларини ўз ҳисобидан муомаладан олиб қўйишга ҳақлидир.

Бу қоидалар, башарти муаллиф билан тузилган шартномада ўзгача ҳол назарда тутилган бўлмаса, хизмат асарларига нисбатан ҳам татбиқ этилади.

## 22-модда. Муаллифнинг асардан фойдаланиш ҳуқуқи

Муаллиф асардан ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай усулда фойдаланиш борасида алоҳида ҳуқуқларга эгадир.

Асарни такрорлаш ва уни тарқатиш, бошқа йўллар билан реализация қилиш, хусусан:

асарни омма олдида намойиш этиш (кўргазмага қўйиш, экспонат сифатида кўрсатиш);

асарнинг моддий жисмини ташкил этувчи нусхасини ажарага бериш;

асарни омма олдида ижро этиш;  
асарни эфирга узатиш (радио ёки телевидение орқали трансляция қилиш), шу жумладан кабель ёки алоқа йўлдоши орқали бериш;

асарни техника ёрдамида ёзиб олиш;

асарнинг техникавий ёзувини эшиттириш ёки кўрсатиш, шу жумладан радио ёки телевидение орқали;

асардан кейинчалик фойдаланиш мақсадида уни таржима қилиш ёки қайта ишлаш;

шаҳарсозлик, архитектура, дизайн лойиҳасини амалий рўёбга чиқариш асардан фойдаланиш ҳисобланади.

Асарга унинг объектив шаклини, ақалли асл нусхасида қандай бўлса, шу ҳолдаги шаклини қайта бериш (асарни шашр этиш, аудио ёки видеоёзувлардан нусха кўпайтириш ва шу кабилар) асарни такрорлаш ҳисобланади.

Асар нусхаларини сотиш, алмаштириш, ижарата бериш ёки улар иштирокида бошқа амалларни бажариш, шу жумладан уларни импорт қилиш асарни тарқатиш ҳисобланади.

Башарти асарнинг нусхалари қонунан бошқа шахсга берилган бўлса, уларни кейинчалик муаллифнинг розилигисиз ва ҳақ тўламаган ҳолда тарқатишга йўл қўйилади, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Асардан даромад (фойда) олиш мақсадида фойдаланилганлиги ёки ундан фойдаланиш бундай мақсадга қаратилмаганлигидан қатъи назар, асардан фойдаланилган деб ҳисобланади.

Асарнинг мазмунини ташкил этувчи қондаларни (кашфиётларни, бошқа техникавий, иқтисодий, ташкилий ва шу каби ечимларни) амалий қўллаш асардан муаллифлик ҳуқуқи маъносида фойдаланилганликни англамайди.

### **23-модда. Асарларни сақлаш учун топшириш**

Башарти асар сақлаш учун ҳар ким фойдаланиши мумкин бўлган сақлов жойига (депозитарийга) топширилган бўлса ва депозитарий билан тузилган шартномага кўра мазкур депозитарийга мурожаат этадиган ҳар қандай шахснинг асар нусхасини олишига йўл берса, асардан бу тарзда фойдаланиш асарларнинг қўлёзмаларини, моддий жисмдаги бошқа асарларни,

шу жумладан машина ёрдамида тайёрланган асарларни сақлаш учун топшириш деб эътироф этилади.

Асарни сақлаш учун топшириш асардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахснинг (ҳуқуқ эгасининг) депозитарий билан тузилган, асардан фойдаланиш шартларини белгилаб берувчи шартномаси асосида амалга оширилади. Бундай шартнома ва депозитарийнинг фойдаланувчи билан тузган шартномаси оммавий шартнома ҳисобланади.

#### **24-модда. Асардан фойдаланиш ҳуқуқини тасарруф этиш**

Муаллиф ёки ҳуқуққа эга бўлган бошқа шахс шартномага, шу жумладан очиқ савдода тузилган шартномага биноан асардан фойдаланиш борасидаги барча ҳуқуқларни ўзга шахсга бериши (фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш) мумкин.

Асардан фойдаланиш ҳуқуқи бир шахсдан бошқа шахсга универсал ҳуқуқий ворислик тартибида ўтади.

Ҳуқуқ эгаси бошқа шахсга асардан муайян доирада фойдаланиш учун рухсатнома (лицензия) бериши мумкин. Бундай рухсатнома асардан унинг дастлабки шаклида фойдаланиш учун ҳам, қайта ишланган шаклида, хусусан таржима, аранжировка тарзида ва шу каби усулларда фойдаланиш учун ҳам талаб қилинади.

Асардан фойдаланишнинг ҳар бир усули учун ҳуқуқ эгасининг махсус рухсатномаси талаб қилинади.

#### **25-модда. Тасвирий санъат асарларидан фойдаланиш ҳуқуқи**

Тасвирий санъат асарининг муаллифи асар мулкдоридан ўзининг асарини такрорлаш ҳуқуқини (фойдаланиш ҳуқуқини) амалга ошириш имконини беришни талаб қилишга ҳақлидир. Бунда асар мулкдоридан асарни муаллифга етказиб беришни талаб қилиш мумкин эмас.

#### **26-модда. Муаллифлик ҳуқуқларининг чекланиши**

Муаллиф ва бошқа шахсларнинг асардан фойдаланиш борасидаги алоҳида ҳуқуқларини чеклашга ушбу Қонуннинг 17—21-моддаларида ёки бошқа қонунларда назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади.

Мазкур чеклашлар асардан нормал фойдаланишига ўринсиз зиён етказмаган ва муаллифнинг қонуний манфаатларини асоссиз камситмаган тақдирдагина татбиқ этилади.

### **27-модда. Бегона асарни шахсий мақсадларда такрорлаш**

Чоп этилган бегона асардан муаллифнинг розилигисиз ва муаллифлик ҳақини тўламаган ҳолда шахсий мақсадларга фойдаланишга, башарти бунда асардан нормал фойдаланишига зиён етмайдиган ва муаллифнинг қонуний манфаатларига путўр етмайдиган бўлса, йўл қўйилади.

Ушбу модда биринчи қисмининг қоидалари қўйидагиларга нисбатан татбиқ этилмайди:

бинолар ва шунга ўхшаш ишпоотлар шаклидаги архитектура асарларидан фойдаланиш;

маълумот базалари ёки уларнинг муҳим қисмларидан фойдаланиш;

қонунда назарда тутилган ҳолларни истисно қилганда, ЭҲМ учун яратилган дастурлардан фойдаланиш;

китобларни (тўлиқ) ва нотали матнларни репродукция қилиш.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилганидан истисно тарзда, қонунда аудио ва видеоёзувлардан шахсий мақсадларда фойдаланилган тақдирда тегишли ёзувнинг муаллифи, ижрочиси ва ишлаб чиқарувчиси тегишли ҳақ олиш ҳуқуқига эга бўлиши белгилаб қўйилиши мумкин.

Асарни такрорлаганлик учун ҳақ ишлаб чиқарувчилар ёки асарни такрорлаш учун ишлатиладиган асбоб-ускуналар (аудио аппаратлар, видеомагнитофонлар ва шу кабилар) ҳамда асар моддий жисмининг (аудио ва (ёки) видео пленкалар, кассеталар, лазер дискалар, компакт дискалар ва шу кабиларнинг) импортчилари томонидан ажратмалар (фонизлар) шаклида тўланади.

### **28-модда. Асардан муаллифнинг исми-шарифини кўрсатган ҳолда эркин фойдаланиш**

Асардан муаллифнинг исми-шарифини ва олинган манбани кўрсатган ҳолда ҳамда асардан нормал фойдаланишига зарар етмаслик ва муаллифнинг қону-

ний манфаатларини камситмаслик шарти билан қўйи-  
даги тарзда эркин фойдаланишга йўл қўйилади:

чоп этилган асарни улардан олинган цитаталар тар-  
зида (ася нусха тилида ва таржимада), шу жумладан  
газета ва журналларнинг мақолаларидан олинган пар-  
чалар тарзида цитатадан кўзланган мақсадга мос  
ҳажмда илмий, тадқиқот, таъқид ва ахборот мақсад-  
ларида такрорлаш ҳамда тарқатиш;

чоп этилган асарларни таълим ва ўқув тусидаги  
нашрларда, радиоэшиттириш ва телекўрсатувларда,  
аудио ва видеоёзувларда мисол тариқасида қўйилган  
мақсадга лойиқ ҳажмда такрорлаш, техника ёрдамида  
ёзиб олиш ва эфир орқали бериш;

кундалик сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва диний  
масалалар юзасидан газета ва журналларда эълон  
қилинган мақолалар ёки эфир орқали берилган шу тус-  
даги асарларни газеталарда такрорлаш, эфирга уза-  
тиш, бундай фойдаланиш муаллиф томонидан атайин  
таққидланган ҳоллар бундан мустасно;

омма олдида сўзланган сиёсий нутқлар, мурожаат-  
лар, маърузалар ва шунга ўхшаш асарларни қўйил-  
ган мақсадга мос ҳажмда газеталарда такрорлаш,  
эфирга узатиш;

кундалик воқеалар жараёнида кўриш ёки эшитиш  
мумкин бўлган асарларни ана шундай воқеаларнинг  
шарҳларида ахборот мақсадига мос ҳажмда такрор-  
лаш, омма олдида намойиш этиш, эфирга узатиш;

фойда олишни кўзламаган ҳолда кўзи ожизлар учун  
қабариқ-нуқтали ҳарфлар ёки бошқа усуллар билан  
чоп этилган асарларни такрорлаш, фойдаланишнинг  
ана шундай усуллари учун атайин яратилган асарлар  
бундан мустасно.

## 29-модда. Асарлардан репродукция қилиш йўли билан фойдаланиш

Муаллифнинг розилигисиз ва муаллифлик ҳақини  
тўламаган ҳолда, лекин асаридан фойдаланилаётган  
муаллифнинг исми-шарифини ва олинган манбаини  
албатта кўрсатиб, қўйидагилардан фойда олишни кўз-  
ламай репродукция қилишга йўл қўйилади:

асардан, йўқолган ёки яроқсиз бўлиб қолган нус-  
халарини тиклаш, алмаштириш учун, шунингдек ўз  
фойдаларидан бу асарларни бирон сабаб билан йўқот-

ган бошқа кутубхоналарга асарларнинг нусхаларини тақдим этиш учун кутубхоналар ва архивлар томонидан;

тўпламларда, газеталар ва бошқа даврий нашрларда қонуний равишда эълон қилинган айрим мақолалар ва кичик ҳажмли асарлардан, қонуний равишда эълон қилинган ёзма асарлардан (суратли ёки суратсиз) қисқа парчалар фуқароларнинг ўқув ва тадқиқот мақсадларидаги сўровлари асосида кутубхоналар ва архивлар томонидан, шунингдек аудитория машғулотлари учун таълим муассасалари томонидан.

**30-модда. Ҳамма бемалол бора оладиган жойларда доимий жойлашган асарлардан эркин фойдаланиш**

Ҳамма бемалол бора оладиган жойларда доимий жойлашган архитектура, фотография, тасвирий санъат асарларини муаллифнинг розилигисиз ва муаллифлик ҳақи тўламаган ҳолда такрорлаш, эфирга узатишга ёки ҳамманинг эътиборига етказиш учун кабель орқали узатишга йўл қўйилади.

Бу қоида асарнинг тасвири шундай такрорлашнинг, эфирга узатишнинг ёки ҳамманинг эътиборига етказиш учун кабель орқали узатишнинг асосий объекти бўлган ҳолларга нисбатан, шунингдек асарнинг ифодасидан тижорат мақсадларида фойдаланиладиган ҳолларга нисбатан татбиқ этилмайди.

**31-модда. Асарларни омма олдидан эркин ижро этиш**

Қонунан эълон қилинган мусиқа асарларини расмий, диний ва дафн маросимларида бундай маросимларнинг хусусиятига мос ҳажмда муаллифнинг розилигисиз ва муаллифлик ҳақи тўламаган ҳолда омма олдидан ижро этишга йўл қўйилади.

**32-модда. Судлов мақсадларини кўзлаб, асарларни эркин такрорлаш**

Судлов ва маъмурий иш юритиш мақсадларини кўзлаб, фойдаланиш мақсадига мос ҳажмда асарларни муаллифнинг розилигисиз ва муаллифлик ҳақи тўламаган ҳолда ижро этишга йўл қўйилади.

33-модда. Эфир орқали кўрсатув ва эшиттиришлар берувчи ташкилотлар томонидан асарларни қисқа муддат фойдаланиш мақсадида эркин ёзиб олиш

Эфир орқали кўрсатув ва эшиттиришлар берувчи ташкилот ўзи эфирга узатиш ҳуқуқини олган асарни муаллифнинг ёки бошқа ҳуқуқ эгасининг розилигисиз ва қўшимча ҳақ тўламаган ҳолда қисқа муддат фойдаланиш мақсадида ёзиб олишга ҳақлидир, бунда эфир орқали кўрсатув ва эшиттиришлар берувчи ташкилот ёзувни ўз ускуналари ёрдамида ҳамда ўз кўрсатув ва эшиттиришлари учун амалга ошириши шарт.

Башарти бундай ёзувни сақлаб туришнинг узоқроқ муддати муаллиф билан келишилган бўлмаса, у тайёрлаганидан кейин олти ой ичида йўқ қилиб юборилиши шарт. Агар бундай ёзув бутунлай ҳужжатли руҳда бўлса, у асар муаллифнинг розилигисиз расмий архивларда сақлаб қўйилиши мумкин.

34-модда. ЭХМ учун яратилган дастурнинг ёки маълумотлар базасининг нусхасига эга бўлган шахс ҳуқуқларининг чекланиши

ЭХМ учун яратилган дастурнинг ёки маълумотлар базасининг нусхасига эга бўлган шахснинг ЭХМ учун яратилган дастурни ва маълумотлар базасини кейинги шахсний фойдаланиш мақсадида такрорлашга ва қайта ишлашга бўлган ҳуқуқи қонуни билан белгилаб қўйилади.

35-модда. Хизмат асарига бўлган ҳуқуқ

Хизмат топшириғини бажариш тартибида яратилган асарга (хизмат асарига) бўлган муаллифлик ҳуқуқи шу асар муаллифига тегишлидир.

Хизмат асарида топшириқ мақсади тақозо этган усулда ва топшириқдан келиб чиқадиган доирада фойдаланиш ҳуқуқи, башарти иш берувчи билан муаллиф ўртасидаги шартномада ўзгача ҳол назарда тутилган бўлмаса, асар яратиш ҳақида топшириқ берган ва муаллиф меҳнат муносабатлари ўрнатган шахсга (иш



берувчига) тегишлидир. Иш берувчи бундай фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга беришга ҳақлидир.

Иш берувчи билан муаллиф ўртасидаги шартномада хизмат асаридан фойдаланганлик учун муаллифга ҳақ тўлаш назарда тутилган ва асардан фойдаланишнинг бошқа шартлари қамраб олинган бўлиши мумкин.

Иш берувчи билан тузилган шартномадан қатъи назар, муаллиф асар тақдим этилган вақтдан эътиборан ўн йил ўтганидан кейин, иш берувчининг розилиги билан эса, ундан ҳам олдинроқ асардан фойдаланиш ва муаллифлик ҳақини олиш ҳуқуқини тўлиқ ҳажмда қўлга киритади.

Муаллифнинг хизмат асаридан топшириқ мақсади тақозо этмайдиган усулда фойдаланиш ҳуқуқи чекланмайди.

### 36-модда. Муаллифлик ҳуқуқининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилиши

Биринчи марта Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чоп этилган ёки чоп этилмаган бўлса-да, асл нусхаси бирон-бир объектив шаклда унинг ҳудудида турган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилади. Бундай ҳолда муаллифлик ҳуқуқи муаллифга ва унинг меросхўрларига, шунингдек фуқаролигидан қатъи назар, муаллифнинг бошқа ҳуқуқий ворисларига тегишли деб эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг асарлари биринчи марта чет давлат ҳудудида чоп этилган ёки бирон-бир объектив шаклда ана шу давлат ҳудудида чоп этилган ёки бирон-бир объектив шаклда ана шу давлат ҳудудида турган бўлса, бундай асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг фуқароларига, худди шунингдек уларнинг меросхўрлари ва бошқа ҳуқуқий ворисларига тегишли деб эътироф этилади.

Муаллифга халқаро шартномаларга мувофиқ ҳуқуқий ҳимоя берилиши вақтида асарнинг чет давлат ҳудудида чоп этилганлиги тегишли халқаро шартнома қоидаларига биноан аниқланади.

Асарни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳимоя қилиш мақсадида асарнинг муаллифи деб эътироф

этиладиган шахс асар биринчи марта қайси давлатнинг ҳудудида ҳимоя қилина бошлаган бўлса, шу давлатнинг қонунларига биноан аниқланади.

### 37-модда. Муаллифлик ҳуқуқи амал қилишининг бошланиши

Асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи чоп этилганлиги ёки этилмаганлигидан қатъи назар, асарга учинчи шахслар идрок эта оладиган объектив шакл берилган вақтдан бошлаб амал қилади. Оғзаки асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи бу асар учинчи шахсларга маълум қилинган вақтдан бошлаб амал қилади.

Башарти асар ушбу Қонуннинг 36-моддаси қоидаларининг таъсир доирасига кирмаса, бундай асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи, башарти у Ўзбекистон Республикасида эълон қилинган бўлса, биринчи марта эълон қилинган вақтдан бошлаб ҳимоя қилинади.

### 38-модда. Муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддати

Муаллифлик ҳуқуқи муаллифнинг бутун ҳаёти давомида ва вафотидан кейин у вафот этган йилдан кейинги йилнинг биринчи январидан эътиборан эллик йил давомида амал қилади.

Ҳаммуаллифликда яратилган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи ҳаммуаллифларнинг бутун ҳаёти давомида ва ҳаммуаллифлар орасида энг узоқ умр кўрган шахс вафот этганидан кейин эллик йил давомида амал қилади.

Биринчи марта таҳаллус остида ёки имзосиз чоп этилган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи асар чоп этилган йилдан кейинги йилнинг биринчи январидан эътиборан эллик йил давомида амал қилади.

Башарти ана шу муддат ичида имзосиз ёки таҳаллус остида чоп этилган асар муаллифининг шахси маълум бўлиб қолса, ушбу модданинг биринчи қисмида айтилган муддатлар қўлланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида айтиб ўтилган муддатлар давомида муаллифлик ҳуқуқи муаллифнинг меросхўрларига тегишли бўлади ва мерос бўйича бир шахсдан бошқа шахсга ўтади. Айни ана шу муддатлар ичида муаллифлик ҳуқуқи муаллиф билан,

унинг меросхўрлари ва кейинги ҳуқуқий ворислари билан тузилган шартнома бўйича бу ҳуқуқни олган ҳуқуқий ворисларга тегишли бўлади.

Муаллиф вафотидан кейин эллик йил ичида биринчи марта чоп этилган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи асар чоп этилган йилдан кейинги йилнинг биринчи январидан эътиборан эллик йил давомида амал қилади.

Муаллифлик, муаллифнинг исм-шарифи ва асарнинг дахлсизлиги муддатсиз ҳимоя қилинади.

### **39-модда. Асарнинг ижтимоий мулкка айланиши**

Асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддати тугаганидан кейин асар ижтимоий мулкка айланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳеч қачон ҳимоя билан таъмин этилмаган асарлар ижтимоий мулк ҳисобланади.

Ижтимоий мулк ҳисобланган асардан ҳар қандай шахс муаллифлик ҳақини тўламаган ҳолда эркин фойдаланиши мумкин. Бунда асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқига, муаллифлик номига бўлган ҳуқуққа ва асарнинг дахлсизлигига бўлган ҳуқуққа роя этилиши лозим.

### **40-модда. Муаллифлик шартномаси**

Муаллиф ёки унинг меросхўри муаллифлик шартномаси тузиш орқали ўз асарида фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиши мумкин. Муаллифлик шартномаси учун ҳақ тўлаш талаб қилинади.

Муаллифлик шартномаси тайёр асар учун ёки муаллиф яратишни ўз зиммасига олган асар учун (буюртма шартномаси) тузилади. Асардан у ёки бу доирада фойдаланишга рухсатнома бериш тўғрисидаги муаллиф ёки унинг меросхўрлари тузадиган шартнома ҳам (муаллифлик лицензия шартномаси) муаллифлик шартномаси ҳисобланади.

### **41-модда. Муаллифлик шартномасининг шартлари**

Муаллифлик шартномасида қуйидагилар назарда тутилиши керак:

асардан фойдаланиш усуллари (мазкур шартнома асосида бериладиган конкрет ҳуқуқлар);

асардан фойдаланишнинг ҳар бир усули учун тўланадиган ҳақ миқдори ва (ёки) тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш тартиби, уни тўлашнинг тартиби ва муддати.

Муаллифлик шартномасида асардан фойдаланиш ҳуқуқи қанча муддатга берилиши тўғрисида шарт бўлмаган тақдирда, шартнома тузилган санадан бошлаб беш йил ўтганидан кейин, башарти фойдаланувчи шартнома бекор қилингунига қадар камида олти ой олдин бу ҳақда ёзма равишда огоҳлантирилган бўлса, шартнома муаллиф томонидан бекор қилиниши мумкин.

Муаллифлик шартномасида асардан фойдаланиш ҳуқуқи амал қиладиган ҳудуд доираси тўғрисида шарт бўлмаган тақдирда, шартномага биноан берилаётган ҳуқуқнинг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси ҳудуди билан чекланади.

Шартнома тузилган вақтда асардан фойдаланиш ҳақидаги ҳали маълум бўлмаган ҳуқуқлар муаллифликка доир шартнома мавзуси бўлиши мумкин эмас.

Асардан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақ миқдори тарафларнинг келишувига биноан муаллифлик шартномасида белгилаб қўйилади.

Башарти асарни нашр этиш ёки ундан бошқача тарзда фойдаланиш ҳақидаги муаллифлик шартномасида ҳақ тўлаш қатъий сумма тарзида белгиланса, шартномада асарнинг энг кўп тиражи белгилаб қўйилиши шарт.

Муаллиф ёки унинг меросхўрларининг ҳақ олишга бўлган ҳуқуқни рад этиши аҳамиятсиздир.

Муаллифлик шартномаси бўйича берилган ҳуқуқларни шартномадаги исталган тараф шартномада бевосита назарда тутилган тақдирдагина бошқа шахсларга тўлиқ ёки қисман ўтказиши мумкин.

#### **42-модда. Муаллифлик шартномасининг шакли**

Муаллифлик шартномаси ёзма шаклда тузилиши лозим, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

#### **43-модда. Муаллифлик шартномаси бўйича жавобгарлик**

Муаллифлик шартномаси бўйича мажбуриятларни умуман ёки тегишли даражада бажармаган томон

Бошқа томонга етказилган зарарнинг ўрнини, шу жумладан бой берилган фойдани ҳам қоплаши шарт.

#### 44-модда. Муаллифлик лицензия шартномасининг амал қилиш муддати

Муаллифлик лицензия шартномаси унда назарда тутилган, ammo муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддатидан кўп бўлмаган муддат давомида амал қилади.

Асар муаллифи ёки унинг меросхўрлари, муаллифлик лицензия шартномасига муддат тўғрисидаги шарт киритилганлиги ёки киритилмаганлигидан қатъи назар, шартнома тузилган санадан эътиборан ўн йил ўтганидан кейин ўз контрагентини камида олти ой олдин ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақлидир. Муаллиф ёки унинг меросхўрларида бундай ҳуқуқ ҳар ўн йилда вужудга келади.

Шартномада асардан фойдаланиш муддатлари назарда тутилиши мумкин, бу муддатларни бузганлик ҳуқуқ эгасининг шартномани бекор қилиш ҳуқуқига сабаб бўлади.

#### 45-модда. Муаллифлик ҳуқуқларини бошқариш

Ҳуқуқ эгаси ўзига тегишли ҳуқуқни ўз хоҳишига кўра шахсан амалга оширишга ҳақлидир.

Ҳуқуқ эгасидан бошқа шахслар муаллифлик ҳуқуқларини фақат ҳуқуқ эгасининг розилиги билан ва у берган ваколатлар доирасида бошқаришлари мумкин, вакилликни қонуний вакил амалга оширадиган ҳоллар бундан мустасно.

Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларнинг эгалари зиммасига муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни бошқариш юклатиладиган ташкилотларни тузишлари мумкин. Бундай ташкилотлар ҳуқуқ эгалари билан тузилган шартнома асосида ўзларига берилган ваколатлар доирасида ва ўз ҳуқуқлари доирасида муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар эгаларининг манфаатларини ифода этадилар. Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни бошқариш билан шуғулланувчи ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгилаб қўйилган, давлат органи берган ли-

цензиялар асосида ва шу органининг назорати остида иш олиб борадилар. Улар тижорат фаолияти билан шуғулланишга ва асарлардан фойдаланишга ҳақли эмас.

Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни бошқариш билан шуғулланувчи ташкилотлар ўзларига муурожаат қилган муаллифлик ҳуқуқи ёки турдош ҳуқуқ эгасининг топшириғини ўз зиммаларига олишлари шарт. Бундай ташкилотлар топшириқни ўзлари ишлаб чиққан қўшилув шартномаси асосида бажаришлари мумкин. Шартномада ташкилотнинг қилган харажатлари ҳуқуқ эгаси томонидан қопланиши назарда тутилиши мумкин.

Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни бошқариш билан шуғулланувчи ташкилотлар шартномаларга мувофиқ ўзлари олган ваколатлар асосида бошқа шахсларга (фойдаланувчиларга) асарлардан ёки турдош ҳуқуқлар объектларидан фойдаланишнинг тегишли усуллари учун лицензиялар берадилар. Бундай лицензияларнинг шартлари бир тоифадаги барча фойдаланувчилар учун бир хил бўлмаслиги керак ва етарли асослар бўлмай туриб лицензия беришни рад этиб бўлмайди.

Ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатиб ўтилган ташкилотлардан бўлак ҳар қандай шахслар муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар эгаларининг манфаатларини умумий асосларда ифода этишлари мумкин.

**46-модда. Асардан шартнома тузмаган ҳолда  
ноқонуний фойдаланганлик учун  
жавобгарлик**

Ҳуқуқ эгаси билан шартнома тузмаган ҳолда асардан фойдаланилган тақдирда қондабузар ҳуқуқ эгасига етказилган зарарнинг ўрнини, шу жумладан бой берилган фойдани қоплаши шарт. Ҳуқуқ эгаси қондабузардан ўзи кўрган зарар ўрнига унинг қондабузарлик оқибатида олган даромадларини ундириб олишга ҳақли.

Асардан муаллифлик шартномасида назарда тутилмаган усулда ёки бундай шартноманинг амал қилиши тўхтаганидан кейин фойдаланиш асардан шартнома тузмаган ҳолда фойдаланиш деб ҳисобланади.

### III. ТУРДОШ ҲУҚУҚЛАР

#### 47-модда. Турдош ҳуқуқлар объекти

Турдош ҳуқуқлар саҳна асарларига, ижрога, ижронинг аудио ва видеоёзувига (ижро ёзувига), эфир ва жабель орқали кўрсатув ва эшиттириш берувчи ташкилотнинг кўрсатув ва эшиттиришларига татбиқ этилади.

#### 48-модда. Турдош ҳуқуқларнинг субъектлари

Ижро этиш ҳуқуқи ижрочиларга — артистларга, саҳналаштирувчи-режиссёрларга, дирижёрларга, шунингдек уларнинг меросхўрларига тегишлидир. Бундай ижродан фойдаланиш ҳуқуқи бошқа ҳуқуқий ворисларга ўтиши мумкин.

Ижро ёзувига бўлган ҳуқуқ ана шундай ёзувни амалга оширган шахсга ёки унинг ҳуқуқий ворисларига тегишлидир.

Трансляция қилиш ҳуқуқи кўрсатув ва эшиттиришни яратган эфир орқали кўрсатув ва эшиттириш берувчи ташкилотга ёки унинг ҳуқуқий ворисларига тегишлидир.

#### 49-модда. Турдош ҳуқуқларнинг ҳимоя белгилари

Ижрони ёзиб олган шахс ва ижрочи ўз ҳуқуқларидан хабардор қилиш учун турдош ҳуқуқларнинг ҳимоя белгисидан фойдаланишлари мумкин, аудио ёки видеоёзувнинг ҳар бир нусхасида ва (ёки) улар сақланадиган ғилофда акс этириладиган бу белги қуйидаги уч унсурдан иборат бўлади:

айлана ичидаги лотинча «р» ҳарфи;

алоҳида турдош ҳуқуқлар эгасининг исми (номи);

ёзув биринчи марта эълон қилинган йил.

#### 50-модда. Ижрочининг ҳуқуқлари

Ижрочи қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

ижро вақтида, ижро ёзувининг нусхаларида, ижро трансляция қилинаётганда ёки такрорланаётганида унинг исмини кўрсатиш;

асарни бузиб ижро этишдан ҳимоя қилиш;

ижродан фойдаланишни амалга ошириш ёки фойдаланишга руҳсат бериш.

Ижродан фойдаланиш ҳуқуқи қуйидагиларга руҳсат бериш ҳуқуқини қамраб олади:

ижрони эфир ва кабель орқали трансляция қилиш;

ижрони техника воситалари ёрдамида ёзиб олиш;

ёзиб олинган ижрони трансляция қилиш ва омма олдида такрорлаш;

ижро ёзувини кўлайтириш ва унинг нусхаларини тарқатиш.

Ижрочилар ўз ҳуқуқларини ижро этилаётган асарлар муаллифларининг ҳуқуқларига риоя этган ҳолда рўёбга чиқарадилар.

Ижродан фойдаланиш ҳуқуқини чеклаш қонун билан белгилаб қўйилади.

Хизмат топшириғини бажариш тартибида амалга оширилган ижрога (хизмат ижросига) бўлган ҳуқуққа нисбатан тегишинча ушбу Қонун 35-моддасининг қоидалари татбиқ этилади.

#### **51-модда. Ижрочи ҳуқуқларининг амал қилиши**

Ижрочининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида биринчи марта амалга оширилган ижрога бўлган ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилади. Бундай ҳолларда, фуқаролигидан қатъи назар, ҳуқуқ ижрочига, унинг меросхўрларига, шунингдек ижрочининг бошқа ҳуқуқий ворисларига тегишли деб эътироф этилади. Ижрочининг ҳуқуқи ижро биринчи бор чет давлат ҳудудида амалга оширилган ҳолларда ҳам унга, шунингдек унинг ҳуқуқий ворисларига тегишли деб эътироф этилади.

Ижрочининг ҳуқуқлари биринчи ёзув ёки биринчи ижро (саҳналаштириш) пайтидан эътиборан элик йил давомида амал қилади.

Ижрочининг номга бўлган ҳуқуқи ва ижрони бузишлардан ҳимоя қилиш ҳуқуқи муддатсиз қўриқланади.

#### **52-модда. Ижродан фойдаланиш**

Ижрочи ва ижро этиш ҳуқуқининг бошқа эгаси бу ҳуқуқдан ўз хоҳишига кўра мустақил равишда фойдаланишга ҳақли.



Ижродан бошқа шахсларнинг фойдаланишига фақат ижрочининг рухсати билан ёки бошқа ҳуқуқ эгаси билан тузилган шартнома асосида унинг рухсати билан йўл қўйилади.

### **53-модда. Ижродан фойдаланиш ҳуқуқини тасарруф этиш**

Ҳуқуқ эгаси ўзининг ижродан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш, шу жумладан ижродан у ёки бу доирада фойдаланиш учун бошқа шахсга рухсатнома (лицензия) бериш йўли билан ўтказиш тўғрисида шартнома тузиши мумкин.

Ижрочи ёки унинг ҳуқуқий вориси ижродан фойдаланишга рухсат этганлик учун ҳақ олиш ҳуқуқига эга. Фойдаланишнинг ҳар бир тури учун алоҳида ҳақ туланиши керак.

Ҳақ олиш ҳуқуқидан воз кечиш аҳамиятсиздир.

### **54-модда. Ижрони ёзиб олган шахснинг ҳуқуқлари**

Ижронинг аудиоёзувини, видеоёзувини, аудио-видеоёзувини амалга оширган шахс ва унинг ҳуқуқий вориси ана шу ёзувга нисбатан алоҳида ҳуқуққа эга бўлади.

Бундай ёзувдан бошқа шахсларнинг фойдаланишига ана шу ёзувни амалга оширган шахс ёки унинг ҳуқуқий ворисининг рухсати билангина йўл қўйилади.

Ижрони ёзиб олган шахс ёки унинг ҳуқуқий вориси қўйидагиларни амалга оширишга ёки қўйидагиларга рухсат беришга ҳақлидир:

ёзувни омма олдида такрорлаш;

ёзувга тузатишлар киритиш ёки уни ўзга тарзда қайта ишлаш;

ёзувнинг нусхаларини тарқатиш (сотиш, ижарага бериш ва шу кабилар), шу жумладан чет элга бериб юбориш;

ёзув нусхаларини импорт қилиш.

Башарти ижро ёзувининг нусхасига эгалик қилиш ҳуқуқи ижрони ёзиб олган шахсга тегишли бўлмаса, ёзувдан фойдаланиш, шу жумладан уни тижорат мақсадида ижарага бериш соҳасидаги алоҳида ҳуқуқ ёзувни амалга оширган шахсда сақланиб қолади.

Ижрони ёзиб олган шахснинг ҳуқуқларини чеклаш қонун билан белгилаб қўйилади.

Ижро ёзувига бўлган ҳуқуқнинг эгалари ўз ҳуқуқларини асарлар муаллифларининг ҳуқуқларини ва ижрочиларнинг ҳуқуқларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширадилар.

**55-модда. Ижрочининг ёзувдан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш**

Фойда олиш мақсадида эълон қилинган ижро ёзувини амалга оширган шахснинг ва ижроси ёзилган ижрочининг розилигисиз, лекин ҳақ тўлаган ҳолда:

ёзувни омма олдида ижро этишга;

ёзувни эфир орқали кўрсатиш ва эшиттиришга;

ёзувни ҳамманинг умумий маълумоти учун кабель орқали юборишга йўл қўйилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳақни тўлаш, тақсимлаш ҳамда тўлаш муаллифлик ва турдош ҳуқуқларни бошқариш билан шуғулланган ташкилот томонидан амалга оширилади (ушбу Қонуннинг 45-моддаси).

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳақ миқдори ва уни тўлаш тартиби, бир тарафдан, ёзувдан фойдаланувчи ёки бундай фойдаланувчилар бирлашмаси ҳамда, иккинчи тарафдан, муаллифлик ва турдош ҳуқуқларни бошқариш билан шуғулланувчи ташкилотлар ўртасидаги битимда белгилаб қўйилади.

Ҳақ миқдори ёзувдан фойдаланишнинг ҳар бир тури учун белгиланади.

**56-модда. Ижро ёзувини амалга оширган шахс ҳуқуқларининг амал қилиши**

Ижро ёзувини амалга оширган шахснинг ҳуқуқи агар бу ёзув биринчи марта Ўзбекистон Республикасида омма олдида такрорланган ёки унинг нусхалари омма орасида тарқатилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилади.

Ижро ёзувини амалга оширган шахс ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаш жойи ёки жойлашган манзили бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ёки юридик шахсларга ҳам тегишли деб тан олинади.

Ижро ёзувини амалга оширган шахснинг ҳуқуқлари ёзув амалга оширилган пайдан бошлаб эллик йил мобайнида ўз кучини сақлаб қолади.

### 57-модда. Эфир орқали кўрсатув ва эшиттириш берувчи ташкилотнинг ҳуқуқлари

Эфир орқали кўрсатув ва эшиттириш берувчи ташкилот ўз кўрсатув ва эшиттиришларидан исталган шаклда фойдаланиш ва учинчи шахсларга бундай кўрсатув ва эшиттиришлардан фойдаланиш учун рухсат бериш борасида алоҳида ҳуқуқларга эга.

Кўрсатув ва эшиттиришлардан учинчи шахсларнинг фойдаланиши шартнома асосида амалга оширилади. Ҳуқуқ эгаси фойдаланишининг ҳар бир тури учун ҳақ олиш ҳуқуқига эга.

Эфир орқали кўрсатув ва эшиттириш берувчи ташкилот қуйидагиларга ҳақлидир:

кўрсатув ва эшиттиришни трансляция қилиш;

эфир орқали кўрсатув ва эшиттиришларни берувчи бошқа ташкилотларга ва кабель орқали кўрсатув ва эшиттириш берувчи ташкилотларга ўз кўрсатув ва эшиттиришларини бир вақтнинг ўзида трансляция қилишга ҳамда ретрансляция қилишга рухсат бериш;

ўз кўрсатув ва эшиттиришларини ёзиб олиш;

ўз кўрсатув ва эшиттиришлари ёзувини такрорлаш; такрорланган ёзув нусхаларини тарқатиш;

ўз кўрсатув ва эшиттиришларини трансляция қилишга ва бир вақтнинг ўзида кабель орқали трансляция ретрансляция қилишга ҳамда бу кўрсатув ва эшиттиришлар ёзувини трансляция қилишга рухсат бериш;

кириш пуллик бўлган жойларда оммавий трансляция қилиш ва такрорлаш, бошқа шахсларга шундай трансляция қилиш ва такрорлашга рухсат бериш.

Эфир орқали кўрсатув ва эшиттириш берувчи ташкилотларнинг ҳуқуқларини чеклаш қонун билан белгилаб қўйилади.

Эфир орқали кўрсатув ва эшиттириш берувчи ташкилот ўз ҳуқуқларини асар муаллифларининг ҳуқуқлари ва ижрочиларнинг ҳуқуқларини, зарур ҳолларда эса, ижро ёзувига бўлган ҳуқуқ эгаларининг ҳамда эфир орқали кўрсатув ва эшиттириш берувчи бошқа ташкилотларнинг ҳуқуқларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширади.

**58-модда. Эфир орқали кўрсатув ва эшиттириш берувчи ташкилот ҳуқуқларининг амал қилиши**

Эфир орқали кўрсатув ва эшиттириш берувчи ташкилотнинг ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилади, башарти ташкилотнинг ушбу ҳудудида жойлашган манзили бўлса ҳамда унда жойлаштирилган узаткичлар ёрдамида кўрсатув ва эшиттиришларни амалга ошираётган бўлса.

Эфир орқали кўрсатув ва эшиттириш берувчи ташкилотнинг кўрсатув ва эшиттиришга бўлган ҳуқуқи уни биринчи марта эфирга трансляция қилиш пайтидан бошлаб элик йил мобайнида амал қилади.

**59-модда. Кабель орқали кўрсатув ва эшиттириш берувчи ташкилотнинг ҳуқуқлари**

Кабель орқали кўрсатув ва эшиттириш берувчи ташкилотнинг ҳуқуқлари эфир орқали кўрсатув ва эшиттириш берувчи ташкилотнинг ушбу Қонунда белгиланган ҳуқуқларига татбиқан белгиланади.

**60-модда. Эфир ёки кабель орқали кўрсатув ва эшиттириш берувчи ташкилот томонидан ижрочи, ижро ёзувини амалга оширган шахс ҳуқуқларининг чекланиши**

Ижро ёзувини амалга оширган шахсининг, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ва эшиттириш берувчи ташкилотнинг розилигисиз ва ҳақ тўламасдан ижродан, сахна асаридан, эфир орқали берилган кўрсатув ва эшиттиришдан, кабель орқали берилган эшиттириш ва кўрсатувдан ҳамда уларнинг ёзувидан фойдаланишга, шунингдек ёзувини такрорлашга қуйидаги ҳолларда йўл қўйилади:

кундалик воқеалар шарҳига ижродан, сахна асаридан, ёзувдан, эфир ёки кабель орқали берилган кўрсатув ва эшиттиришдан унчалик катта бўлмаган парчалар қўшиш йўли билан;

фақат ўқув ёки илмий тадқиқот мақсадларида; ижродан, сахна асаридан, ёзувдан, эфир ёки кабель орқали берилган кўрсатув ва эшиттиришдан унча

катта бўлмаган парчалар келтириш шаклида, фақат бундай парчалар келтириш ахборот мақсадларида амалга оширилиши ва бунда эфир ёки кабель орқали кўрсатув ва эшиттириш берувчи ташкилот томонидан тижорат мақсадида эълон қилинган ёзув нусхаларидан исталган шаклда фойдаланиш ушбу Қонуннинг 55-моддаси қондаларига рноя этилган ҳолда амалга оширилиши шарт билан;

ушбу Қонунда адабиёт, фан ва санъат асарлари муаллифининг мулкӣ ҳуқуқларини чеклаш борасида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Фонограмма ишлаб чиқарувчининг, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ва эшиттириш берувчи ташкилотларнинг розилигисиз эфир ёки кабель орқали берилган кўрсатув ва эшиттиришдан ҳамда унинг ёзувидан шахсий мақсадда фойдаланишга ва фонограммани такрорлашга йўл қўйилади. Фонограммани такрорлашга ушбу Қонуннинг 27-моддасига мувофиқ ҳақ тўланган тақдирда йўл қўйилади.

Агар қисқа муддат фойдаланиш учун ёзиш ёки такрорлаш эфир орқали кўрсатув ва эшиттириш берувчи ташкилот томонидан унинг ўз асбоб-ускуналари ёрдамида ҳамда унинг ўз кўрсатуви ва эшиттириши учун амалга ошириладиган бўлса, ушбу Қонун 50, 54, 58 ва 59-моддаларининг ижронинг, сахна асарининг ёки кўрсатув ва эшиттиришнинг қисқа муддат фойдаланиладиган ёзувларини амалга ошириш, тижорат мақсадида эълон қилинган ёзувни такрорлаш учун ижронинг, ижро ёзувини амалга оширган шахснинг ҳамда эфир орқали кўрсатув ва эшиттириш берувчи ташкилотнинг рухсатини олиш ҳақидаги қондалари қуйидаги шартлар билан қўлланилмайди:

эфир орқали кўрсатув ва эшиттириш берувчи ташкилот ушбу модда қондаларига мувофиқ қисқа муддат фойдаланиладиган ёзув ёки бундай ёзувни такрорлаш амалга ошириладиган сахна асарининг ўзини, ижрони ёки кўрсатув ва эшиттиришни эфирга бериш учун олдиндан рухсат олган тақдирда;

қисқа муддат фойдаланиладиган ёзув адабиёт, фан ва санъат асарларининг бундай ёзувларига нисбатан белгиланган муддат доирасида йўқ қилиб юборилган тақдирда (ушбу Қонуннинг 33-моддаси), башарти ёзув бутунлай ҳужжат руҳида бўлса, расмий архивларда

сақланиши мумкин бўлган ягона нусха бундан мустасно.

Ушбу моддада назарда тутилган чеклашлар ижродан, ижро ёзувидан, саҳна асаридан, эфир ёки кабель орқали берилган кўрсатув ва эшиттиришдан ҳамда уларнинг ёзувидан нормал фойдаланишга зарар етказмаган ҳолда ва ижрочининг, ижро ёзувини амалга оширган шахснинг, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ва эшиттириш берувчи ташкилотнинг ҳамда кўрсатиб ўтилган асарлар муаллифларининг қонуний манфаатларини чеклаб қўймаган ҳолда қўлланилади.

**61-модда. Турдош ҳуқуқлардан фойдаланиш тўғрисидаги шартномани умуман ёки тегишли даражада бажармаганлик ва асардан шартнома тузмаган ҳолда ноқонуний фойдаланганлик учун жавобгарлик**

Турдош ҳуқуқлардан фойдаланиш тўғрисидаги шартномани умуман ёки тегишли даражада бажармаган ёхуд асардан шартнома тузмаган ҳолда ноқонуний фойдаланган шахс шартномани умуман ёки тегишли даражада бажармаганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги ёхуд зиён етказганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги умумий қоидаларга мувофиқ жавобгар бўлади.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

**«МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ВА ТУРДОШ ҲУҚУҚЛАР  
ТУҒРИСИДА»ГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ҲАҚИДА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ**

**1996 йил 30 август**

**Қ А Р О Р И**

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1996 йил, 9-сон, 136-модда)**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қ а р о р  
қ и л а д и:

1. «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар туғ-  
рисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуот-  
да эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритил-  
син.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси  
ҳукуматнинг қарорларини «Муаллифлик ҳуқуқи ва  
турдош ҳуқуқлар туғрисида»ги Қонунга мувофиқлаш-  
тирсин, вазирликлар ва идоралар мазкур Қонунга зид  
бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чи-  
қишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлисининг Раиси**

**Э. ХАЛИЛОВ**

# НОШИРЛИК ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ

1996 йил 30 август

## Қ О Н У Н И

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1996 йил, 9-сон, 137-модда)

**1-модда. Ноширлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Ўзбекистон Республикасида ноширлик фаолияти соҳасидаги муносабатлар ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Қорақалпоғистон Республикасида ноширлик фаолияти соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Башарти Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида Ўзбекистон Республикасининг ноширлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларидагидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**2-модда. Ноширлик фаолиятининг эркинлиги**

Ноширлар ўз фаолиятларида, шу жумладан, ноширлик йўналишини, мавзуларини, ихтисослашувини, чиқариладиган маҳсулот нусхасини белгилашда, муаллифни танлашда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда қонун ҳужжатлари доирасида мустақилдир.

Ношир ва буюртмачи ўртасидаги муносабатлар шартнома асосида тартибга солинади.

**3-модда. Цензурага йўл қўйилмаслиги**

Нашрга тайёрланган қўлёзмалар ва материалларни цензурадан ўтказишга йўл қўйилмайди.

**4-модда. Ноширлик фаолияти эркинлигини суистеъмол қилишга йўл қўйилмаслиги**

Матбаа маҳсулотида конституциявий тузумни зўр-



лик билан ўзгартиришга даъват этиш, давлат аҳамиятига молик сирларни ошкор қилиш, уруш, зўравонлик ва беҳаёликни тарғиб қилиш, диний ва миллий нифоқ солиш, инсон шаъни ва қадр-қимматини камситиш, туҳмат қилиш ман этилади.

Ноширлик фаолиятида монополияга, шунингдек, ноширлик фаолияти эркинлигидан қонун талабларига зид келадиган мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилмайди.

#### **5-модда. Давлат рўйхатидан ўтказиш ва лицензия бериш**

Юридик ва жисмоний шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтгандан ва лицензия олгандан кейин ноширлик фаолияти билан шуғулланишга ҳақлидир.

Ноширлик ишларига раҳбарлик қилувчи давлат органлари ноширларнинг ўз устав мажбуриятларини бажаришини назорат қилади.

#### **6-модда. Рўйхатдан ўтказиш ва лицензия олиш**

Рўйхатдан ўтказиш ва лицензия олиш тегишли давлат органларига белгиланган тартибда ариза бериш йўли билан амалга оширилади.

Рўйхатдан ўтказиш ва лицензия олиш тўғрисидаги аризада қуйидагилар кўрсатилиши керак:

муассис (ҳаммуассис);

ноширнинг номи ва манзили;

ихтисослашуви;

маблағ бидан таъминланиш манбаи.

Аризага устав, шунингдек, рўйхатдан ўтиш ва лицензия олиш йиғимларини тўлаганлик тўғрисидаги ҳужжат қўшиб тақдим этилади.

Рўйхатдан ўтказиш ва лицензия олиш вақтида бошқа талаблар қўйиш тақиқланади.

#### **7-модда. Рўйхатдан ўтказиш ва лицензия олиш йиғимлари**

Рўйхатдан ўтказиш ва лицензия йиғимлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиладиган тартиб ва миқдорларда тўланади.

Болалар адабиёти, ўқув адабиёти, норматив маълумотномалар, фан ва техникага оид адабиётни нашрга тайёрлаш ва чоп этиш учун рўйхатдан ўтказиш ва рухсатнома (лицензия) олиш йўғимларининг имтиёзли миқдорлари белгиланиши мумкин.

#### 8-модда. Муассис

Юридик ва жисмоний шахслар нашриётлар ва матбаа корхоналарининг муассислари (ҳаммуассислари) бўлиши мумкин.

Муассис (ҳаммуассис) ноширнинг ихтисослашувини белгилайди ва унинг уставини тасдиқлайди.

#### 9-модда. Ношир

Ношир:

нашриётга, матбаа корхонасига, шунингдек, матбаа маҳсулотларини тарқатувчи бошқа корхоналарга муассис (ҳаммуассис) бўлиш;

мавзулар бўйича матбаа маҳсулотлари чоп этиш режасини мустақил равишда тузиш ва тасдиқлаш;

Ватанимиз муаллифларининг асарларидан чет элларда ва чет эллик муаллифларнинг асарларидан Ўзбекистон Республикасида фойдаланиш, уларни чоп этиш ва тарқатиш тўғрисида чет эл юридик ва жисмоний шахслари билан шартномалар тузиш ва бу ишда воситачилик қилиш;

матбаа маҳсулоти тайёрлаш ҳамда нашр этиш учун буюртмалар олиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ ўзга фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга.

#### 10-модда. Матбаа маҳсулотларини тарқатиш тартиби

Матбаа маҳсулотларини тарқатиш муассис, ношир, матбаачи ва муаллифнинг келишувига мувофиқ ёки шартнома асосларида ўзга юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга оширилиши мумкин.

Матбаа маҳсулотини тарқатиш шартнома асосида амалга оширилади.

Матбаа маҳсулоти ношир ёки унинг ваколоти билан иш кўрувчи шахс рухсат берганидан кейингина тарқатувга чиқарилади.

### 11-модда. **Нашрга доир маълумотлар**

Матбаа маҳсулотининг нашрга доир маълумотлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

### 12-модда. **Муаллифлик нашрлари**

Юридик ва жисмоний шахслар ўз қўлёзмалари ва бошқа материалларни қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга зид келмайдиган ҳолларда ўз маблағлари ҳисобидан чоп этиш ва тарқатишга ҳақлидир.

### 13-модда. **Имтиёзли нашрлар**

Болалар адабиёти, ўқув адабиёти, фан ва техникага оид адабиёт, норматив маълумотлар, қомусий қўлланма ва экспорт учун мўлжалланган матбаа маҳсулотлари, шунингдек, кўзи ожизлар ва ногиронлар учун мўлжалланган нашрлар имтиёзли асосда чоп этилиши, қороз ва бошқа ресурслар, шу жумладан, матбаа қуввати билан таъминланиши мумкин.

### 14-модда. **Матбаа маҳсулотини олиб чиқиш ва олиб кириш**

Матбаа маҳсулотини Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиш, худди шунингдек, Ўзбекистон Республикасига чет эл матбаа маҳсулотини олиб кириш ва тарқатиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

### 15-модда. **Ноширлик фаолиятини тугатиш**

Ноширлик фаолияти муассиснинг, рўйхатга олган ёки лицензия берган органнинг ёхуд суднинг қарори билан тугатилиши мумкин.

Башарти, ношир рўйхатдан ўтган ва лицензия олган кундан бошлаб олти ой давомида матбаа маҳсулоти чоп этмаса, тегишли органлар рўйхатдан ўтганлик ҳақидаги ҳужжатни бекор қилади ва берилган лицензияни қайтариб олади.

**16-модда. Ноширлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик учун жавобгарлик**

Ноширлик фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларини бузганликда айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

**«НОШИРЛИК ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ  
АМАЛГА КИРИТИШ ҲАҚИДА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ**

**1996 йил 30 август**

**Қ А Р О Р И**

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1996 йил, 9-сон, 138-модда)**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қ а р о р**  
**қ и л а д и:**

1. «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукуматнинг қарорларини «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин, вазирликлар ва идоралар ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлисининг Раиси**

**Э. ХАЛИЛОВ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА  
МАЪМУРИЙ-ҲУДУДИЙ ТУЗИЛИШ, ТОПОНИМИК  
ОБЪЕКТЛАРГА НОМ БЕРИШ ВА УЛАРНИНГ  
НОМЛАРИНИ ЎЗГАРТИРИШ МАСАЛАЛАРИНИ  
ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ**

1996 йил 30 август

**Қ О Н У Н И**

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1996 йил, 9-сон, 139-модда)**

Ушбу Қонуи вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овулларни тузиш, тугатиш, уларнинг чегараларини ўзгартириш, маъмурий марказларни кўчириш ҳамда аҳоли пунктларини шаҳар, шаҳарчалар туркумига ўтказиш, маъмурий-ҳудудий birlikлар, аҳоли пунктлари ва уларнинг таркибий қисмларига, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, физик-жўғрофий, геологик ва бошқа объектларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартибини белгилайди.

**I. ВИЛОЯТЛАР, ТУМАНЛАР, ҚИШЛОҚЛАР, ОВУЛЛАРНИ  
ТУЗИШ ВА ТУГАТИШ**

1-модда. Вилоятларни тузиш ва тугатиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига мувофиқ Олий Мажлис томонидан амалга оширилади.

2-модда. Туманларни тузиш ва тугатиш тегишли вилоят ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг илтимосномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига мувофиқ Олий Мажлис томонидан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикасида туманларни тузиш ва тугатиш Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг таклифига мувофиқ Жўқорғи Кенгес томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг розилиги билан амалга оширилади. (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 69-моддаси).

**3-модда.** Қишлоқлар, овулларни тузиш ва тугатиш тегишли туман ҳокимларининг илтимосномасига асосан халқ депутатлари вилоят Кенгашлари томонидан, Қорақалпоғистон Республикасида эса — Жўқорғи Кенгес томонидан амалга оширилади.

## **II. ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ВИЛОЯТЛАР, ТУМАНЛАР, ҚИШЛОҚЛАР, ОВУЛЛАРНИНГ ЧЕГАРАЛАРИНИ ЎЗГАРТИРИШ**

**4-модда.** Қорақалпоғистон Республикасининг чегараси фақат унинг розилиги билан Жўқорғи Кенгес қарорига асосан Олий Мажлис томонидан ўзгартирилиши мумкин.

**5-модда.** Вилоятлар ва туманларнинг чегараларини ўзгартириш тегишли вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳокимларининг илтимосномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига мувофиқ Олий Мажлис томонидан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикасида туманларнинг чегараларини ўзгартириш тегишли туман ҳокимларининг илтимосномасига асосан Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг таклифига мувофиқ Жўқорғи Кенгес томонидан амалга оширилади.

**6-модда.** Қишлоқлар ва овуллар чегарасини ўзгартириш, аҳоли пунктларини бирлаштириш тегишли туман ҳокимларининг илтимосномасига асосан халқ депутатлари вилоят Кенгашлари томонидан, Қорақалпоғистон Республикасида эса — Жўқорғи Кенгес томонидан амалга оширилади.

## **III. ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ВИЛОЯТЛАР, ТУМАНЛАР, ҚИШЛОҚЛАР, ОВУЛЛАРНИНГ МАЪМУРИЙ МАРКАЗЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ ВА КЎЧИРИШ**

**7-модда.** Қорақалпоғистон Республикасининг пойтахтини белгилаш ва кўчириш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг розилиги билан Жўқорғи Кенгес томонидан амалга оширилади.

**8-модда.** Вилоятларнинг маъмурий марказларини белгилаш ва кўчириш тегишли вилоят ҳокимларининг илтимосномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига мувофиқ Олий Мажлис томонидан амалга оширилади.

**9-модда.** Туманлар, қишлоқлар, овулларнинг маъмурий марказларини белгилаш ва кўчириш тегишли туман ҳокимларининг илтимосномасига асосан халқ депутатлари вилоят Кенгашлари томонидан, Қорақалпоғистон Республикасида эса — Жўқорғи Кенгес томонидан амалга оширилади.

#### **IV. ШАҲАРЛАР БЎЙСУНУВИНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА АҲОЛИ ПУНКТЛАРИНИ, ШАҲАР, ШАҲАРЧАЛАР ТУРҚУМИГА КИРИТИШ**

**10-модда.** Республика (Қорақалпоғистон Республикасида), вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига, қоида тариқасида, камида ўттиз минг аҳолиси бўлган, муҳим маъмурий аҳамият касб этадиган, истиқболли иқтисодий ва маданий марказлар деб ҳисобланган шаҳарлар киритилиши мумкин.

Шаҳарларни вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритиш, уларни қайта тузиш тегишли вилоят ҳокимларининг илтимосномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига мувофиқ Олий Мажлис томонидан амалга оширилади.

Шаҳарларни республика (Қорақалпоғистон Республикасида) бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритиш, уларни қайта тузиш Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг таклифига мувофиқ Жўқорғи Кенгес томонидан амалга оширилади.

**11-модда.** Туман бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига, қоида тариқасида, камида етти минг аҳолиси бўлган, саноат корхоналари ва ривожланган инфраструктураси мавжуд шаҳарчалар, аҳоли пунктлари киритилиши мумкин.

Шаҳарчаларни, аҳоли пунктларини туман бўйсунувидаги шаҳарлар туркумига киритиш, уларни қайта тузиш тегишли вилоят ҳокимларининг илтимосномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига мувофиқ Олий Мажлис томонидан, Қорақалпоғистон Республикасида эса — тегишли туман ҳокимларининг илтимосномасига асосан Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг таклифига мувофиқ Жўқорғи Кенгес томонидан амалга оширилади.

**12-модда.** Шаҳарчалар туркумига саноат корхоналари, қурилишлар, темир йўл станциялари ва бошқа муҳим объектлар яқинида жойлашган ҳамда қоида тариқасида камида икки минг аҳолиси бўлган аҳоли пунктлари киритилиши мумкин.



Аҳоли пунктларини шаҳарчалар туркумига кири-  
тиш тегишли туман ҳокимларининг илтимосномасига  
асосан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кен-  
геси, халқ депутатлари вилоят Кенгашлари томонидан  
амалга оширилади.

#### **V. ШАҲАРЛАР, ШАҲАРЧАЛАРНИНГ ЧЕГАРАЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ ВА КЕНГАЙТИРИШ**

**13-модда.** Шаҳарларнинг чегараларини белгилаш  
ва кенгайтириш тегишли вилоят, Тошкент шаҳри ҳо-  
кимларининг илтимосномасига асосан Ўзбекистон Рес-  
публикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига муво-  
фиқ Олий Мажлис томонидан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикасида шаҳарларнинг че-  
гараларини белгилаш ва кенгайтириш тегишли туман,  
шаҳар ҳокимларининг илтимосномасига асосан Қора-  
қалпоғистон Республикаси ҳукуматининг таклифига  
мувофиқ Жўқорғи Кенгес томонидан амалга ошири-  
лади.

**14-модда.** Шаҳарчаларнинг чегараларини белги-  
лаш ва кенгайтириш тегишли туман ҳокимларининг  
илтимосномасига асосан халқ депутатлари вилоят Кен-  
гашлари томонидан, Қорақалпоғистон Республикасида  
эса — Жўқорғи Кенгес томонидан амалга оширилади.

#### **VI. МАЪМУРИЙ-ҲУДУДИЙ БИРЛИҚЛАР, АҲОЛИ ПУНКТЛАРИГА НОМ БЕРИШ ВА УЛАРНИНГ НОМИНИ ЎЗГАРТИРИШ**

**15-модда.** Вилоятлар, туманлар, шаҳарларга ном  
бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тегишли ви-  
лоят ҳокимларининг илтимосномасига асосан Олий  
Мажлис томонидан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикасида туманлар, ша-  
ҳарларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш  
тегишли туман, шаҳар ҳокимларининг илтимоснома-  
сига асосан Жўқорғи Кенгес томонидан амалга ошири-  
лади.

**16-модда.** Шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, аҳо-  
ли пунктларига ном бериш ва уларнинг номини ўзгар-  
тириш тегишли туман, шаҳар ҳокимларининг илтимос-  
номасига асосан халқ депутатлари вилоят Кенгашлари  
томонидан, Қорақалпоғистон Республикасида эса —  
Жўқорғи Кенгес томонидан амалга оширилади.

**17-модда.** Вилоятлар, туманлар, шаҳарларга ном

**Бериш** ва уларнинг номини ўзгартириш вақтида **Ўзбекистон Республикасида** мавжуд бўлган номларни беришга, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, аҳоли пунктларига эса **Қорақалпоғистон Республикаси** ёки ушбу вилоятда мавжуд бўлган номларни беришга йўл қўйилмайди.

**18-модда.** Вилоятлар, шаҳарлар, туманлар, қишлоқлар, овуллар, шаҳарчалар, аҳоли пунктларига одамларнинг номини беришга, шунингдек уларни тарихий воқеалар шарафига номлашга қонда тарихида йўл қўйилмайди.

## **VII. АҲОЛИ ПУНКТЛАРИНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИГА НОМ БЕРИШ ВА УЛАРНИНГ НОМИНИ ЎЗГАРТИРИШ**

**19-модда.** Маҳаллалар, кўчалар, майдонлар, ҳиёбонлар, боғлар, аҳоли пунктларининг бошқа таркибий қисмларига ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг тақдимномасига мувофиқ халқ депутатлари тегишли туман, шаҳар Кенгаши томонидан амалга оширилади.

**20-модда.** Аҳоли пунктларининг таркибий қисмларига ушбу аҳоли пунктида мавжуд номларни беришга йўл қўйилмайди.

## **VIII. КОРХОНАЛАР, МУАССАСАЛАР, ТАШКИЛОТЛАРГА НОМ БЕРИШ ВА УЛАРНИНГ НОМИНИ ЎЗГАРТИРИШ**

**21-модда.** Республика бўйсунувдаги корхоналар, муассасалар, ташкилотларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш ушбу объект жойлашган маҳаллий ҳокимият органининг розилиги бўлган ҳолда тегишли вазирлик, идоранинг тақдимномасига мувофиқ **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси** томонидан амалга оширилади.

Маҳаллий бўйсунувдаги корхоналар, муассасалар, ташкилотларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш **Қорақалпоғистон Республикаси ҳукумати**, вилоят, Тошкент шаҳри ҳокимлари томонидан амалга оширилади.

**22-модда.** **Ўзбекистон Республикасининг** тегишли вазирликлари, идоралари тизимига кирувчи маҳаллий бўйсунувдаги корхоналар, муассасалар, ташкилотларга **Қорақалпоғистон Республикаси ҳукумати**, вилоят, Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан берилаётган номлар, улар билан келишилган бўлиши керак.

**23-модда.** Қорхоналар, муассасалар, ташкилотларга тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси, ушбу вилоят, Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган бошқа объектларга бериб бўлинган номларни бериш, шунингдек тегишли вазирлик, идоранинг бошқа ташкилотларига бериб бўлинган номларни беришга рухсат этилмайди.

**IX. ФИЗИК-ЖУҒРОФИЙ, ГЕОЛОГИК, ТАБИАТ МУҲОФАЗА  
ЭТИЛАДИГАН ОБЪЕКТЛАРГА НОМ БЕРИШ ВА УЛАРНИНГ  
НОМИНИ ЎЗГАРТИРИШ, МОНУМЕНТАЛ САНЪАТ  
АСАРЛАРИГА НОМ БЕРИШ**

**24-модда.** Физик-жуғрофий объектларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг тақдимномасига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

**25-модда.** Геологик объектларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасининг тақдимномасига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

**26-модда.** Табиати муҳофаза этиладиган объектларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг тақдимномасига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

**27-модда.** Монументал санъат асарларига ном бериш, уларга оид тагсўз матнларини тасдиқлаш Қорақалпоғистон Республикаси ҳукумати, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги томонидан амалга оширилади.

**X. АҲОЛИ ПУНКТЛАРИНИНГ ТАРҚИБИЙ ҚИСМЛАРИГА,  
ҚОРХОНАЛАР, МУАССАСАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР,  
ФИЗИК-ЖУҒРОФИЙ, ГЕОЛОГИК ВА БОШҚА  
ОБЪЕКТЛАРГА ОДАМЛАРНИНГ НОМИНИ БЕРИШ**

**28-модда.** Маҳаллалар, кўчалар, майдонлар, хиёбонлар, боғлар ва аҳоли пунктларининг бошқа таркибий қисмларига, қорхоналар, муассасалар, ташкилотларга, физик-жуғрофий, геологик, табиати муҳофаза этиладиган ва бошқа объектларга давлат, жамоат ар-

бобларининг, сиёсий арбобларнинг, Ватан ҳимоячилари, меҳнат қаҳрамонлари, фан, маданият арбоблари ва бошқа хизмат кўрсатган одамларнинг номини бериш фақат уларнинг вафотидан сўнг амалга оширилиши мумкин.

**29-модда.** Одамларнинг номини бериш тўғрисидаги давлат ҳокимияти органларининг қарорлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда қабул қилинади.

## **XI. ЯҚУНИЙ ҚОИДАЛАР**

**30-модда.** Вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овулларни тузиш, тугатиш, чегараларини ўзгартириш, маъмурий марказларни кўчириш, аҳоли пунктларини шаҳар, шаҳарчалар туркумига ўтказиш, маъмурий-ҳудудий бирликлар ва аҳоли пунктларига ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш ҳақидаги қарорлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномасида эълон қилиниши шарт.

Мавжуд аҳоли пунктлари ҳисобининг юритилишини ҳамда янги пайдо бўлганлари рўйхатдан ўтказилишини тегишли равишда Жўқорғи Кенгес, вилоят ҳокимликлари таъминлайдилар.

**31-модда.** Маъмурий-ҳудудий бирликлар, аҳоли пунктлари, бошқа топонимик объектлар номининг ёзилишига аниқлик киритишни, тегишли объектларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш ҳуқуқи берилган органлар амалга оширадилар.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА  
МАЪМУРИЙ-ҲУДУДИЙ ТУЗИЛИШ, ТОПОНИМИК  
ОБЪЕКТЛАРГА НОМ БЕРИШ ВА УЛАРНИНГ  
НОМЛАРИНИ ЎЗГАРТИРИШ МАСАЛАЛАРИНИ  
ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА»ГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ  
АМАЛГА КИРИТИШ ҲАҚИДА  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ**

1996 йил 30 август

**Қ А Р О Р И**

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1996 йил., 9-сон, 140-модда)**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қ а р о р  
қ и л а д и:

1. «Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

1991 йил 20 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилишига доир масалаларни ҳал қилиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 2, 82-модда);

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 3 сентябрдаги Қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасидаги маъмурий-ҳудудий birlikлар, аҳоли пунктлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, физик-жўғрофий, геологик ва бошқа топонимик объектларга ном бериш ҳамда уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисида»ги Низом (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 340-модда).

Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлисининг Раиси

**Э. ХАЛИЛОВ**

# ШАҲАР ЙЎЛОВЧИЛАР ТРАНСПОРТИДАН БЕПУЛ Фойдаланишни тартибга солиш туғрисида

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ

1996 йил 30 август

### Қ О Н У Н И

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1996 йил, 9-сон, 141-модда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қ а р о р  
қ и л а д и:

1. Шаҳар йўловчилар транспортдан (таксидан ташқари) бепул фойдаланиш ҳуқуқи фақат:

1941—1945 йиллардаги уруш қатнашчилари жумласидан бўлмиш ҳарбий хизматчилар;

1941—1945 йилларда уруш ногиронлари ва урушнинг I гуруҳ ногиронига ҳамроҳлик қилувчи шахс;

1941—1945 йиллардаги уруш даврида фронт ортида фидокорона меҳнати ва бепул ҳарбий хизмати учун орден ва медаллар билан тақдирланган шахслар;

Афғонистон Республикасида ва бошқа мамлакатларнинг ҳудудидаги жанговар ҳаракатларда қатнашган собиқ байналмилалчи жангчилар жумласидан бўлмиш фуқаролар;

ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар, старшиналар, прапорщиклар, катта прапорщиклар, мичманлар ва катта мичманлар;

Чернобиль АЭС ҳалокати оқибатида нурланиш касаллигига чалинган ва уни бошдан кечирган шахслар;

кўзи ожиз ногиронлар ва кўзи ожиз ногиронга ҳамроҳлик қилувчи шахс учун сақлаб қолинсин.

2. Қуйидаги қонун ҳужжатлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Прокуратура туғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 29-модда) 52-моддаси тўртинчи қисмининг;

1993 йил 7 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган «Соғлом авлод учун» ордени тўғрисидаги Низомнинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 6, 257-модда) 4-моддаси биринчи қисми учинчи хатбошисининг ва 5-моддаси биринчи қисми иккинчи хатбошисининг;

1994 йил 5 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони тўғрисидаги Низом (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 5, 113-модда) 6-моддаси иккинчи қисмининг;

1995 йил 24 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари фаолиятининг таъминоти тўғрисидаги Низом (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 4, 30-модда) 9-моддаси биринчи қисмининг;

1995 йил 6 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида депутатларнинг мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 6, 114-модда) 27-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларининг шаҳар йўловчилар транспортдан бепул фойдаланишга доир қисмлари.

3. Ушбу Қонун матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. ҚАРИМОВ**

# БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ТЎҒРИСИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ

1996 йил 30 август

## Қ О Н У Н И

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1996 йил, 9-сон, 142-модда)

**1-модда. Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ҳамда ҳисобот тузиш билан боғлиқ муносабатлар ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Башарти, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида ушбу Қонунда баён этилганидан кўра бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартномалар қоидалари қўлланади.

**2-модда. Бухгалтерия ҳисобининг мақсади ва вазифалари**

Бухгалтерия ҳисобининг мақсади фойдаланувчиларни ўз вақтида тўлиқ ҳамда аниқ молиявий ва бошқа бухгалтерия ахбороти билан таъминлашдир.

Бухгалтерия ҳисобининг вазифалари:

бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида активларнинг ҳолати ва ҳаракати, мулкӣ ҳуқуқлар ва мажбуриятларнинг ҳолати тўғрисидаги тўлиқ ҳамда аниқ маълумотларни шакллантириш;

самарали бошқариш мақсадида бухгалтерия ҳисоби маълумотларини умумлаштириш;

молиявий, солиққа доир ва бошқа ҳисоботларни тузишдан иборатдир.

**3-модда. Бухгалтерия ҳисоби субъектлари**

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган юридик шахслар, уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳамда ундан ташқарида жойлашган шуъба корхоналари,



филиаллари, ваколатхоналари ва бошқа таркибий бўлинмалари бухгалтерия ҳисоби субъектларидир.

Юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритади ва бухгалтерия (молия) ҳисоботини тақдим этади.

#### **4-модда. Бухгалтерия ҳисоби объектлари**

Асосий ва жорий активлар, мажбуриятлар, хусусий капитал, заҳиралар, даромадлар ва харажатлар, фойда, зарарлар ҳамда уларнинг ҳаракати билан боғлиқ ҳужалик операциялари бухгалтерия ҳисобининг объектларидир. Бухгалтерия ҳисобининг объектлари жамлама ҳисобварақларда акс этирилади. Аналитик ҳисобни юритиш тартиби бухгалтерия ҳисоби субъекти томонидан мустақил равишда белгиланади.

#### **5-модда. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солиш**

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солиш, бухгалтерия ҳисоби стандартларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги зиммасига юкланади.

Бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидалари бухгалтерия ҳисоби стандартлари билан, шу жумладан кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун соддалаштирилган бухгалтерия ҳисобини юритиш стандарти билан белгиланади.

Банкларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солиш Марказий банк томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

#### **6-модда. Бухгалтерия ҳисобининг асосий қоидалари**

Бухгалтерия ҳисобининг асосий қоидалари қуйидагилардир:

бухгалтерия ҳисобини икки ёқлама ёзув усулида юритиш;

узлуксизлик;

ҳужалик операциялари, активлар ва пассивларнинг пулда баҳоланиши;

аниқлик;  
ҳисоблаш;  
олдиндан кўра билиш (эҳтиёткорлик);  
мазмуннинг шаклдан устунлиги;  
кўрсаткичларнинг қийёсланувчанлиги;  
молиявий ҳисоботнинг бетарафлиги;  
ҳисобот даври даромадлари ва харажатларининг мувофиқлиги;  
активлар ва мажбуриятларнинг ҳақиқий баҳола- ниши.

#### 7-модда. Бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этишни корхона, муассаса ва ташкилот раҳбари амалга оши- ради.

Раҳбар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

бош бухгалтер раҳбарлигида бухгалтерия ҳисоби хизматини ташкил этиш ёки шартнома асосида жалб қилинган бухгалтер хизматидан фойдаланиш;

бухгалтерия ҳисоби юритишни шартнома асосида ихтисослаштирилган бухгалтерия фирмасига ёки тар- кибига бухгалтерия субъекти ҳам кирадиган хўжалик бирлашмасининг марказлаштирилган ҳисобга олиш бўлимига юклаш;

бухгалтерия ҳисобини мустақил юритиш.

Раҳбар қуйидагиларни таъминлаши шарт:

ички ҳисоб ва ҳисобот тизими ишлаб чиқилишини;  
хўжалик операцияларини назорат қилиш тарти- бини;

бухгалтерия ҳисоби тўлиқ ва аниқ юритилишини;  
ҳисоб-китоб ҳужжатларининг сақланишини;  
ташқи фойдаланувчилар учун молиявий ҳисобот тайёрланишини;

солиқ ҳисоботлари ва бошқа молиявий ҳужжатлар тайёрланишини;

ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилишини.

#### 8-модда. Имзо ҳуқуқи

Пул, товар-моддий ва бошқа бойликларни қабул қилиш ва бериш учун асос бўлиб хизмат қиладиган ҳужжатлар, корхона, муассаса ва ташкилотнинг кре- дит ва ҳисоб-китоб мажбуриятлари, шунингдек бух-

галтерия ҳисоботлари ва баланслари раҳбар томонидан ёки у белгилайдиган шахслар томонидан имзоланади.

Раҳбар имзолаш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг иккита рўйхатини тасдиқлайди. Биринчи рўйхатга — раҳбарлик вазифаларини амалга оширувчи шахслар, иккинчисига — бухгалтерия ҳисоби ва молжавий бошқариш вазифаларини амалга оширувчи шахслар киради.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган шахсларнинг имзоси бўлмаган ҳужжатлар ҳақиқий ҳисобланмайди.

### 9-модда. Бошланғич ҳисоб ҳужжатлари

Ҳўжалик операцияларининг бухгалтерия ҳисоби учун операциялар амалга оширилганлигини қайд этувчи бошланғич ҳисоб ҳужжатлари ва уларни ўтказишга доир фармойишлар асос бўлади.

Бошланғич ҳисоб ҳужжатлари ҳўжалик операциялари амалга оширилаётган вақтда ёки операциялар амалга ошириб бўлинганидан кейин тузилади.

Ҳисобот даврига тегишли бўлган ҳўжалик операциялари, агар улар амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар олинмаган бўлса, тегишли бошланғич ҳужжат расмийлаштирилиб, бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади.

Бошланғич ҳисоб ҳужжатларининг мажбурий реквизитлари қуйидагилардир:

корхонанинг (муассасанинг) номи;

ҳужжатнинг номи ва рақами, у тузилган сана ва жой;

ҳўжалик операциясининг номи, мазмуни ва миқдор ўлчови (натура ҳолида ва пулда ифодаланган ҳолида); масъул шахсларнинг шахсий имзолари.

Бошланғич ҳисоб ҳужжатларини тузган ҳамда имзолаган шахслар уларнинг ўз вақтида тўғри ва аниқ тузилиши, шунингдек бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун уларнинг белгиланган муддатларда топширилишига жавобгардирлар.

Бошланғич ҳисоб ҳужжатларига ҳўжалик операцияси қатнашчилари томонидан тасдиқланмаган тузатишлар киритилишига йўл қўйилмайди. Банк ва касса-пул

ҳужжатларида тузатишлар ва ўчириб ёзишларга йўл қўйилмайди.

### 10-модда. Бухгалтерия ҳисоби регистрлари

Бухгалтерия ҳисоби регистрлари икки ёқлама ёзув қоидаларига мувофиқ юритиладиган журналлар, қайдномалар, дафтарлар, тасдиқланган бланкалар (шакллар)дир.

Регистрлар техника воситаларидан фойдаланишда олинган машинограмма кўринишидаги ёзувлар йўли билан, шунингдек магнит тасмалари, дисклар, дискетлар ва бошқа машиналарда бажарилиши мумкин. Регистрларни шакллантириш тартиби бухгалтерия ҳисоби стандартлари билан белгиланади.

Бухгалтерия ҳисоби регистрларига тасдиқланмаган тузатишларнинг киритилишига йўл қўйилмайди.

### 11-модда. Активлар ва мажбуриятларни инвентаризация қилиш

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотларининг тўғрилиги ҳамда аниқлиги активлар ва мажбуриятларни мажбурий суратда инвентаризация қилиш орқали тасдиқланади. Инвентаризация объектлари, уни ўтказиш тартиби ва муддатлари инвентаризация бўйича бухгалтерия ҳисоби стандартига мувофиқ белгиланади.

### 12-модда. Активлар ва мажбуриятларни баҳолаш

Оборот активларни баҳолаш қўидаги икки баҳонинг энг пасти бўйича — баланс тузилаётган санадаги ҳақиқий таннархи бўйича — (сотиб олиш нархи ёки ишлаб чиқариш таннархи) ёки бозор баҳоси бўйича (соф сотиш қиймати) амалга оширилади.

Асосий маблағлар ва номоддий активлар уларнинг тўлиқ бошланғич қиймати бўйича ҳисобга олинади.

Асосий маблағлар ва номоддий активлар қиймати-ни ҳисобдан чиқариш уларнинг қиймати тўлиқ тўлангунга ёки объект сафдан чиқиб кетгунга қадар бўлган эскиришини (амортизацияни) ҳисоблаш йўли билан амалга оширилади. Амортизация ажратмалари объект

фойдаланишга топширилганидан кейинги ойдан бошлаб амалга оширилади. Ернинг қиймати амортизация қилинмайди.

Молиявий қўйилмалар бухгалтерия ҳисоби стандартларига мувофиқ ҳисобга олинади.

Мажбуриятлар тарафларнинг келишувига биноан пул билан акс эттирилади.

Суд қарори бўйича юзага келган мажбуриятлар тегишли суммада акс эттирилади.

Потенциал мажбуриятлар дастлабки ҳақиқий баҳоси бўйича акс эттирилади.

Бухгалтерия ҳисоби миллий валюта — сўмда юритилади.

### **13-модда. Даромадлар ва харажатларни ҳисобга олиш**

Даромадлар ва харажатлар, туланган вақти ва пул келиб тушган санадан қатъи назар, қайси даврга тааллуқли бўлса, ўша ҳисобот даврида акс эттирилади.

### **14-модда. Хусусий капитални ҳисобга олиш**

Хусусий капитал — устав капитали, қўшилган ва захира капиталидан, ҳамда тақсимланмаган фойдадан таркиб топади.

Устав капитали — таъсис ҳужжатларида белгиланган ҳиссаларнинг (пул ифодасида) йиғиндисидир. Устав капиталига ҳисса шаклида қўшилаётган моддий ва номоддий активлар таъсисчилар келишувига ёки юридик шахс ижроия органининг қарорига кўра баҳоланади ва ҳисобга олинади.

Қўшилган капитал акцияларни номинал қийматидан баланд нархларда дастлабки сотишдан олинган эмиссия даромадини акс эттиради.

Захира капитали мол-мулкни қайта баҳолаш чоғида ҳосил бўладиган инфляция заҳираларини, шунингдек текинга олинган мол-мулк қийматини акс эттиради.

Тақсимланмаган фойда фойданинг жамғарилаётганини ифодалайди ва мулкдорларнинг қарорига биноан устав капиталига қўшилиши мумкин.

## 15-модда. Гаровни ҳисобга олиш

Ўзининг ёки ўзгаларнинг мажбуриятларини таъминлаш учун гаровга берилган мол-мулк қиймати, шу жумладан пул маблағлари корхона томонидан бошқа активлардан алоҳида ҳисобга олинади.

Гаровга олинган мол-мулк қиймати, гаров сифатида қабул қилиб олинган пул маблағлари ва валюта бойликлари қиймати алоҳида баланسدан ташқари ҳисобварақларда акс эттирилади.

## 16-модда. Молиявий ҳисобот

Молиявий ҳисобот бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида тузилади.

Молиявий ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олади: бухгалтерия баланси;

молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот;

асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;

пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот;

хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот;

изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиявий ҳисоботи соддалаштирилган шаклда тузилади.

Молиявий ҳисоботнинг таркиби ва мазмунини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги белгилайди.

## 17-модда. Умумлаштирилган молиявий ҳисобот

Шуъба корхоналари, филиаллари ва ваколатхоналари бўлган корхоналар умумлаштирилган молиявий ҳисобот тузади.

Шуъба корхоналарга қўшилган ҳиссалар бош корхонанинг молиявий ҳисоботида унинг молиявий қўйилмалари сифатида акс эттирилади.

Юридик шахслар ўз филиаллари, ваколатхоналари ва бошқа таркибий бўлинмаларини мустақил балансга ажратишлари мумкин бўлиб, уларнинг баланслари ва бошқа ҳисобот шаклларини ўзларининг умумлаштирилган ҳисоботига киритишлари шарт.

Умумлаштирилган ҳисоботга бош корхона, унинг шуъба корхоналари, филиаллари ва ваколатхоналарининг молиявий ҳисоботлари илова қилинади.

Умумлаштирилган ҳисобот бухгалтерия ҳисоби стандартларига мувофиқ тузилади.

Ушбу модданинг талаблари вазирликлар, идоралар ва бюджет ташкилотларининг жамлама молиявий ҳисоботига нисбатан татбиқ этилмайди.

### **18-модда. Молиявий ҳисоботнинг ҳисобот даври**

1 январдан 31 декабрга қадар бўлган календарь йил молиявий ҳисоботнинг ҳисобот даври ҳисобланади.

Янгидан ташкил этилган юридик шахслар учун юридик шахс ҳуқуқи қўлга киритилган санадан бошлаб ўша йилнинг 31 декабрга қадар бўлган давр, юридик шахс ҳисобланмайдиганлар учун эса, улар давлат органларида рўйхатга олинган санадан бошлаб биринчи ҳисобот йили деб ҳисобланади.

Агар юридик шахс 1 октябрдан кейин рўйхатга олинган бўлса, биринчи ҳисобот йили кейинги йилнинг 31 декабрида тугайди.

Рўйхатдан ўтишга ёки юридик шахс ҳуқуқини қўлга киритишга қадар амалга оширилган хўжалик операциялари тўғрисидаги маълумотлар биринчи ҳисобот йили молиявий ҳисоботига киритилади.

### **19-модда: Молиявий ҳисоботни тақдим этиш**

Молиявий ҳисобот қуйидагиларга тақдим этилади:

солиқ органларига;

таъсис ҳужжатларига мувофиқ мулкдорларга;

давлат статистика органларига;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа органларга.

Молия ҳисоботи ҳисобот йили бошдан қўшилиб борувчи жамлама тартибида йилнинг ҳар чорагида тақдим этилади.

Бюджетдаги муассасалар йил чораги бўйича ва йиллик ҳисоботни юқори органга тақдим этадилар.

Молиявий ҳисоботни тақдим этиш муддатларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бухгалтерия ҳисобининг айрим субъектлари учун мо-

лиявий ҳисоботни тақдим этишнинг бошқа муддатларини белгилаши мумкин.

## 20-модда. Молиявий ҳисоботни эълон қилиш

Хўжалик юритувчи субъектларнинг йиллик молиявий ҳисоботи манфаатдор банклар, биржалар, инвесторлар кредиторлар ва бошқалар учун ошқора ҳисобланади.

Очиқ турдаги акциядорлик жамиятлари, суғурта компаниялари, банклар, фонд ва товар биржалари, инвестиция фондлари ва бошқа молия муассасалари ҳар йилги молиявий ҳисоботни уларда кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилигини аудиторлар тасдиқлагач, ҳисобот йили тугаганидан сўнг биринчи майгача эълон қилишлари шарт.

## 21-модда. Тугатиш вақтида молиявий ҳисобот

Хўжалик юритувчи субъект тугатилган вақтда якуний молиявий ҳисобот тузилади.

Тугатиш бўйича операцияларни ҳисобга олиш, тугатиш баланси ва ҳисоботни тузиш, активлар қийматини аниқлаш юзасидан жавобгарлик тугатиш комиссияси зиммасига юкланади.

Умидсиз қарзлар ва зарарлар тугатиш балансига киритилмайди.

Мажбуриятлар уларни узиш вақтига қадар ҳисобланган фоизлари билан тугатиш балансида акс эттирилади.

## 22-модда. Бухгалтерия ахборотининг махфийлиги

Бухгалтерия ҳисобини юритишда махфийликка риоя қилинади. Бухгалтерия ҳисоби регистрларининг мазмуни билан танишишга маъмурият рухсати билан ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади.

Бухгалтерия ҳисоби регистрлари билан танишишга рухсат этилган шахслар уларнинг махфийлигини сақлашлари шарт. Махфийликни бузганлик қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилишга сабаб бўлади.



### 23-модда. Бухгалтерия ҳужжатларини сақлаш

Бухгалтерия ҳужжатлари ва регистрлар, микрофильмлар ёки компьютер ҳисоби молиявий маълумотлари камида уч йил, молиявий ҳисобот эса қонун ҳужжатларида белгиланган муддат мобайнида сақланади.

Бухгалтерия ҳужжатларини олиб қўйиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

### 24-модда. Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти

И. ҚАРИМОВ

**«БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ТЎҒРИСИДА»ГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ  
АМАЛГА КИРИТИШ ҲАҚИДА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ**

1996 йил 30 август

**Қ А Р О Р И**

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1996 йил, 9-сон, 143-модда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қ а р о р**  
**қ и л а д и:**

1. «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукуматнинг қарорларини «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунга мувофиқлаштирсин, республика вазирликлари ва идоралари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишларини ва бекор қилишларини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг «Бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисобдорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақидаги 1993 йил 20 апрелдаги қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 4, 191-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлисининг Раиси**

**Э. ХАЛИЛОВ**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АЙРИМ ҚОНУНЛАРИГА ЎЗГАРТИШЛАР ВА ҚУШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ

1996 йил 30 август

## Қ О Н У Н И

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1996 йил, 9-сон, 144-модда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қ а р о р  
қ и л а д и:

Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги қонунлари-  
га ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин:

1. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 фев-  
ралда қабул қилинган «Корхоналар, бирлашмалар ва  
ташкilotлардан олинадиган солиқлар тўғрисида»ги  
Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши-  
нинг Ахборотномаси, 1991 йил, № 4, 86-модда, № 8,  
191-модда; 1992 йил, № 1, 49-модда, № 4, 177-мод-  
да, № 9, 337-модда; 1993 йил, № 1, 20-модда, № 6,  
240-модда; 1994 йил, № 5, 159-модда, № 11—12, 285-  
модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-  
модда; 1996 йил, № 5—6, 69-модда):

1) 6-модданинг 1-банди қуйидаги мазмундаги  
учинчи ва тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Бозаларга мўлжалланган ассортиментдаги товар-  
лар, бадий ҳунармандчилик буюмлари ва ўйинчоқлар  
ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар фойдага  
солинадиган солиқни 10 фоизли ставка бўйича тўлай-  
дилар.

Ишлаб чиқараётган маҳсулотлари ҳажмида бола-  
ларга мўлжалланган товарлар, бадий ҳунармандчи-  
лик буюмлари ва ўйинчоқлар камида 20 фоизли таш-  
кил этадиган корхоналар фойдага солинадиган солиқ-  
ни амалдаги ставкадан 30 фоиз камайтирилган став-  
ка бўйича тўлайдилар»;

учинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

2) 9-модданинг биринчи қисми қуйидаги мазмун-  
даги 9<sup>1</sup> ва 9<sup>2</sup>-бандлар билан тўлдирилсин:

«9<sup>1</sup>) «Тошкентуйжойжамғармабанк» билан шартно-

ма тузган корхоналар, ўз ходимлари учун уй-жой со-  
тиб олишга ишлатиладиган фойда бўйича;

9<sup>2</sup>) «Ўзбекенгилсаноат» уюшмаси ва «Маҳаллий са-  
ноат» корпорацияси тизимларида амал қилаётган, ус-  
тав фондида хорижий инвестор улуши 50 фоиздан кам  
бўлмаган корхоналар, агар улар солиқнинг барча сум-  
масини халқ истеъмоли товарлари, биринчи навбатда  
болаларга мўлжалланган ассортиментдаги товарлар  
ишлаб чиқаришни ривожлаштиришга ва кенгайтириш-  
га реинвестиция қилса»;

3) 19-модданинг биринчи қисми қўйидаги мазмун-  
даги 41 ва 42-бандлар билан тўлдирилсин:

«41) «Тошкентуйжойжамфармабанк» томонидан жис-  
моний ва юридик шахслар билан тузилган шартнома-  
ларга мувофиқ уй-жой қурилишида бажарилган ишлар  
ҳажми;

42) қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши эҳтиёжлари  
учун қишлоқ хўжалиги товарлари етиштирувчиларга  
етказиб берилаётган минерал ўғитлар ва ёпилги-мой-  
лаш материаллари»;

4) 35-модданинг биринчи қисми қўйидаги мазмун-  
даги «к» банди билан тўлдирилсин:

«к) устав фондида чет эл капиталининг улуши ка-  
мида 500 минг АҚШ доллари бўлган корхоналар мол-  
мулкига».

II. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 фев-  
ралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси фу-  
қароларидан, ажнабий фуқаролардан ва фуқаролиги  
бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғ-  
рисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий  
Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, № 4, 88-мод-  
да, № 8, 191-модда; 1992 йил, № 1, 50-модда, № 4,  
168-модда, № 9, 337-модда; 1993 йил, № 1, 20-модда;  
1994 йил, № 1, 14-модда, № 10, 254-модда; Ўзбекист-  
он Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси,  
1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда) 3-мод-  
даси 1-бандининг «т» бандчасидаги «акциялар харид  
этишга» деган сўзлар «акциялар, «Тошкентуйжойжам-  
фармабанк»нинг эгаси ёзилган уй-жой облигациялари-  
ни харид этишга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

III. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 де-  
кабрда қабул қилинган «Хўжалик жамиятлари ва  
ширкатлари тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Рес-  
публикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993

йил, № 1, 13-модда; 1994 йил, №11—12, 285-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда):

1) 1-модда қўйдаги мазмундаги 3-банд билан тўлдирилсин:

«3. Акциядорлик жамиятларини тузиш, ташкил этиш ва уларнинг фаолият тартиби «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тартибга солинади»;

2) 3-моддада:

1-банднинг иккинчи жумласи қўйдаги таҳрирда баён қилинсин:

«Масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамият таъсис шартномаси ва устав асосида иш юритади»;

3) II бўлим чиқариб ташлансин;

4) 18-модданинг 2-банди қўйдаги таҳрирда баён қилинсин:

«2. Умумий йиғилишнинг мутлақ ваколатига қўйдагилар кирди:

жамият фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш, унинг режаларини ва уларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлаш;

жамиятнинг уставини ўзгартириш ва унга қўшимчалар киритиш;

ижроия органи ва тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш, чақириб олиш ҳамда уларнинг фаолият юртиши тартибини тасдиқлаш;

жамият, шу жумладан унинг филиаллари фаолиятининг йиллик натижаларини, шунингдек тафтиш комиссиясининг ҳисоботлари ва хулосаларини, даромадни (фойдани) тақсимлаш ва зарарни қоплаш тартибини тасдиқлаш;

филиаллар ва ваколатхоналарни тузиш, қайта ташкил этиш ҳамда тугатиш, улар тўғрисидаги низомлари (уставлари) тасдиқлаш;

жамиятни бошқариш органларининг мансабдор шахсларини мулкий жавобгарликка тортиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

жамиятнинг тартиб-таомил қондаларини ва бошқа ички ҳужжатларини тасдиқлаш, жамиятнинг ташкилий тузилишини белгилаш;

устав фондини ўзгартириш;

жамиятни, унинг филиалларини ва ваколатхоналарини бошқариш органлари мансабдор шахсларининг меҳнатига ҳақ тўлаш шартларини белгилаш;

жамият фаолиятини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш, тугатиш ба-лансини тасдиқлаш;

қатнашчилар томонидан қўшимча бадаллар қўшиш миқдори, шакли ва тартибини белгилаш;

қатнашчининг улушини жамият томонидан сотиб олиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш;

қатнашчини жамиятдан чиқариб юбориш.

Жамиятнинг уставида умумий йиғилишнинг мут-лақ ваколатига бошқа масалалар ҳам киритилиши мумкин.

